

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Низомий номидаги  
Тошкент Давлат педагогика университети

«Фалсафа» кафедраси

*Иброҳим Каримов, Сирожия Валиева, Карима Туленова*

***ИЖТИМОЙ ФАЛСАФА***  
(услубий қўлланма)

*Тошкент 2008 й*

**Муаллифлар:** Иброҳим Каримов – фалсафа фанлари доктори, профессор  
Карима Туленова – фалсафа фанлари доктори, профессор  
Валиева Сирожия – фалсафа фанлари номзоди

Услубий қўлланма «Ижтимоий фалсафа» курси бўйича «Миллий истиқлол гоёси; ҳуқуқ ва маънавият асослари» бакалавр ихтисослиги ўқув дастури асосида тайёрланган.

Маъсул муҳаррир: фалсафа фанлари номзоди, доцент М.Рустамова

**Такризчилар:**

фалсафа фанлари доктори Б.Тўйчиев  
фалсафа фанлари номзоди М.Тилаволдиева

Услубий қўлланма Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика  
Университетининг Илмий кенгашида тасдиқланган

© Низомий номидаги ТДПУ

## К И Р И Ш

Мустакиллик йилларида жамиятнинг моҳиятини янгича фалсафий тушуниш эҳтиёжи юзага келди. «Ижтимоий фалсафа» фани «Миллий истиқлол гоҳиси; ҳуқуқ ва маънавият асослари» бакалавр ўқув режасига киритилган ихтисослик фани бўлиб, 95 соатга мўлжалланган ўқув дастури асосида тайёрланган. Бу фан талабаларда, жамият маънавияти соҳасида фаолият кўрсатадиган кадрларда фалсафий дунёкарашни шакллантиришга хизмат қилади; жамият, ижтимоий тараққиёт муаммоларини тўғри англаш, жамият ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар моҳиятини ҳолисона идрок қилишга ёрдам беради. Бу ўз навбатида бўлажак мутахассисларнинг педагогик, маънавий-маърифий фаолияти самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Услубий қўлланмада жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий билиш муаммоларига дахлдор фалсафий билимлар ўз ифодасини топган бўлиб, талабаларнинг «Ижтимоий фалсафа» фанини ўзлаштиришларига ёрдам беради.

## 1-мавзу. Ижтимоий фалсафанинг баҳс мавзуси ва вазифалари.

1. Фалсафа ва ижтимоий фалсафа, улар ўртасидаги умумийлик ва алоқадорлик.
2. Ижтимоий фалсафанинг баҳс мавзуси, максал ва вазифалари.
3. Ижтимоий фалсафанинг жамиятдаги ўрни ва асосий функциялари.
4. Ижтимоий фалсафанинг ижтимоий – гуманитар фанлар орасидаги ўрни.

Ижтимоий фалсафа фалсафанинг таркибий қисми бўлиб, инсон ва жамият ҳақидаги билимлар тизими сифатида антик даврлардан эътиборан аста-секин шакллана бошлаган. Таъкидлаш жоизки, инсоннинг барча билимлари дастлаб фалсафа доирасида мужассамланган. Кейинчалик унинг таркибидан бошқа фанлар, чунончи табиий ва гуманитар фанлар ажралиб чиққан.

Фалсафадан бошқа фанларнинг ажралиб чиқиши унинг аҳамиятини пасайтирмаган, аксинча, оламни янада чуқур, янада атрофлича ўрганиш имконини берган.

Олам ҳақидаги билимларнинг тобора ривожланиб бориши, фалсафа доирасидаги билимлардан алоҳида фанларнинг ажралиб чиқиши ва тараққиётига олиб келган.

Дастлаб фалсафа таркибидан табиий ва ижтимоий фанлар ажралиб чиқа бошлаган.

Бу жараён узок давом этиб, фалсафадан математика, геометрия, астрономия, кейинчалик геология, геодезия, тиббиёт, механика, физика, химия, биология каби фанлар ажралиб чиққан. Кейинроқ фалсафа таркибидан гуманитар ва ижтимоий фанларнинг (XVIII-XIX асрларда) ажралиб чиқиш жараёни рўй берган. Оқибатда социология, этика, эстетика, мантик, сиёсатшунослик каби фанлар мустақил ривожлана бошлаган.

Ижтимоий-фалсафий билимлар дастлаб фалсафа фани таркибида шаклланган ва ривожланган. Фалсафий билимларнинг такомиллашуви жамият, унинг моддий ва маънавий ҳаёти, ижтимоий муносабатлар, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий муаммоларнинг қўйилиши ва ҳал этилиши жамият ва инсон ҳақида кўплаб рисоаларнинг яратилишига сабабчи бўлган. Буларга Платоннинг «Давлат», «Қонунлар», Аристотелнинг «Сиёсат», Форобийнинг «Фозил шаҳар аҳолиси», «Сиёсат илми», Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги халқлардан колган ёдгорликлар», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Ал-Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя», Томас Гоббснинг «Гражданлик тўғрисида», Гегелнинг «Гарих фалсафаси», «Хуқуқ фалсафаси» каби асарлари, рисоаларини келтириш мумкин. Айнан ана шу рисоаларда жамият, инсон ҳақидаги фалсафий билимлар ўз ифодасини топган.

Кейинчалик ижтимоий фалсафа алохида фан сифатида ажралиб чиккан.

Фалсафа ва ижтимоий фалсафа ўзаро узвий боғлиқ. Ижтимоий фалсафа жамият хақидаги фалсафий билимлар тизими сифатида фалсафа фанининг узвий қисми хисобланади. Агар фалсафа одам ва олам муносабатлари тахлили билан шуғулланса, ижтимоий фалсафа жамият, инсон ва улар орасидаги муносабатларни тадқиқ этади. Агар фалсафа олам ва одам, одамнинг оламга муносабати, оламнинг мохияти, қонуниятлари тўғрисидаги фан бўлса, ижтимоий фалсафа оламнинг таркибий қисми бўлган жамият хақидаги фалсафий билимлар тизими хисобланади. Шунинг учун ҳам ижтимоий фалсафани фалсафий таълимотларнинг ўзига хос кўриниши сифатида таҳлил қилмоқ лозим.

Ижтимоий фалсафа фалсафа таркибидаги онтология, гносеология, методология, антропология таълимотлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, у шу таълимотларнинг жамиятга изчил татбиқ этилишининг натижаси ва махсули сифатида махсус ўрганилади.

Ижтимоий фалсафа борлиқ фалсафаси, онтология таълимоти билан бевосита боғлиқ. Фалсафа борлиқни бир бутун яхлит олам сифатида олиб ўрганади. Ижтимоий фалсафа борлиқнинг ўзига хос кўриниши, ижтимоий борлиқ, яъни жамият, унинг мохияти, қонуниятларини, инсоннинг жамиятга муносабатини ўрганади.

Ижтимоий фалсафа гносеология (илми) билан бевосита боғлиқ. Фалсафа оламни билишга дахлдор муаммолар билан шуғулланса, ижтимоий фалсафанинг диққат марказида жамиятни билиш муаммолари туради. Фалсафа объектив оламнинг инсон онгида акс этиш масалалари, оламни билиш муаммолари билан шуғулланса, ижтимоий фалсафа ижтимоий ҳаётнинг инсон онгида акс этиш муаммоларини ўрганади ва Инсон онги жамиятга «қандай муносабатда?», «Инсон ўз онги билан жамиятни била оладими?» деган саволларга жавоб излайди.

Фалсафада оламни билиш йўллари, усуллари ишлаб чиқилган ва бу методология (усуллар хақидаги таълимот)да ўз ифодасини топган. Ижтимоий фалсафа инсон ва жамиятни ўрганиш йўллари, усуллари хақида баҳс юритади.

Кўриниб турибдики, фалсафа ва ижтимоий фалсафа узвий бирликда ва диалектик алоқадорликдадир. Бу алоқадорликда фалсафа фани умумийликни ифодалайди, ижтимоий фалсафа эса ана шу умумийлик доирасидаги айримликдир.

Ижтимоий фалсафа жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий билишнинг мохияти, қонуниятлари ҳамда тамойиллари хақидаги фандир. Ижтимоий фалсафа фан, илмий билимлар тараққиётида амал қиладиган дифференциация жараёнларининг натижаси хисобланади. Илмий билимлар тараққиётида дифференциация тарихан икки хил тарзда кечган.

Дастлабки даврларда одамларнинг билимлари фалсафа фани доирасида жамланган, кейинчалик унинг асосида табиий ва ижтимоий фанлар вужудга келган.

Иккинчи йўналиш - муайян фан доирасида билимларнинг чуқурлашуви оқибатида унинг тармоклари шаклланган, янги билимларни ўзида мужассамлантирган янги соҳалар пайдо бўлган.

Фалсафий билимларнинг ривожланиб, чуқурлашиб бориши оқибатида психология, формал мантик, этика, эстетика каби фанлар ажралиб чиққан. Айни вақтда фалсафанинг инсонга ва жамиятга бевосита дахлдор муаммолари ва бу муаммолар доирасида эришилган илмий билимлар ижтимоий фалсафанинг фан сифатида шаклланишига сабаб бўлган.

Ҳар қандай фан ўз тадқиқот объекти, предметиға эга, унда оламға хос қонуниятлар акс этади.

Ижтимоий фалсафа фанининг ўрганиш объекти – жамият ва инсон. Ижтимоий фалсафа кишилиқ жамиятиниң келиб чиқиши, моҳияти, инсон, унинг жамиятга муносабати ҳақида баҳс юритади. Ижтимоий фалсафа жамият ҳақидаги энг умумий билимлар тизимини ифодалайди. Айни вақтда у ижтимоий ривожланиш йўлида келиб чиқадиган муаммоларни оқилона ҳал этиш, жамият истиқболини олдиндан кўриш имконини беради.

Фалсафа олами бир бутун олам сифатида яхлитликда ўрганса, ижтимоий фалсафа жамиятни яхлит ижтимоий организм сифатида таҳлил этади ва жамиятнинг айрим соҳаларини талқик этувчи фан вакиллари эътиборини жамиятнинг нормал ишлаши учун унинг ҳар бир қисми ва унсури қандай роль ўйнашини аниқлашга қаратади.

Ижтимоий фалсафа нуқтаи-назаридан жамият ўзини-ўзи ташкилловчи ва бошқарувчи система бўлиб, у ўз ички қонунилари билан ҳаракатланади, ривожланади ва такомиллашади. Инсон ва унинг уюшмалари (давлати, сиёсий партиялари, ижтимоий ҳаракатлари ва б.) қонунар доирасида фаолият йўналишини белгиласа, таракқиёт тезлашади; аксинча бўлса, жамият таназзулга учрайди.

Бинобарин, жамиятнинг ҳаракатга келтирувчи қонунар ва у асосда ўз фаолиятини белгилайдиган жамият субатоми – инсондир. Одамнинг келиб чиқиши ва жамиятнинг шаклланиши, инсоннинг жамиятга муносабати, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ижтимоий фалсафа тадқиқ этадиган муаммолардир.

Ижтимоий фалсафа жамият ва инсонни узлуксиз ўзгариб, ривожланиб борувчи тизим сифатида ўрганади ва ижтимоий таракқиётнинг мазмун-моҳияти, шакл ва кўринишлари, ижтимоий таракқиёт қонулари тўғрисида баҳс юритади.

Ижтимоий фалсафа доирасидаги энг муҳим муаммо – жамиятни билиш муаммосидир. Ижтимоий фалсафа жамиятда кечадиган ижтимоий воқеа ва жараёнларни илмий билишнинг методологик асосларни ишлаб чиқади.

Шундай қилиб, ижтимоий фалсафанинг муаммолари деганда жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий билиш муаммолари назарда тутилади.

Ижтимоий фалсафа жамиятга ўз-ўзидан ташкилланувчи, узлуксиз тараққий этиб боровчи ижтимоий организм сифатида қарайди. Айни чоғда маълум тарихий даврларда баъзи жамиятлар ва цивилизациялар таназзули сабабларини ҳам таҳлил этиб, тарихий хотирани шакллантиради.

Маълумки, ҳар бир фан оламнинг бирон-бир кўринишига дахлдор қонуниятларни очишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ижтимоий фалсафа жамият ҳаёти ва тараққиёти ижтимоий қонунларини очиб беради.

Ҳар бир фаннинг мазмуни унинг таянч тушунчалари, терминларида ифодаланганидек, ижтимоий фалсафанинг ўз тушунчалари - категориялари мавжуд.

Ижтимоий фалсафанинг таянч тушунчалари ва категориялари деганда «жамият», «инсон», «ижтимоий борлик», «ижтимоий онг», «ижтимоий муносабат», «ижтимоий ишлаб чиқариш», «ижтимоий жараён», «маданият», «маънавият», «кадрият», «объектив шарт-шароит», «цивилизация», «субъектив омиллар», «манфаат», «эхтиёж», «шаҳс», «оила, «тадрижий ривожланиш», «иктисодий ҳаёт», «ижтимоий-сиёсий ҳаёт» қабилар назарда тутилади.

Ижтимоий фалсафа жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бу нарса унинг функцияларида намоён бўлади.

1. Ижтимоий фалсафанинг дунёқарашлилиқ функцияси. Ижтимоий фалсафа худди фалсафа каби инсоннинг жамият ҳақидаги илмий дунёқарашини шакллантиради. Албатта инсон дунёқарашини шакллантиришда барча билим соҳалари қатнашади. Лекин ижтимоий фалсафа яхлит таълимот сифатида инсонда жамият, инсоннинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларининг шаклланишига ёрдам беради, унга жамиятда рўй берадиган турли ижтимоий жараёнларга ўз онгли муносабатини шакллантиришга хизмат қилади.

2. Ижтимоий фалсафанинг методологик функцияси. Ижтимоий фалсафа жамият тизими ва ривожланишидаги умумийлик ва айримлик ўргасидаги ечимни топиш, ижтимоий ҳаёт соҳаларининг ўрнини кўрсатиб бериш, инсон борлиғи ва моҳиятини ёритиш, инсоният тарихининг моҳиятини тушунтириб бериш билан бошқа ижтимоий фанлар учун ўзига хос методологик асос вазифасини бажаради. Ижтимоий фалсафанинг методологик функцияси деганда, ижтимоий фалсафанинг жамиятни илмий англаш методлар ҳақидаги фан эканлиги назарда тутилади. Фалсафа тарихида оламни, шу жумладан жамият ва инсонни билишнинг 2 асосий методи шакланган. Булар: диалектика ва метафизика. Ижтимоий ҳаётни ўрганишда диалектика ва метафизиканинг ўзига хос ўрни бор.

- агар диалектика ижтимоий ҳаёт ходисаларини ўрганишда, улар орасидаги энг умумий универсал алоқадорликларга эътибор беришни

такоза эса, метафизика жамиятнинг ҳар бир таркибий кисмини алоҳида ҳолатда олиб ўрганади.

- агар диалектика ижтимоий ҳаёт ва инсонни пастдан юкорига, соддадан мураккабга қараб бораётган жараён сифатида ўрганишда тараккиёт тамойилидан келиб чиқса, метафизика эса тараккиётни фақат микдорий ўзгаришлар сифатида талкин этади.

- агар диалектика оламнинг барча кўринишлари каби жамият ва инсон оламининг моҳиятида ҳам зиддиятлар амал қилади, зиддиятларнинг бирлиги ва мутаносиблиги жамият ва инсон мавжудлигида намоён бўлади, айни вақтда зиддиятлар орасидаги муносабат тараккиётга олиб боради, деб бўлса, метафизика жамиятдаги зиддиятлар, уларнинг ўзининг қарама-қарши томонига оғиб кетиши эътибордан соқит қилади.

Ижтимоий ҳаётга илмий муносабатларни қарор топтиришда синергетика методининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу метод йўқлик (хаос)дан қандай қилиб одам пайдо бўлгани ва жамият ўзидан-ўзи шаклланишини англаб олишга аниқлик киритади. Бунда табиат ва жамиятда бифуркация ҳодисаси борлиги назарда тутилади. Унга кўра, тасодифлар ўзидан-ўзи йиғилиб, муайян микдорий параметрлар чегарасида қонуний алоқдорликларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Жамият ривож ва таназзулида инсон омили муҳим роль ўйнашини назарга олсак, синергетика методи тамойилларига тегишли «амал қилиш, бифуркация» ҳодисасини назарда тутиш бағоят муҳимдир.

3. Ижтимоий фалсафанинг инсонпарварлик функцияси. У қомил ва барқамол инсонни шакллантиришга хизмат қилади. Энг қадимий даврлардан фалсафани инсон, унинг моҳияти, кадр-қиммати масалалари кизиқтириб келган. Аслида фалсафа инсон ҳаётининг маънисини ўйлашдан бошланган. Ижтимоий фалсафа «Одам ва олам» муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради.

И.Кант ўзини «Соф ақл танқиди» асарида фалсафий билимларнинг моҳияти 3 саволда ифода топган, деб ҳисоблайди. Булар:

- Мен нимани била оламан?

- Мен нима қилишим керак?

- Нимага умид қилишим, ишонишим керак? Инсоният барча даврларда уларга жавоб топишга интилган.

4. Ижтимоий фалсафанинг башорат функцияси. Ижтимоий фалсафа ижтимоий жараёнларни илмий бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бу йўлда ижтимоий тараккиёт қонунларидан келиб чиқиб, ижтимоий жараёнлар тенденцияси (майли) ва истикболлини, келажакни англаш, илмий башорат қилиш имконини беради.

5. Ижтимоий фалсафа инсонпарварлик функциясини бажаради. Унинг гуманистик функцияси инсоннинг тарбиялашга, унда юксак инсоний, ахлоқий ҳислатларни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган. Инсонни шакллантириш ва ривожлантириш унда фалсафий фикрлаш маданиятини қарор топтиришни ҳам назарда тутаяди.



Ижтимоий фалсафа умуман фалсафий билимлар билан биргаликда барча ижтимоий-гуманитар фанларнинг методологик асоси ҳисобланади.

Ижтимоий фалсафа социология, тарих, антропология, психология, этнография, иқтисодий назария каби фанлар билан узвий бирлик ва алоқадорликда мавжуд бўлади.

Ижтимоий фалсафа социология билан боғлиқ. Ижтимоий фалсафа жамиятнинг энг умумий муаммолари устида баҳс юришса, социология конкрет жамиятнинг конкрет муаммоларини тадқиқ этишни назарда тутди.

Ижтимоий фалсафа тарихни англашнинг методологик асоси ҳисобланади. Тарих муаммоларини ҳал қилиш чуқур фалсафий таҳлилга суянади.

### Адабиётлар

1. Фалсафа. Қомусий луғат. – Т., «Шарқ», 2004 йил, 151-152 бетлар.
2. Ж.Туленов Жамият фалсафаси. Олтинчи бўлим. – Т., 2001 йил.
3. Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т., «Шарқ», 1999 йил, 252-255 бетлар.
4. Основы философии. Под редакцией Ахмедовой М. и В.С.Хана). – Т., изд. «Мехнат», 2004 год. Раздел X. – стр. 351-410.
5. Falsafa (Matbuа Ахмедованинг умумий таҳрири остида) – Т., «Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти» нашриёти, 2006 йил, 354-410 бетлар.
6. С.Э. Крапивенский. Социальная философия. Учебник для вузов.- Москва, Гуманитарно-издательский центр «ВЛАДОС», 1998 йил, 3-17 бетлар.
7. В.С.Барулин «Социальная философия» Учебник для вузов.- Москва, ФАИР-ПРЕСС, 1999 йил, 4-8 бетлар.

### *Таянч тушунчалар*

Фалсафа, ижтимоий фалсафа, антропология, гносеология, методология, онтология, диалектика, метафизика, синергетика, бифуркация.

### **Назорат учун саволлар**

1. Ижтимоий фалсафанинг предметига таъриф беринг.
2. Ижтимоий фалсафанинг фалсафа фани билан алоқаси.
3. Ижтимоий фалсафанинг функциялари устида тўхталиб ўтинг.
4. Ижтимоий фалсафанинг дунёқарашлик функциясини тушунтириб беринг.

## 2-мавзу. Ижтимоий фалсафа тарихи.

1. Ижтимоий фалсафий фикрларнинг шаклланиши ва таракқиёти. Энг қадимий даврлардан XIX асрларга қадар.

2. XIX асрда ижтимоий фалсафа. Ижтимоий фалсафанинг фан сифатида фалсафадан ажралиб чиқиши.

3. XX аср ижтимоий фалсафаси.

4. Президент И.А.Каримов асарларида ижтимоий фалсафа масалалари.

Ижтимоий фалсафа жамият ҳақидаги фалсафий билимларни ўзда мужассамлантиради. Фалсафа фанининг шаклланиши ва таракқиёт тарихи айни вақтда ижтимоий фалсафага ҳам бевосита дахлдор, зотан фалсафий билимлар энг қадимий даврлардан бошлаб инсон ва унинг оламга муносабати муаммосини ўз ичига олади. Фалсафа тарихи айни вақтда ижтимоий фалсафа тарихи ҳамдир.

Ижтимоий фалсафанинг тарихи, олимлар фикрича, 3 босқични ўз ичига қамраб олади.<sup>1</sup>

1. Ижтимоий фалсафанинг шаклланиши ва таракқиёти. Бу XIX асргача бўлган даврни ўз ичига олади.

2. XIX аср ижтимоий фалсафанинг махсус йўналиш сифатида ажралиб чиқиши.

3. XX асрда ижтимоий фалсафанинг таракқиёти.

Ижтимоий-фалсафий билимларнинг шаклланиши ва таракқиёти антик давр фалсафасидан тортиб то XIX асрга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда илгари сурилган фалсафий қарашлар нафақат олам, табиат ҳақидаги билимларни, айни вақтда жамият ва инсон, инсоннинг жамиятга муносабати ҳақидаги билимларни ҳам ўз ичига қамраб олган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-фалсафий билимлар одамлар жамият бўлиб яшай бошлаган даврлардан шакллана бошлаган, деган хулосага келиш ўринли. Ижтимоий-фалсафий билимлар даставвал қадимги Шарқ мамлакатлари – Бобил, Миср, Хитой, Хиндистон, Марказий Осиёда шаклланган. «Авесто»да, Конфуций асарларида, «Рамаяна», «Махобхорат»да жамият ҳақида фикрлар мавжуд. Эрампдан аввалги VI-V асрлардан бошлаб қадимий Юнонистон фалсафасида жамият, инсон муаммолари таҳлил қилинган. Айнан қадимги Юнонистонда ижтимоий фалсафий билимларга асос солинган.

Юнон файласуфлари Платон (э.а. 427-347 йиллар) ва Аристотель (э.а. 384-322 йиллар)нинг жамият, инсон, унинг жамиятга муносабати ҳақидаги ижтимоий-фалсафий қарашлари узок вақт мобайнида жамиятни илмий англашга ёрдам берган.

Аристотельнинг фалсафий қарашларида жамиятга тааллуқли бир қатор муаммолар кўтарилган. Булар: жамиятнинг келиб чиқиши; меҳнат

<sup>1</sup> В.С.Барулин. Социальная философия. Учебник для вузов.-Москва. «ФАИР -- ПРЕСС. 1999 й, 4-22 бетлар

тақсимоти; куллик, табақаланишнинг келиб чиқиши; таълим-тарбия; иктисодий ва сиёсий ҳаёт масалалари ва ҳоказолар.

Айни вақтда Аристотель карашларида жамиятни фалсафий англашнинг 2 асосий томони ўз аксини топган. Бу, биринчидан, Аристотелнинг ахлокий таълимоти ва иккинчидан, давлат тўғрисидаги таълимоти. Аристотелнинг фикрича, жамиятни давлат билан узвий бирликда олиб қарайди. Аристотелнинг фикрича, жамиятни давлатдан ажратиб бўлмайди, инсон сиёсий мавжудот ҳисобланади. Аристотель қадимги Юнонистоннинг 158 шаҳар-давлатлари тарихини тиклашга муваффиқ бўлган.

Жамият ҳақидаги илк фалсафий карашлар қадимдан бошлаб Марказий Осиё минтақасида шаклланган. Марказий Осиёдаги ижтимоий-фалсафий билимларнинг шаклланиши узок тарихга эга. У дастлаб бой маънавий меросимиз – халқ оғзаки ижодида, сўнг эса қадимий ёзма маданият ёдгорликларда ўз ифодасини топган. Бу маданият ёдгорликларга; а) қадимги тошбитиклар; «Авесто», буюк алломаларимиз қолдирган манбалар қиради.

Жамият ва инсонни фалсафий англаш муаммолари Марказий Осиёлик буюк мутафаккирларни Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий; йирик олим, шоирлар Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий асарларида акс этган.

XIX асрга қадар фалсафий карашларда ижтимоий фалсафага доир икки муаммо ўз ечимини топган.

1. Жамиятни, унинг таркибини фалсафий таҳлил этиш.

2. Жамият тарихини фалсафий англаш.

Инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588-1679 йиллар), француз мутафаккири Жан Жак Руссо (1712-1778 йиллар), Сен Симон (1760-1826 йиллар); инглиз олимлари Адам Смит ва Давид Рикардо жамият, унинг таркиби ҳақидаги илмий билимларни илгари сурдилар. Масалан, Жан Жак Руссо «Одамлар ўртасидаги тенгсизликнинг келиб чиқиши ва унинг сабаблари ҳақидаги мулоҳазалар» асарида мулкий тенгсизлик, жамиятнинг бой ва кашшоқларга бўлиниши ижтимоий тенгсизликнинг биринчи босқичидир деб ҳисоблайди. Иккинчи босқич давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Учинчи босқичда ҳокимият зулм ва адолатсизлик ҳокимиятига айланади, деб таҳлил этиш асосида идеал жамият гоёсини илгари суради<sup>1</sup>.

Жамият тарихини фалсафий англаш ижтимоий фалсафада милоддан олдинги даврадан бошлаб юзага кела бошлаган. Бу – тарих фалсафаси, деб юритилади. Қадимий юнон олимлари Гераклит (э.р.ав. 485-425 йиллар атрофида), Фукидид (э.р.ав.460-480 й.), Демокрит, Платон, Аристотель асарларида жамиятлар тарихи ҳақидаги фалсафий фикрлар илгари сурилган.

<sup>1</sup> Жаҳон фалсафаси тарихидан лашхатар. I-қисм. Т. 2004 йил 264-бет.

Тарих фалсафаси муаммолари Августин Аврелий (354-430 йиллар), Фома Аквинский (1225-1274) асарларида ифодаланган.

Олимлар Вольтер (1694-1778 йиллар), Джамбаттиста Вико (1668-1744 йиллар), Иоганн Готтлиб Фихте (1762-1814 йиллар), Иоганн Готфрид Гердер (1744-1803 йиллар) асарлари тарихни фалсафий англашга қаратилган.

Француз файласуфи Вольтер жамият манфаатларидан йироқ монархия ҳокимиятига қарши курашга ўзининг бутун умрини бағишлади ва жамиятни ақл-заковат асосида ўзгартириш мумкинлигига ишонди. Немис олими, маърифатпарвари Гердер «Инсоният тарихи фалсафасига доир ғоялар» асарида Германияда XVIII аср охиригача ҳукм сурган тарихни теологик тушунишга қарши курашди.

Ижтимоий фалсафа тараккиётининг иккинчи босқичи XIX асрда илгари сурилган фалсафий ғояларни ўз ичига олади. Бу босқичнинг ўзига хос томони шуки, жамият ҳақидаги узоқ тарих давомида тўпланган фалсафий билимлар ижтимоий фалсафанинг фан сифатида фалсафа бағридан ажралиб чиқишига, мустақил илм соҳасига айланишига сабабчи бўлди. Шу даврдан эътиборан ижтимоий фалсафанинг предмети, муаммолари доирасини илмий таҳлил этиш бошланади.

Ижтимоий фалсафанинг мустақил илм соҳасига айланишида олимлар Гегель, Маркс, Конт, Спенсерларнинг ўзига хос ўринлари бор.

Вилгелм Фридрих Гегель (1770-1831 йиллар) немис классик фалсафасининг йирик намоёнласи. У ўзининг «Рух феноменлогияси», «Тарих фалсафаси» асарларида жамиятни фалсафий англашнинг яхлит тизимини ишлаб чиқди. У жамият тарихининг, ундаги тарихий жараёнларнинг моҳияти, умуман жамият, унинг таркибий тизилиши, фуқаролик жамияти, давлатни бошқариш усули, ахлоқ, оила ҳақидаги чуқур таҳлилга асосланган фалсафий фикрларни илгари сурди.

Гегель ижтимоий фалсафани фан даражасига кўтарди.

Ижтимоий фалсафанинг шаклланиши ва тараккиёти К.Маркс номи билан бевосита боғлиқ. У жамиятга материалистик ёндошиш асосида ўзига хос таълимот - жамият фалсафаси – (тарихий материализм) таълимотини ишлаб чиқди. У жамиятни мураккаб таркибий тизилишга эга ижтимоий организм сифатида таърифлади. Унинг фикрича, жамият тараккиёти табиий – тарихий жараён бўлиб, у тўғри чизикли тарзда бир формациядан иккинчисига ўтиб боради. Маркснинг коммунизм тўғрисидаги қарашлари христианлик дини муҳитида ва ҳаёлий социалистлар таъсирида шаклланишига эътибордан соқит қилмаслик даркор.

Маълумки, христианликка ўтиш «Библия»да уч босқичли этиб кўрсатилади. Биринчи босқичда одам худодан ва дўзах азобларидан кўрқкани учун қуллардек, шунчаки бир динга эътиқод қилади. Иккинчи босқичда эса худога ялиниб-ёлвориб, ўз тақдирини яхшилашни илтимос этади. Учинчи босқичда «Инжил»даги ғоялар унинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин олиб, муқаддас рух қарор топгач, индивид эркин равишда

диний ибодатлар, расм-русумлар, урф-одатларни бажаради. К.Маркс ҳам жамият тараққиётини шунга ўхшаш тарзида тасаввур этиб, одамзод кулдорлик жамиятида кулдордан қўриқиб, феодал ва капиталистик жамиятларда мулкдорларга ялиниб-ёлвориб ҳаёт кечиради. Коммунизмда эса эркин меҳнаткашлар жамоаси шаклланиб, улар синфсиз ва давлатсиз жамиятда фаровон турмуш кечиришларини «башорат» қилади. Маълумки, олимлар, файласуфлар азал-азалдан тенглик, адолат, эрк, озодлик, фаровонлик қарор топган идеал жамиятни орзу қилганлар ва бундай жамиятга эришишнинг йўллари ҳақидаги турли-туман қарашларни илгари сурганлар. Христианликдаги ҳалоскорнинг келиши ва золимларнинг жазоланиши ҳақидаги ғоялар руҳида тарбияланган Оврупо аҳолиси орасида марксизм кенг тарқалиб, Россияда у ўзининг такомиллини топди. Большевизм бу мамлактада православиеннинг дунёвий кўринишидаги динга айланди. Агар христианликда христианлар чин инсонлар саналиб, ереслар – диндан қайтганлар ғайринсонлар, уларни жазолаш савоб ҳисобланган бўлса, марксизмда мулкдорлар ғайринсонийлар, мулксизлар эса чин инсонлар сирасига киритилди. Бинобарин чинакам инсоний жамият шаклланиши учун мулкдор синфларни қатли ом этиш қонуний жараён сифатида талқин этилди. Бу ҳол марксизмнинг жамият тўғрисидаги таълимотининг кадрсизланишига олиб келди.

Француз файласуфи Огюст Кант (1798-1857 йиллар) жамият ҳақида ўз таълимотини яратди. У «Позитив фалсафа» курси (6 жилдли) китобида жамиятни мураккаб тузилишга эга ривожланиб борувчи организм ҳисоблайди. Унинг фикрича, жамиятни позитив илмлар асосида қайта қурилиши мумкин.

Ижтимоий фалсафанинг муаммолари инглиз файласуфи ва социологи Герберт Спенсер (1820-1903 йиллар) асарларида ўз ечимини топган. Спенсер «Ижтимоий статистика», «Социология асослари» китобларида жамиятга органик ёндашув ғоясини ишлаб чиқди. У жамият худди тирик организм каби фаолият кўрсатади, унинг ҳар бир элементи маълум функцияларни бажаради, деб ҳисоблайди. Ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуни, Спенсер фикрича, энг мослашувчан жамиятларнинг қурашидир.<sup>1</sup>

XX асрда ижтимоий фалсафа билан биргаликда социология ривожлана бошлади; турли-туман таълимотлар илгари сурилди. Буларга неопозитивизм, психологик социология, индустриал социология йўналишидаги қарашларни мисол тарзида киритиш мумкин. Шу ўринда ижтимоий фалсафа билан социология орасидаги умумийлик ва фарқни аниқлаш лозим бўлади.

Ижтимоий фалсафа жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий билишнинг энг умумий қонунилари тўғрисида баҳс юритадиган фан. Ижтимоий фалсафа социология учун умумназарий асос бўлиб хизмат

<sup>1</sup> Каранг. Комусий лугат. – Т, «Шарк», 2004 йил. 377-бет.

килади. Жамиятнинг мохияти, ички тараққиёти қонуниятларини билмай туриб, аниқ жамият ва ундаги ижтимоий муносабатларни тўғри тушуниш мумкин эмас. Агар ижтимоий фалсафа жамият ҳақидаги назариялар, таълимотларни ифодаласа, социологияни аниқ жамият, ундаги ижтимоий алоқа ва муносабатлар кизиқтиради. Социология фанининг ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан бири, унинг асосчиси француз файласуфи ва социологи Эмил Дюркгейм (1858-1917 йиллар) ҳисобланади. У жаҳонда биринчи социология профессори, «Социологик йилнома» журнаlining асосчисидир.

Социологиянинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши инглиз олими Герберт Спенсер номи билан боғлиқ. У биринчи бўлиб, «Социологиянинг асосланиши» асарида социология фанининг предмети, муаммолари, вазифаларини аниқлаб берди. Унга кўра социологиянинг вазифаси жамиятнинг энг умумий эволюция қонунларини очишга хизмат қиладиган социал фактлар ва социал жараёнларни ўрганишдир.

XX асрдаги ижтимоий-фалсафий билимларнинг шаклланиши ва тараққиётида немис олимлари О.Шпенглер (1880-1936 йиллар), Карл Ясперс (1883-1969 йиллар), француз файласуфи Анри Бергсон (1859-1941 йиллар)ларнинг қарашлари муҳим ўрни тутди.

Освальд Шпенглер «Европа қуёшининг сўниши» асарида маданият ва цивилизацияни ўзаро бир-бирига қарама-қарши қўяди.

XX асрдаги ижтимоий фалсафий қарашларда инсон муаммосига алоҳида эътибор қаратилган. Ижтимоий тараққиётда инсон ақлу-заковатининг ўрни, инсон қадрияти, инсонпарварлик, гуманизм ғоялари ижтимоий-фалсафий қарашларнинг асосини ташкил этади.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи, жаҳон миқёсида мустамлақачиликнинг барҳам толиши, жаҳон харитасида янги, мустакил давлатларнинг пайдо бўлиши ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётига туртки бўлди.

СССР нинг емирилиши, Ўзбекистоннинг ўз мустакиллигини қўлга киритиши ижтимоий тараққиётга янгича ёндашувни талаб қилди.

Жамият, ижтимоий тараққиёт муаммоларига ўзига хос ёндашув Республика Президенти Ислам Каримов асарларида ўз ифодасини топган.

Ислам Каримовнинг ҳозирги замон жамияти, жаҳон миқёсида кечаётган ижтимоий жараёнлар, мустакилликни қўлга киритган Ўзбекистоннинг ўзига хос ижтимоий тараққиёт йўли – ижтимоий тараққиётнинг «Ўзбекча модели» ҳақидаги қарашлари ижтимоий-фалсафий билимлар ривожланишида муҳим ўрин тутди.

#### Адабиётлар

1. С.Э.Крапивенский. Социальная философия. – Москва, «ВЛАДОС», 1998 йил, 17-38 бет.
2. В.С.Барулин «Социальная философия». ФАИР-ПРЕСС, 1999 йил, 4-22 бетлар.

3. Жахон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I қисм.- Т., 2004 йил.
4. Фалсафа. Ўқув қўлланма. – Т., «Шарк», 1999 йил, 268-276 бетлар.
5. Ғарб фалсафаси. – Т., «Шарк», 2004 йил, 565-574, 579-580, 632-635 бетлар.
6. Falsafa. M.Аҳмедова таҳрири остида. – Т., 2006 й., 371-374 бетлар.

### *Таянч тушунчалар*

Позитивизм, неопозитивизм, марксизм, большевизм, социология, социологик оқимлар.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Фалсафа ва ижтимоий фалсафа, улар орасидаги алоқадорликни қандай тушунасиз.
2. Ижтимоий фалсафий билимлар қайси даврдан шакллана бошлаган?
3. Ижтимоий фалсафанинг тарихий босқичлари.
4. Ижтимоий фалсафанинг алоҳида фан сифатида шаклланиши.
5. XX асрдаги ижтимоий-фалсафий қарашлар.
6. Президент И.А.Каримов асарларида ижтимоий-фалсафий муаммолар.

### **3-мавзу. Жамият – яхлит тизим сифатида**

1. Жамият–ижтимоий фалсафанинг тадқиқот объекти. Жамият ҳақидаги фалсафий қарашлар.
2. Жамиятнинг моҳияти, ўзига хос жиҳатлари.
3. Жамият яхлит тизим сифатида. Жамият ҳаётининг асосий соҳалари.
4. Аҳборотлашган жамият. Фуқаролик (гражданлик) жамияти.
5. Ўзбекистонда барпо этилаётган эркин фуқаролик (гражданлик) жамияти.

Фалсафа жамиятни объектив оламнинг таркибий қисми сифатида ўрганади. Ижтимоий фалсафа жамият, унинг моҳияти, тараққиёт қонуналарини ўрганадиган фалсафанинг махсус соҳаси бўлиб ҳисобланади.

Жамият муаммоси қадимдан одамларни қизиқтириб келган. Кишилиқ жамиятини ўрганадиган фан соҳалари кўп. Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти иқтисодиёт назарияси, унда кечадиган тарихий жараёнлар тарих, жамиятни бошқариш соҳаси «Давлат ва ҳуқуқ назарияси»нинг тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий фалсафа бошқа фанлардан фарқли ўлароқ жамиятни ўз-ўзини ташкилловчи ва бошқарувчи яхлит бир тизим сифатида ўрганади ва бу тизимга хос бўлган қонуналарни очишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ҳозирги замон антропология ва этнография фанлари нуктаи-назаридан одам бундан тахминан 5 миллион йиллар муқаддам шу Ер деб аталган Кувёш системаси таркибидаги планета – Она – табиат ҳаракати

натижасида тирик мавжудотлар ичида бир тур сифатида вужудга келган. Одам мия тузилишининг хайвонларникидан сифат жиҳатидан фарк қилиши ва онгли меҳнат туфайли аста-секин физиологик ва интеллектуал (аклий) жиҳатдан такомиллашиб бориб, кейинги 50-40 минг йиллардан эътиборан Кроманьон типидagi одам жамият бўлиб яшашга ўтган. Одамзотнинг жамият бўлиб яшаши учун маънавий маданият керак эди. Ана шу эҳтиёжлар сабабли илгариги одам типлари (австралопитек, питекантроп, синаптроп, неандерталь)даги инстинктлар ўрнини ахлоқ нормалари эгаллаб борди. Натижада дунёнинг турли минтакаларида вужудга келган одамлар жамоасида рухсат ва таъқиқ тизими шаклланди. Ибтидоий жамият одамларни мифологик дунёкараш асосида шаклланган. Дастлаб улар сеҳрли кучлар борлигига ишонганлар, улардан нажот тилаб яшаш тарзига ўтганлар. Диний дунёкарашнинг шаклланиши туфайли рухсат ва таъқиқлар ўрнига савоб ва гуноҳ ҳақидаги тушунчалар таркиб топди; одамзотнинг кейинги уч минг йиллик маънавий маданияти ана шу қарашлар доирасида такомиллашиб борди. Давлатнинг демократик шакллари юзага келгач, жамият маънавияти қонун устиворлиги руҳида шаклланиб борди. Давлат ва жамият, ижтимоий муносабатлар ҳақидаги дастлабки тасавурлар қадимги Бобил, Миср, Ҳиндистон, Марказий Осиёда вужудга кела бошлаган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да, қадимги ҳинд эпослари бўлмиш «Маҳабҳорат», «Рамаёна», «Қалила ва Димна»да жамият, инсон, ижтимоий муаммолар ўз ифодасини топган.

Жамият муаммоси қадимий Юнон файласуфлари қарашларида марказий ўрин тутди.

Платон таълимотида жамият, давлат масалалари муҳим ўрин тутди. Платон жамиятга тизим сифатида ёндошиб, унинг таркиби, давлат бошқаруви ҳақида қимматли фикрлар билдирган.

Қадимий Юнон файласуфи Аристотель жамиятни ўрганиш билан боғлиқ фанларни «Метафизика» деб номлаган. Бу фанлар орасида сиёсатга алоҳида ўрин берган. Унинг фикрича, жамият сиёсий мавжудотлардан ташкил топган.

Жамият, унда одамларнинг ўрни, уларнинг ҳамкор, ҳамнафас бўлиб яшаши тўғрисидаги ғоялар Марказий Осиёда шаклланган монийлик ва маздакийлик таълимотининг асосини ташкил этади.

Амир Темурнинг «Темур тузуклари» да жамият, унинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёти; жамият ҳаётини ташкил этиш қонун-қоидалари тўғрисида қимматли маълумотлар берилган.

Жамият ҳақидаги фалсафий қарашлар Марказий Осиёлик буюқ мутафаккир олимлар ижодида алоҳида ўрин тутди.

Абу Наср Форобий асарларида жамият муаммоси фалсафий таҳлил қилинган. У Платон ва Аристотель асарларига таяниб, жамиятнинг келиб чиқиши асосида табиий эҳтиёжларни қондириш ётади, деган назарияни илгари сурган. Табиий эҳтиёж қишиларни бирлаштиришга, жамоага



уюшувиغا, ўзаро ёрдамга олиб келган. Ўзаро ёрдам туфайли эҳтиёжлар кондирилган. Кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдам жамиятни келтириб чиқарган. Инсоният жамияти турли халқлардан ташкил топган бўлиб, улар ўзаро бир-бирларидан тиллари, урф-одатлари, малакалари, хусусиятлари билан фаркландилар.

Фаробий жамиятларни фозил ва жоҳилларга ажратади. Фозил шаҳар юксак ахлокли ва маърифатли кишилар томонидан бошқарилиб, бу давлат шаҳар аҳолисининг ўзаро кўмаклашувига, бир-бирига ёрдам беришга асосланади. Одамларга нисбатан уларни бирлаштириб турувчи ибтидо – инсонийликдир. Шу туфайли одамлар одамзод туркумига оид бўлгани учун ҳам ўзаро тинчликда яшамоклари лозим.<sup>1</sup>

Абу Али Ибн Сино «Ишорат ва танбихот» асаридида инсон ўз шахсий талаблари жиҳатидан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатда бўлибгина, ўз эҳтиёжларини кондириши мумкин»<sup>2</sup> деб ҳисоблайди. У инсонларнинг жамиятдаги ўрнига кўра 3 гуруҳга бўлади:

а) давлат идораларида хизмат қилувчи ва жамиятни бошқариш иши билан шуғулланувчилар;

б) хом-ашё ва зарурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар;

в) давлатни қўриқлаш, уни турли ташқи ҳужумлардан сақлашни таъминлайдиган ҳарбийлар.

Ибн Сино жамиятнинг пайдо бўлиши кишиларнинг бирдамликка бўлган табиий эҳтиёжидан келиб чиққанлигини кўрсатган.

Абу Райхон Беруний биринчилардан бўлиб цивилизацияларнинг пайдо бўлишида табиий-географик муҳитнинг тутган ўрнини асослашга уринган. У жамиятни идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишидан иборат, деб билган.<sup>1</sup>

Алишер Навоий ўз асарларида «идеал жамият» киёфасини чизган.

XIX асрнинг ўрталарида жамият, унинг моҳияти, тараққиёт истиқболларини ўрганиш ҳаётий зарурат даражасига кўтарилди. Иккинчи мавзуда таъкидлаганимиздек, айнан шу зарурият фалсафа фанидан ижтимоий фалсафанинг ажралиб чиқишига ва махсус фалсафий фан сифатида шаклланишига сабаб бўлди.

Гарбий Европанинг Г.Спенсер (1820-1907), Дюркгейм (1858-1917, Георг Вилгельм Гегель (1770-1831), М.Вебер (1864-1920), сингари олимлари, шунингдек К.Маркс (1818-1883), Энгельс (1820-1895) лар жамият ҳаётини мураккаб ижтимоий тизим сифатида тадқиқ этдилар.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан лавҳалар. – Т., «Ўзбекистон», 1995 йил, 49-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда 68 - бет

<sup>1</sup> Жаҳон фалсафаси тарихидан мавҳулар. I қисм. – Т., Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамияти нашриёти, 2004 йил, 122-бет.

Ижтимоий фалсафа жамиятни тахлил қилишда куйидаги тамойилларга асосланади:

1) жамият бир бутун яхлит оламнинг таркибий қисми, борлик, табиатнинг ўзига хос кўриниши, одамлар уюшмасининг махсус шакли.

2) жамият бир бутунликни, яхлитликни ташкил этувчи ижтимоий тизимдир. Фалсафа жамиятни яхлитлик сифатида олиб ўрганади ва шу асосда унинг мавжудлиги, тараққиёт қонуларини очиб беради.

3) ижтимоий фалсафа жамиятнинг барча томонлари орасидаги алоқадорликлар ва тараққиётни тадқиқ этади.

4) Ижтимоий фалсафа жамият ҳам олам каби узлуксиз ҳаракатда, ўзгаришда, тараққиётида, деб билади, унда кечадиган барча воқеа-ҳодисаларни динамик жараён сифатида ўрганади.

### Схема 1

#### **Жамиятнинг фалсафий тахлили**

Жамият – ўзини-ўзи ташкилловчи ва бошқарувчи тизим. Жамият – максадлари, орзу-интилишлари, яшаш тарзлари муштарак бўлган одамлар оиласидан иборат инсонларнинг ижтимоий муҳити

↓  
Моддий оламнинг таркибий қисми.

↓  
Жамият ўз-ўзини ташкилловчи ва бошқарувчи мураккаб тизим

↓  
Жамият кишиларнинг ҳаёт тарзлари, фаолиятларининг барча турлари, уларнинг натижаларини камраб олади

↓  
Кишилар ҳаёти ва фаолияти ўтмиш, ҳозир ва келажакдан иборат вақт мезонини ақс эттиради.


↓  
Жамият одамлараро объектив ижтимоий алоқа ва муносабатларнинг маҳсули ва кўриниши.

Одамлараро алоқа ва муносабатлар ижтимоий муносабатлар, деб юритилади.

Жамият яхлит тизим сифатида моддий ва маънавий омиллар бирлигидан ташкил топган.

Буни қуйидаги схема орқали ифодалаш мумкин.

## Схема 2.



Жамият ҳаёти мураккаб тuzилишга эга. Жамият ҳаётининг асосий соҳалари деганда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳалар назарда тутилади.

Жамият ҳаётининг соҳаларини куйидаги схемада ифодалаш мумкин:

Схема 3.



Иқтисодий ҳаёт соҳаси жамиятдаги мавжуд моддий ишлаб чиқаришни назарда тутлади. У жамият ҳаётининг иқтисодий шароитларини яратишдан иборат бўлган мураккаб ижтимоий жараёнларни ўз ичига олади.

Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти деганда ундаги мавжуд турли бирликлар, гуруҳларнинг ҳаёти ҳамда, улар орасидаги турли-туман ижтимоий алоқа ва муносабатлар назарда тутилади.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти соҳаси одамлар, сиёсий кучлар-синфлар, миллатларнинг ўзаро сиёсий муносабатларини, уларнинг давлат ҳокимиятини қўлга киритиш ва мустақкамлаш борасидаги онгли фаолиятларини камраб олади.

Жамиятнинг маънавий ҳаёт соҳаси маънавий бойликлар яратишга қаратилган фаолият ва унинг натижалари: (хилма-хил қарашлар, ғоялар, таълимотлар, фан, адабиёт, санъат, таълим-тарбия каби) ни, маънавий муносабатларни ўз ичига камраб олади.

Жамиятлар очик жамият, ёпиқ жамият, ахборотлашган жамият, фуқаролик жамияти каби шакл ва кўринишларга эга.

Очик ва ёпиқ жамият тушунчаларини ижтимоий фалсафага инглиз олими Карл Поппер (1902-1994) киритган. У ёпиқ жамиятни тоталитар сиёсий тузумнинг маҳсули сифатида таърифлайди. Очик жамиятда фуқаролар шахс ҳисобланади. Бундай жамиятда муайян қарорларни қабул қилишда фуқаролар қатнашадилар. Карл Поппер очик жамиятни бозор иқтисоди (бозор эркинлиги) билан боғлайди. Унинг фикрича, дунёда инсонпарварлик тамойилига асосланган ижтимоий тузумни ташкил этиш учун инсоният бешта муҳим вазифани адо этиши зарур.

1. Эркинликни мустақкамлаш, ундан келиб чиқадиган маъзулиятни англаш;

2. Дунёда тинчлик ўрнатиш;

3. Қашшоқликка қарши кураш;

4. Демографик «портлаш»га қарши кураш;

5. Зўравонликка қарши таълим-тарбияни жадаллаштириш

Ахборотлашган жамият тушунчаси америкалик файласуф, социолог Олвин Тоффлер (1928 йилда туғилган) томонидан истезъмолга киритилган, у постиндустриал жамиятни ахборотлашган жамият, деб атайди.

Ахборотлашган жамият деганда информация, ижодиёт ва интеллектуал технологиянинг аҳамияти ортиб борган жамият назарда тутилади. Бу жамият компьютерлар, лазер техникаси, биотехнология, ген инженерияси, информатика, электроника, телевидеокоммуникация ривожини билан боғлиқ равишда мавжуд бўла олади. Бу жамиятда асосий эътибор машиналарни ўзгартиришга эмас, балки кишилар онги ва маданиятини ўзгартиришга қаратилади.

Ижтимоий фалсафа фани доирасида идеал жамиятга нисбатан «фуқаролик жамияти» тушунчаси қўлланади. Гарчи фуқаролик жамияти тушунчаси истезъмолга нисбатан кейин киритилган ҳисобланса-да, аслида у ҳақидаги фалсафий фикрлар қадимий даврлардан шаклланган. Аристотель

<sup>1</sup> Фалсафа. Комусий лугат.-Т., «Шарқ», 2004 йил, 331-332-бетлар

«Сиёсат» асарида фуқаролик жамияти муаммосига диққатини қаратган ва уни «полис» сифатида ифодалаган.

Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида фуқаролик жамиятига хос хусусият – бошқарувнинг жамоатчилик асослари ҳақидаги ғояларни илгари сурган. Фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар И.Кант таълимотида ўз ифодасини топган.

Фуқаролик (гражданлик) жамияти деганда – мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни кафолатловчи маълум ижтимоий тизим назарда тутилади.<sup>1</sup> Фуқаролик жамиятида давлат фаолияти юзасидан фуқароларнинг назораги ўрнатилади, давлатнинг кўпгина функциялари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтади.


Фуқаролик жамияти инсоният цивилизациясининг маҳсули ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти мураккаб тузилишга эга бўлган жамият.

Унинг таркиби қуйидаги схемада берилган:

#### Схема 4.

### Фуқаролик жамияти таркиби



Ҳозирги кунда Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамиятини қуриш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Эркин фуқаролик жамияти қонун устувор, ижтимоий адолат ҳукмрон бўлган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий ўринга кўтарилган жамиятдир.

Республика Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва

<sup>1</sup> Қаранг: Фалсафа. Қомусий лугат. – Т. Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти нашриети. 2004 йил. 438-бет.

иктисодий истикболнинг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» рисолаларида эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўллари ва бу соҳадаги вазифалар илмий жиҳатдан асосланган.

Биз қураётган эркин фуқаролик жамиятининг мазмун моҳияти Президент И.Каримов томонидан шундай таърифланди: «Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмақлашади».<sup>1</sup>

### Адабиётлар

1. Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 170-188-бет.

2. Ислоҳ Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янала чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари. – Т., «Ўзбекистон» 2002 йил.

3. Ислоҳ Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., «Ўзбекистон», 2005 йил.

4. Туленов Ж. Жамият фалсафаси. Олтинчи бўлим. – Т., 2001 йил, 3 -- 9 бетлар.

5. Фалсафа. Ўқув қўлланма. – Т., «Шарк», 1999 йил, 247-255 бетлар.

6. Фалсафа асослари. – Т., «Ўзбекистон» НМИУ, 2005 йил, 281-286 бетлар.

7. С.Э.Крапивенский. Социальная философия. – Москва, «ВЛАДОС», 1998 йил, 62-82 бетлар.

8. Фалсафа. Қомусий лугат. – Т., «Шарк», 2004 йил.

### *Таянч тушунчалар*

Жамият. Фуқаролик жамияти. Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти. Жамиятнинг маънавий ҳаёти. Аҳборотлашган жамият. Очиқ жамият. Ёпиқ жамият.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Жамиятнинг моҳиятини қандай тушунасан?
2. «Жамият – яхлит тизим» фикрининг маъносини шарҳланг.
3. Жамият ҳаётининг асосий соҳалари қайсилар?
4. Жамиятнинг иқтисодий ҳаётига нималар қиради?
5. Жамиятнинг маънавий ҳаёти таркибига нималар қиради?
6. «Очиқ жамият» қандай жамият?

<sup>1</sup> Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 173-бет.

7. «Ёлиқ жамият» деганда қандай жамиятни тушунасиш?

8. Фуқаролик жамияти қандай жамият?

#### **4-мавзу. Жамият ҳаёти ва тараккиётининг табиий ва ижтимоий омиллари.**

1. Жамият ҳаёти ва тараккиётининг табиий омиллари.

2. Географик муҳит ва унинг жамиятга таъсири. Географик сиёсат.

3. Аҳоли зичлиги, унинг жамиятга таъсири. Демографик омил ва демографик сиёсат.

4. Жамиятга таъсир кўрсатадиган ижтимоий омиллар.

Жамият ҳаёти ва тараккиёти билан табиат орасидаги алоқадорлик ижтимоий фалсафанинг муҳим муаммолари доирасига киради.

Аввало, жамият табиат эволюциясининг маҳсули ва кўриниши, объектив борлиқнинг шакли бўлиб ҳисобланади. Жамият табиатдан ажралиб чиққан. Жамият табиат билан алоқадорликсиз мавжуд бўла олмайди ва яшай олмайди. Жамият билан табиат орасидаги алоқадорлик табиий омилларнинг жамиятга таъсири тарзида намоён бўлади. Жамиятга таъсир этувчи табиий омиллар деганда; а) географик муҳит; б) аҳоли зичлиги ва уларнинг жамиятга таъсири назарда тутилади.

Жамият ва табиат диалектик бирликда, ўзаро бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ, бири иккинчисисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бу боғлиқлик жамиятнинг генезисида ўз ифодасини топади. Айнан ана шу туфайли жамият ва табиатнинг бирлиги нарсаларнинг моҳияти, тузилишидаги умумийликда намоён бўлади.

- Одам ва ҳайвон тирик табиат вакиллари сифатида тузилишига кўра ўхшаш, айни вақтда унинг ҳаётгий функциялари ҳам ўзаро бири иккинчисига ўхшаш (масалан: биологик эҳтиёжларни қондириш, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, ўзаро модда алмашиш ва х.к.)

- Жамият табиатдан ташқарида, унга боғлиқ бўлмасдан мавжуд бўла олмайди. Инсон табиат бағрида яшайди ва фаолият кўрсатади.

- Табиат ҳам, жамият ҳам моддий, улар яхлит моддий оламнинг турли кўринишлари ҳисобланади.

- Табиатда ҳам, жамиятда ҳам объектив қонунлар амал қилади.

Биз фалсафа курсида табиат ва жамият қонунлари, улар ўртасидаги умумийлик ва фарқлар билан танишган эдик. Олимлар фикрига кўра, жамият билан табиат орасидаги узвий алоқадорлик тарихини тўрт даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1) Ўзлаштириш босқичи;
- 2) Аграр босқич;
- 3) Индустрал босқич;
- 4) Ноосфера даври.



Табиат, табиий мухит ҳақидаги қарашлар биосфера тўғрисидаги таълимотда ўз ифодасини тошган.

Биосфера тушунчасини биринчи бўлиб австриялик олим, геолог Эдуард Зюс илмий мулоқотга киритган ва уни ернинг жонли қобиғи, деб таърифлаган. Биосфера тўғрисидаги таълимот академик Владимир Вернадский (1863-1945) томонидан илмий жиҳатдан асосланган. Вернадский биосферани организмлар тарқалган Ер сайёрасининг жонли қобиғи, деб таърифлаган. Биосферанинг юқори ривожланиш босқичини, яъни табиатнинг инсон ақлий фаолияти соҳасига айланишини француз олими Леруа ноосфера, деб атаган. Демак, ноосфера табиат ва жамият орасидаги ўзаро алоқа ва муносабатда инсон онгли фаолиятининг таракқиётнинг бош омилига айланишини назарда тутди. Ноосфера, яъни «ақл соҳаси» нинг таркибига:

а) инсон ва унинг фаолияти, турли шакл ва кўринишларда намоён бўладиган инсон онги;


б) техника;

в) маданий-иқтисодий комплекслар;

г) инсон таъсири объекти ҳисобланган нотирик ва тирик табиат қисми киради.

Буни қуйидаги схема ёрдамида ифодалаш мумкин:

Схема 1:



Жамиятга таъсир этадиган табиий омил – географик мухит ҳисобланади. Табиатнинг жамиятга таъсирининг муҳим томонини географик мухит ташкил этади. Географик мухит муайян тарихий даврда инсон ва жамият ҳаёти кечадиган макон. «Географик мухит» тушунчаси фанга олимлар Э.Реклю ва Л.М.Мечников томонидан киритилган.

Географик мухит инсон ҳаёти учун зарур бўлган табиат элементлари мажмуаси, ижтимоий муносабатлар кечадиган табиий макон. Географик

мухит билан жамият орасидаги узвий алокадорлик диалектик характерга эга. Бунинг маъноси шуки, географик мухит жамиятга, жамият ҳам ўз навбатида географик мухитга ўз таъсирини ўтказида.

Жамият табиатдан озик-овкат маҳсулотларини, ишлаб чиқариш воситалари учун хомашёларни ва энергия манбаларини олади. Географик мухит ишлаб чиқаришга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Географик мухитнинг жамиятга таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

1) ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади. Бу таъсир меҳнат таксимотининг чуқурлашиб борувида, ишлаб чиқариш турли соҳаларининг жойланиши ва тараққиётида намоён бўлади;

2) меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатади. Буни об-ҳаво шароитларининг ишлаб чиқаришга таъсири мисолида кўриш мумкин. Ёки табиий ходисалар инсон фаолияти натижаларини йўққа чиқариш мумкин. (Масалан: сув тошқини, қурғоқчилик ва ҳ.к.).

3) табиий шарт-шароитлар ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг тезлашуви ёки секинлашувида таъсир кўрсатади;

4) инсон қобилиятларининг тараққиётига таъсир кўрсатади. Бу таъсир аввало ижтимоий онгнинг шаклланиши ва тараққиётида намоён бўлади. Айни вақтда географик мухит жамият маънавий ҳаётига ҳам таъсир қилади;

5) жамият тараққиёти даражасига ўз таъсирини ўтказида. У жамият тараққиётини тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин;

6) ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларига таъсир кўрсатади. Масалан, Марказий Осиё минтақасида табиий шарт-шароитлар жуда қадимлардан бошлаб суғорма дехқончиликнинг ривожланишига имконият яратган;

7) жамиятнинг ижтимоий-рухий кифасига таъсир кўрсатади.

Жамиятнинг географик мухитга таъсири инсон фаолияти ва унинг натижаларида намоён бўлади. Инсоннинг табиатга таъсири экологик фаолият, деб юритилади. Экологик фаолият табиатга ижобий ва салбий таъсир тарзида намоён бўлади. Жамият ва инсон эҳтиёжларини қондириш зарурати экологик фаолиятни юзага келтиради.

Экологик фаолият табиат билан жамият орасидаги мувозанатни сақлашга ёки бу мувозанатнинг емирилишига хизмат қилиши мумкин. Шунга кўра инсоннинг табиатга муносабати икки шаклда:

а) оқилона

б) ваҳшиёна муносабатда намоён бўлиши мумкин.

Экологик фаолият, унинг қандай характерга эгаллиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти даражасига, шунингдек ижтимоий-иктисодий муносабатлар характерига боғлиқ бўлади.

Жамиятга географик мухитнинг таъсирини мутлақлаштириш географик детерминизм ёки географизм фалсафий оқимида ўз ифодасини топган. Географизм оқими XVIII асрнинг бошларида шаклланди. Бу оқимнинг фалсафий моҳияти француз олими Шарль Луи Монтескье

(1689-1755) асарларида ўз ифодасини топди. Мазкур оқим намोёндаларига XIX аср инглиз олими Бокль (1821-1862), Э.Реклюларни киритиш мумкин. Бокль – социологиянинг географик мактаби намоёндаси. У айрим халқларнинг тарихий тараккиёти хусусиятларини табиий омилилар (ландшафт, тупроқ, иқлим ва озик-овқатлар) таъсири билан изоҳлайди.

Географизм оқими ўзи шаклланган давр – XVIII асрда прогрессив ўрин тутган, чунки у жамиятни диний-афсонавий тушунишга қарши қартилган оқим эди.

Географик мухитнинг жамиятга таъсири геосиёсат (геополитика)да ўз ифодасини топди.

Аслида «геополитика» атамасини фанга шведиялик олим Р.Челлен олиб кирди. Бу атама I-жаҳон уруши арафасида кенг қўллана бошланди.

«Геосиёсат» тушунчаси «гео» - ер (шар), «сиёсат» эса шу Ер шари (Курраи замин)га доир сиёсат юргизиш, демақдир. У муайян давлат ёки давлатлар гуруҳининг географик ёки маконий-худудий йўналишда олиб борадиган сиёсати ва айни чоғда, жаҳон ҳамжамяти, айрим давлатлар иттифоқи ва блокларнинг умумжаҳон микёсида белгилайдиган ўлчов (параметр)лари, фьсьл-автроларини ҳам англагади.

Геосиёсатга доир назариялар XIX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европада вужудга келган.

Немис олими Ф.Ретцел (1844-1904) давлат сиёсати ва мамлакатнинг географик вазияти орасидаги ўзаро алоқадорлик масаласини кўтарди. У халқларда «алоҳида маконни хис қилиш» қобилияти мавжудлигини эътироф этгани ҳолда, ўз чегараларини кенгайтиришга интилаётган халқларга эътибор қаратди. Шу асосда К.Хаусхофер (1869-1946) моҳиятан тажавузкорлик табиатига эга бўлган «немис миллати хаётий макони» ҳақидаги гипотезани ишлаб чиқди.

Геосиёсат назарияси географик мухит халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тараккиётида хал қилувчи роль ўйнаши тўғрисидаги қарашларни мутлақлаштиришга ҳаракат қилади. Бундай қарашлар гўёки янгича ёндашувлар сифатида талқин этилса-да, аслида бундай ғоялар қадимги грек олимлари асарларида, сўнгра Ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларида илгари сурилган эди.

Геосиёсатдаги тарбпарастлик майллари туфайли давлатлар ўртасидаги муносабатларда зўравонлик қонуний жараён сифатида, мустамлакачилик урушлари зарурат сифатида талқин этила бошланди. Бундай қарашга кўра, қучсизлар устидан қучлилиларнинг ҳукмронлик қилиши қонуний жараён ҳисобланади. Ана шундай нуқтаи-назарга таяниб, Германия сиёсатчилари қуч ишлатиш билан ҳукмронлик қилишни биринчи ўринга қўйдилар. Немис сиёсий арбоби О.Бисмарк Германиянинг яққаю-яғона худуди унинг армиясидир, деган ғояни илгари сурди-ки, бу сиёсатни амалга ошириш аввало немис халқига, сўнгра жаҳон халқларига жуда қимматга тушгани ҳаммага маълум.

XX асрнинг 80-йилларида геосиёсат янгича мохият касб эта бошлади. Геосиёсат назарияси давлат сиёсатида ўз ифодасини топа бошлади.

Давлат сиёсатининг муҳим томонларидан бири географик сиёсатдир. Географик сиёсат кенг маънодаги тушунча бўлиб давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатларида ўз ифодасини топади.

Унинг асосий йўналишларидан бири экологик сиёсат бўлиб ҳисобланади.

Экологик сиёсат:

а) сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишда;

б) чиқиндисиз технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда;


в) экологик таълим ва тарбияни такомиллаштиришда намоён бўлади.

Аҳоли зичлиги жамият ҳаёти ва тараққиётига таъсир кўрсатадиган муҳим табиий омилдир. Унга кўра муайян ҳудудда, мамлакат ёки Ер юзиде яшовчи аҳолининг мажмуи назарда тутилади. Аҳоли зичлиги унинг сони, муайян ҳудудга нисбатан зичлик даражаси, ўсиш суръатлари, жинс, ёш хусусиятлари, маданий тараққиёт даражаси каби хусусиятларни назарда тутати. Аҳоли динамикасини ўрганадиган махсус фан соҳаси мавжуд. Бу – демография фани.

Демография фани маълумотларига кўра одамзот Ер юзиде деярли 5 млн йилдан бери истикомат қилиб келади. Шундан кейинги 50-40 минг йил ичида у жамият бўлиб яшаб келади.

Маълумотларга қараганда неолит асрига қадар Ер планетаси аҳолиси 10 млн кишини ташкил этган, 3000 йил аввал 50 млн. II асрда 230 млн, биринчи минг йиллик охирида 276 млн кишини ташкил этган. Дуне аҳолисининг ўсиб бориш суръатларини куйидаги схема орқали ифодалаш мумкин:

Схема 2.



2025 йилда аҳолининг сони 8 млрдга етади, деб тахмин қилинмоқда.<sup>1</sup>

Аҳоли зичлиги омилнинг жамиятга таъсири ижтимоий тараккиётнинг тезлашуви ёки секинлашувига олиб келиши мумкин.

Аҳоли зичлигининг жамиятга таъсири «аҳоли-иктисодиёт» ва «иктисодиёт-аҳоли» тизимида яққол намоён бўлади.

Аҳоли зичлигининг ортиб боруви умумий тарзда олганда ишлаб чиқарувчи кучлар тараккиётида ўз ифодасини топади. Лекин аҳоли зичлиги унинг кўп, камлиги билангина ўлчанмайди.

Аҳоли зичлигининг жамиятга таъсири «демографик омил» тушунчасида ўз ифодасини топди.

Демографик омил кўп қирралаи тушунча бўлиб;

а) аҳолининг сони ва зичлиги;

б) ёш хусусиятлари;

в) саломатлик даражаси;

г) билим (маълумот) даражаси;

д) яшаш манзиллари

е) урбанизация (шаҳарлашиш) ва рурализация жараёнлари;

ж) миграция жараёнлари ва х.к.ларни ҳисобга олишни тақазо этади.

Аҳоли омилнинг жамиятга таъсири жамият ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан аҳоли омилнинг иктисодий, ижтимоий – сиёсий, маънавий ҳаёт соҳаларига, таъсири ҳақида гапириш мумкин.

Аҳоли сонининг ортиб боруви ва жамиятга таъсири турли-туман фалсафий карашларда ўз ифодасини топган. XVIII асрлардан бошлаб олимларни «Аҳоли сонининг ортиб борувида қандай ёндашмоқ лозим» деган савол қизиқтирган. Мальтусчилик ва неомальтусчилик назарияларини шу даврда шаклланган.

Инглиз иктисодчиси Томас Мальтус (1760-1833) «Аҳоли зичлиги қонунияти тажрибаси» асарида аҳолининг тез суръатлар билан ўсиб бориши демографик портлашга, оқибатда озик-овқат маҳсулотларининг етишмаслигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун у туғилишни чеклаш лозим, деган ҳулосага келди.

XX асрда Ғарбда неомальтусчилик карашлари кенг ёйилди. 1971 йилда Ж.Форрестернинг Рим клубига тавсия этилган «Дунё динамикаси» деб номланган ҳисоботида инсоният ҳақиқатан ҳам инкироз олдида турибди; шунинг учун аҳоли ўсишини чегаралаш йўли билан хомашё захиратари мувозанатини сақлаш мумкинлиги ҳақидаги фикр илгари сурилди.

Ҳақиқатан ҳам, географик муҳит ва демографик омилнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ахамиятини инкор этиш мумкин эмас. Айни вақтда уларнинг жамиятга таъсири мутлақлаштириш ҳам ноўрин.

<sup>1</sup> Данильян О.Г., Тараненко В.М. Философия. – Москва, ЭКСМО, 2005 йил, 312-бет.

Жамият мураккаб ижтимоий организм. Унинг шаклланиши ва таракқиётида табиий омилларнинг туган ўрнини инкор этмаган ҳолда, жамиятга таъсир этадиган ижтимоий омиллар ҳам мавжудлигини эътиборга олмак лозим. Моддий ишлаб чиқариш, маданият, кадриятлар, миллий гоё жамият ҳаёти ва таракқиётига таъсир кўрсатадиган ижтимоий омиллардир.

#### Адабиётлар

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари.- Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 110-137, 227-252-бет.

2. С.Э.Крапивенский. Социальная философия. – Москва, ВЛАДОС, 1998 йил, 19-20, 119-127, 177-190 бетлар.

3. В.С. Барулин. Социальная философия. – Москва, ФАКР-ИРЕСС, 1999 йил, 351-392 бетлар.

4. Фалсафа. Қомусий лугат. – Т., «Шарқ» 2004 йил.

5. Falsafa. – Tashkent, 2006 yil, 356-361 betlar.

#### *Таянч тушунчалар*

Географик мухит. Биосфера. Ноосфера. Натуралистик оқим. Географик детерминизм. Географик сиёсат. Экологик сиёсат. Демография. Урбанизация. Рурализация.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ноосфера нима?

2. Жамият ва табиат орасидаги алоқадорлик нималарда намоён бўлади?

3. Географик мухит нима?

4. Биосфера нима?

5. Географик мухит ва жамият орасидаги алоқадорлик нималарда намоён бўлади?

6. Географик детерминизм фалсафий оқимининг моҳиятини изоҳланг.

7. Географик сиёсат нима?

8. Экологик сиёсат тушунчасининг маъноси.

9. Аҳоли зичлиги ва унинг жамиятдаги ўрни.

10. Мальтусчилик ва неомальтусчилик назарияларининг моҳияти нимада?

11. Демографик омилнинг жамиятга таъсири намаларда намоён бўлади?

#### **5-маву. Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти.**

1. Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти. Моддий ишлаб чиқариш жамият иқтисодий ҳаётининг асоси.

2. Моддий ишлаб чиқариш, унинг структураси.

3. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари.
4. Ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характери ва тараққиёт даражасига мувофиқ келиши қонуни-ижтимоий тараққиёт қонуни сифатида.
5. Муस्ताқил Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти ва тараққиёти.

Кишиларнинг ўз моддий ҳаёт шароитларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча фаолият турлари ҳамда шу жараёнда шаклланидиган ижтимоий муносабатлар жамиятнинг иқтисодий ҳаёт соҳасини ташкил этади.

Жамият иқтисодий ҳаёт соҳасининг асосини моддий ишлаб чиқариш ташкил этади. Моддий ишлаб чиқариш деганда, аввало, инсон ҳаёти учун зарур бўлган, моддий неъматларни ишлаб чиқариш назарда тутилади.

Айни вақтда моддий ишлаб чиқариш инсон ҳаётининг ўзини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади.

Моддий ишлаб чиқариш жамият аъзоларининг моддий ҳаётини эҳтиёжларини қондириш зарурати туфайли амалга оширилади.

Жамият кишилар ҳаёти учун зарур бўлган моддий неъматларни ва ўз-ўзини ишлаб чиқармасдан туриб мавжуд бўла олмайди. Аслида инсоният тарихи тирикчилик воситаларини ишлаб чиқаришдан бошланган. Моддий ишлаб чиқариш 2 асосий таркибий элементдан ташкил топган.

1) Ишлаб чиқаришнинг технологик усули.

2) Иқтисодий ишлаб чиқариш усули.

Ишлаб чиқаришнинг технологик усули деганда кишиларнинг меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларига муносабатлари назарда тутилади. Ишлаб чиқаришнинг технологик усули «техника», «технология» тушунчаларида ўз ифодасини топади.

Немис олими Эрнст Каппа «Инсоният тарихига диққат билан назар ташланса, у бошдан-оёқ меҳнат қуролиларини ишлаб чиқаришдан иборат бўлган» деб бежиз ёзмаган. «Техника» юнонча сўз бўлиб, санъат, маҳорат маъноларини англатади. Техника одамзоднинг турли қуролилар, асбоб-усқуналарни яратиш санъати маъносини ифодалайди. Техника тушунчаси кишилар томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-усқуналар, меҳнат қуролиларига нисбатан қўлланган. Инсон табиатга таъсир этишда улардан фойдаланади.

Техниканинг шаклланиши ҳақида фикр юритганда, унинг 2 миллион йиллик тарихга эга эканлигини назарда тутмоқ лозим. Техника нарсаларга ишлов бериш, шаклга киритиш маъносида питекантроп типигаги одамлардан бошланган. Улар ясаган қўпол тош қуролиларини инкор этиш орқали одамзотнинг ақлий салоҳияти ривожланиб, тафаккур тарзи мукаммаллашиб борди. Синантроп, неандертал типигаги одамлар тош қуролиларни такомиллаштириб, улардан фойдаланиш малакаларини ҳам ривожлантирдилар. Ниҳоят, кроманьон типигаги одамларда ривожланган нутқ тили марказининг шаклланиши туфайли, улар жамоа ва жамият бўлиб

яшашга ўтдилар, одамзотнинг ақлий салоҳият бекиёс ривожланиши, унинг таракқиётда юксак босқичга кўтарилишга олиб келди. Ақлий салоҳият туфайли одамзот аввало оғир жисмоний меҳнатнинг бир қисмини уйга ўргатилган хайвонлар зиммасига юклади. Аста-секин деҳқончилик, уй ашё қуроллари, шаҳар қурилиши, айникса ҳарбий қурол аслаҳалар ишлаб чиқариш, уларни такомиллаштириш туфайли техника ривожланиб борди.

XVII асрдан бошлаб Ғарбий Европада илмий-техника таракқиёти юз берди. Оқибатда машина меҳнати шакллана бошлади. XX асрга келиб техника инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини камраб олди. XX аср ўрталарида ИТИ рўй берди.

Ҳозирги замон ахборотлашган жамиятида одамзот ҳаёти ва фаолиятининг техника иштирок этмаётган бирон-бир жабҳаси қолмапти.

Шундан келиб чиққан ҳолда техника тушунчасига инсон томонидан ташки дунёни ўзгартириш воситаси, инсон яшайдиган муҳит ва инсоннинг мавжудлиги тимсолидир<sup>1</sup>, деган таърифга кўшилиши ўринли.

Демак, техника - меҳнат предметларига таъсир кўрсатиш воситалари.

Технология - меҳнат предметларига фан ва амалиёт имкониятлари, талаблари асосида таъсир этиш. Техникани кўллаш, ундан фойдаланиш усуллари технология, деб юритилади.

Ишлаб чиқаришнинг технологик усули тарихда 4 хил шаклда намоён бўлган.

а) тайёр маҳсулотларни ўзлаштириш (ибтидоий жамият одамларининг табиатдан озик-овқат омбори ва қурол-яроғ арсенали сифатида фойдаланиши, термачилик фаолияти).

б) агро-хунармандчилик технологияси.

в) индустриал технология.

г) ахборот-компьютер технологиялари<sup>1</sup>.

Ҳозирги даврда «инсон-техника» муносабатлари ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этмоқда.

Жамиятлар таракқиёти ишлаб чиқариш технологияси таракқиётида ўз ифодасини топади. Ишлаб чиқариш технологияси таракқиёти оддийдан мураккабга қараб борган. Бу дастлаб асбоб-усқуналардан фойдаланиш, сўнг механизациялаш ва ниҳоят ундан автоматлаштиришга, компьютерлашга ўтиш тарзида юз берган.

Техника таракқиёти фандаги чуқур ўзгаришларсиз юз бермайди. Авваллари фандаги янгилликлар техникага татбиқ этилар ва бу қетма-кетликда содир бўлар эди. Эндиликда фан ва техникадаги ўзгаришлар бир вақтда юз бермоқда ва бундай ўзгаришлар муайян сифат хусусиятларига эга. Шунинг учун ҳам улар илмий-техника инкилоби деб юритади.

Илмий-техника инкилобининг ҳозирги босқичи:

<sup>1</sup> Falsafa.-Т., 2006 йил, 335 бет.

<sup>1</sup> С.О.Кравиненский Социальная философия.-Москва, «ВЛАДОС», 1998 йил, 92-бет



микроэлектроника, радиотехника, радиоэлектроника, биотехнология, компьютерлаштириш, радиотехника, радиоэлектроника, синтетик киме каби янги соҳаларнинг шаклланиши билан тавсифланади.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти кўп фанлар томонидан ўрганилади. Иқтисодиёт назарияси моддий ишлаб чиқариш, унинг қонуқларини; эргономика инсон ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганади.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаёти унинг иқтисодий ишлаб чиқариш усулида ўз ифодасини топади.

Иқтисодий ишлаб чиқариш усули деганда ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари назарда тутилади.

Кўргазмали чизма 1.

### Иқтисодий ишлаб чиқариш усули



Ишлаб чиқарувчи кучлар жамият иқтисодий ҳаётининг муҳим томонини ташкил этади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида кишиларнинг табиатга муносабатини ифодалайди.

Ишлаб чиқарувчи кучлар деганда, моддий неъматларни ишлаб чиқариши жараёнининг субъекти ва предметли элементлари назарда тутилади.

Моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида индивидлараро содир бўладиган алоқа ва муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатлари, деб юритилади. Иқтисодий ишлаб чиқариш усули жамиятнинг иқтисодий тизимида ўз ифодасини топади.

Инсоннинг ишлаб чиқариш жараёнида табиатга муносабати ташкилий-иктисодий муносабатлар деб юритилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатлари ёки ижтимоий-иктисодий муносабатлар дейилади.

Ташкилий иктисодий муносабатлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида келиб чиқади. Ижтимоий – иктисодий муносабатлар ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатларини ифодалайди.

Моддий ишлаб чиқариш деганда, аввало инсон меҳнати назарда тутилади. Умумий тарзда олганда меҳнат инсон мавжудлигининг асосий шакли. Меҳнат инсон билан табиат орасидаги модда алмашуви жараёни. Меҳнат аввало инсон яшаш шароитларини вужудга келтириш жараёнидир. Меҳнат инсонга зарур бўлган шарт-шароитларни ва ўз-ўзини такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Меҳнат жараёни ишлаб чиқариш тушунчасида конкретлашади. Ишлаб чиқаришнинг ўзи эса индивиднинг табиатга ва ўзаро бир-бирларига муносабатсиз амалга ошиши мумкин эмас. Ишлаб чиқарувчи кучлар моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида инсоннинг табиатга муносабатини ифодалайди.

Ишлаб чиқарувчи кучлар ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларидан иборат. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг асосий элементини ишчи кучи ташкил этади.

Ишчи кучи – бу, меҳнат қуролларини ҳаракатга келтирадиган, моддий бойликларни ишлаб чиқарадиган инсон. Ҳозирги даврда ишчи кучининг мазмуни ўзгарди. Бугун фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучларга айланаётган даврда инсонга ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш тажрибаси ва меҳнат қилиш малакасининг ўзигина етарли эмас. Энди у илмий билимларни эгаллаган бўлмоғи лозим.

Ишлаб чиқариш воситалари – инсоннинг табиатга таъсир этишидаги фойдаланадиган нарсалар, предметлар. Улар орасида меҳнат қуроллари алоҳида ўрин тутаяди. Меҳнат қуроллари жамиятнинг табиатга таъсири характерини ифодалайди. Меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришнинг суяк-муқул системасини ташкил этади. Айни вақтда ишлаб чиқариш қуроллари техникани ўз ичига олади. Техника деганда маиший техника, транспорт техникаси, ахборот техникаси қабилар назарда тутилади.

Меҳнат предметлари – инсон меҳнати йўналтирилган нарса ва ҳодисалар, инсон томонидан ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилган табиатнинг қисмларидир.

Моддий ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиб боруви меҳнат тақсимотини келтириб чиқарган ва такомиллаштирган.

Ишлаб чиқариш муносабатлари деганда моддий неъматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот ва ўзлаштириш муносабатлари назарда тутилади.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини мулккий муносабатлар ташкил этади.

Инсоният тарихида мулкнинг 2 шакли қарор топган: хусусий ва умумий.

Жамиятлар таракқиёти жараёнида мулкнинг шакллари ўзгариб, хилма-хиллашиб борган.

«Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги Қонуни» га мувофиқ, жамиятимиз иқтисодий кўп укладли иқтисодий бўлиб ҳисобланади ва унинг негизини 5 хил мулк шакли ташкил этади:

- хусусий мулк
- ширкат (жамоа) мулки
- давлат мулки
- аралаш мулк
- бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар мулки.

Юқорида кўриб чиққанemizдек, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари жамиятнинг иқтисодий ишлаб чиқариш усулини ташкил этади. Бунда ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш усулининг мазмунини, ишлаб чиқариш муносабатлари эса унинг иқтисодий шаклини ташкил этади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари ва улар орасидаги диалектик алоқадорликсиз жамият ҳаёти ва таракқиёти амалга ошмайди. Бундай алоқадорлик жамиятда амал қиладиган умумий социологик қонун – ишлаб чиқарувчи кучларнинг ишлаб чиқариш муносабатлари характери ва даражасига мувофиқ келиш қонунида ўзифодасини топади.

Бунда ишлаб чиқарувчи кучларнинг таракқиёт даражаси ишлаб чиқариш муносабатларига ва аввало, мулккий муносабатларга таъсир ўтказида. Айни вақтда ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар таракқиётига таъсир кўрсатади.

#### Алабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т., «Ўзбекистон», 2003 йил, 15-бет.

2. Ислоҳ Қаримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли. – Т., «Ўзбекистон», 1992 йил.

3. Ислоҳ Қаримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолотлари.- Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 188-210, 227-252-бет.

4. Ж.Туленов. Жамият фалсафаси. – Т., 2001 йил, 4-9-бетлар.

5. Фалсафа. Ўқув қулланма – Т., «Шарқ», 1999 йил, 255-258 бетлар.

6. С.Э.Крапивенский Социальная философия.-Москва, «ВЛАДОС», 1998 йил, 83-112 -бет.

7. Falsafa. – Toshkent, 2006 у.. 374-378 betlar.

### **Таянч тушунчалар**

Жамиятнинг иктисодий ҳаёти, моддий ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарувчи кучлар, ишлаб чиқариш муносабатлари, мулк, техника, технология, меҳнат тақсимоти.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Жамиятнинг иктисодий ҳаёти тушунчаси нимани ифодалайди.
2. Жамият иктисодий ҳаётининг асосида нима ётади?
3. Моддий ишлаб чиқаришнинг моҳиятини қандай тушунасан?
4. Иктисодий ишлаб чиқариш усули нима, таърифланг.
5. Техника, технология тушунчаларини изоҳланг?
6. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг моҳияти ва таркибий тузилиши.
7. Моддий ишлаб чиқариш қандай заруратни ифодалайди?
8. Ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини нима ташкил этади?
9. Ишлаб чиқарувчи кучлар таракқиёти даражасининг ишлаб чиқариш муносабатлари характериға мувофиқ келиши қонунининг мазмуни ва амал қилиш хусусиятларини изоҳланг.

### **6-мавзу. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти.**

1. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти.
2. Жамиятнинг ижтимоий таркиби. Жамиятнинг этник таркиби.
3. Жамиятнинг демографик таркиби.
4. Жамиятнинг синфий таркиби.
5. Жамият таркибининг бошқа унсурлари.

Жамият тушунчаси, аввало, кишилар жамоаси, уларнинг бирлигини ифодалайди. Лекин жамият шунчаки кишилар йиғиндиси эмас. Жамият бу аввало, ўзаро бир-бири билан ижтимоий алоқада бўлган кишиларнинг бирлигини ифодалайди. Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти ундаги мавжуд кишилар, турли ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар орасидаги турли туман алоқа ва муносабатларни қамраб олади.

Ижтимоий бирликлар деганда, элат, халқ, миллат; ижтимоий гуруҳлар, синфлар, жамоа, меҳнат жамоаси, оила қабилар назарда тутилади.

Ижтимоий бирлик тарихан таркиб топган, ўзаро барқарор ижтимоий муносабатларға қиришадиган, ўзига хос умумий хусусиятларға эға бўлган кишилар бирлашувидир.

Ижтимоий бирликлар вақтинча, қиска муддатли ва барқарор бўлиши мумкин. Айнан барқарор, ички алоқа ва муносабатлар билан ўзаро боғланган кишиларнинг уюшувидан иборат ижтимоий бирликлар жамият ижтимоий ҳаётининг мазмунини ифодалайди.

Ижтимоий бирликларнинг ўзига хос жиҳатлари деганда қуйидагилар назарда тутилади:

а) муайян ижтимоий бирликларни ташкил этувчи кишиларнинг уюшуви улар орасидаги объектив тарзда юз берадиган ижтимоий алоқа ва муносабатлар асосида шаклланади.

б) ижтимоий бирликлар кишилар ижтимоий ҳаётининг мавжудлик шакли ҳисобланади.


в) ижтимоий бирликларнинг шаклланишига хилма-хил иктисодий ва маънавий омиллар таъсир кўрсатади.

Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти унинг ижтимоий таркибида ўз ифодасини топади. Жамиятнинг ижтимоий таркиби турли ижтимоий бирликлардан ташкил топади.

Жамиятнинг ижтимоий таркиби деганда, этник, ижтимоий-синфий, демографик таркиб қабилар назарда тутилади.

Жамиятнинг ижтимоий таркибини қуйидаги кўргазмали чизма орқали ифодалаш мумкин.


Схема 1.



Жамиятнинг ижтимоий таркибининг асосларидан бири унинг этник таркиби ҳисобланади.

Жамиятнинг этник таркибига уруғ, қabila, элат, халқ, миллат киради.

Схема 2.



Уруғ-этник таркибнинг дастлабки кўриниши ҳисобланади. Уруғчилик жамият тарихининг қадимий даврларига хос бўлиб, у яшаш учун кураш, ташқи душмандан сақланиш мақсадида қариндошчилик асосида ўзидан-ўзи шаклланган. Уруғчиликнинг иқтисодий асосини мулкка жамоа эгаллиги ташкил этади.

Қабиланинг келиб чиқиши ҳам ижтимоий эҳтиёжлар туфайли содир бўлган. Қabila умумий асосга эга бўлган; кейинчалик ўзаро бир-бирдан фаркланадиган уруғлардан иборат кишиларнинг тарихий этник бирлиги ҳисобланади. Элатларнинг ихтиёрий ёки зўрлик йўли билан бирлашуви натижасида халқлар уюшмалари ҳосил бўлган. Ҳозирда ҳам муайян мамлакатларда турли элат, миллатлар ёки уларнинг намоёндалари халқ бўлиб яшайди. Масалан, Ўзбекистон халқи, Россия халқи ва ҳ.к.

Элат, ҳудуд, тил маданий жihatдан умумийликка эга бўлган, иқтисодий алоқалари шакллана бошлаган тарихий этник бирлик ҳисобланади.

Миллат элатлар бирлашуви натижасида ҳосил бўлган тарихий-этник бирлик ҳисобланади.

Миллатнинг асосий белгилари:

- а) ҳудудий бирлик;
- б) адабий тил бирлиги;
- в) иқтисодий ҳаёт бирлиги;
- г) маънавий руҳий бирлик;
- д) тафаккур ва турмуш тарзидаги яқинлик ифодаси бўлган миллий менталитет (тийнати);

Миллат – тарихан таркиб топган, миллий бирликни англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва кадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи, иқтисодий алоқалар билан боғланган кишиларнинг ижтимоий барқарор бирлиги. Ер юзида 3 мингга яқин миллат ва элат бўлиб, у инсониятнинг ўрта ҳисобда 96 ғойизини ташкил этади.

Олимларнинг фикрича, Ер юзидаги миллий ва этник хилма-хиллик, турли-туманлилик табиат ҳамда ижтимоий қонунлар туфайли вужудга келган буюқ неъматдир. Ҳар бир миллий маданият одамзот тарихий тажрибасининг хотираси бўлиб, миллийлик ва маданий ранг-барангликни йўқотиш гўёки генетик дастур хилма-хиллигидан маҳрум бўлиш каби ниҳоятда хавфли, инсоният истикболи учун ҳалокат билан баробар хатарлидир. Бинобарин, ҳар бир этник бирликнинг тарихан тўплаган тажрибаси – хотираси, кадриятлари негизида умуминсоний, умумпланстар хотира ва кадрият қарор топишини унутмаслик зарур.

Миллатнинг маънавий руҳий бирлиги унинг онгида, миллий онгда ўз ифодасини топади.

Миллий онг миллатнинг ўзи билан бирга шаклланиб боради ва унинг тараккий этишини таъминлайди. Миллий онг миллатнинг тарихи, тақдири ва истикболи билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва мақсадларни

ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятини маълум мақсадлар сари йўналтирувчи ғоялар, фикрлар тизимини ифодалайди.

Миллатнинг ҳаёти ва тараққиётида миллий ўзликни англаш муҳим ўрин тутаети. Миллий ўзликни англаш мураккаб жараён. Миллий ўзликни англаш умуммиллий манфаатларни устивор қўя билиш билан бевосита боғлиқ.

Миллий ўзликни англаш миллат манфаатларини англай олиш ва ҳимоя қилишнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Миллий ўзликни англаш ўз миллати тарихини билиш (тарихий хотира), миллий анъана, урф-одатларга, маросимларга муносабат, ўз миллий тилига муносабат, миллий гуруҳ қабиларда намоён бўлади.


Ҷамият ижтимоий таркибининг муҳим томонини демографик таркиб ташкил этади.

Биз «Ҷамият ҳаёти ва тараққиётининг табиий омиллари» мавзусида Ҷамиятга таъсир кўрсатадиган табиий омил - аҳоли зичлиги (нуфус қонуниятлари) билан танишган эдик.

Аҳоли зичлиги Ҷамиятнинг демографик таркибида ўз ифодасини топади.

Ҷамиятнинг демографик таркиби аҳоли зичлиги билан бир қаторда, унинг жойланиши, ёш, жинс хусусиятлари, миграцион жараёнлар, аҳолининг соғломлик даражасини ҳисобга олишни тақозо этади.

Схема 3.



Ҷамиятнинг демографик таркибини ҳисобга олиш Ҷамият иқтисодий ҳаётини ташкил этишда муҳим ўрин тутаети. Ҷамиятда кечадиган демографик ва иқтисодий жараёнларни асло бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади. Буни «иқтисодиёт - аҳоли зичлиги» ва «аҳоли - иқтисодиёт» тизимлари орқали ифодалаш мумкин<sup>1</sup>. Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари аҳолининг умумий сони ва зичлиги билан боғлиқ. Айни вақтда Ҷамият ҳаётининг барча соҳалари (иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий) даги ижобий ёки салбий ўзгаришларга аҳолининг умумий сони, зичлиги билан бир қаторда Ҷамиятда кечадиган миграция жараёнлари, аҳолининг жисмоний ва руҳий соғломлиги ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

<sup>1</sup> Қаранг: С.Э.Крупиненский. Социальная философия - Москва, Гуманитарно-издательский центр «ВЛАДОС», 1998 й., 120-122 бетлар.

Жамиятнинг синфий таркиби унинг муҳим томонини ташкил этади. Жамиятнинг синфий таркиби деганда синфлар, табакалар, қатламлар назарда тутилади.

Жамиятнинг синфий таркибининг асосини синф ташкил этади. Синфлар – тарихий ҳодиса. Улар жамият таракқиётининг махсули ҳисобланади. Синфларнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари файласуфларни қадимдан қизиқтириб келган. Синфларнинг келиб чиқиш сабабларини аввало жамиятнинг иқтисодий ҳаётидан, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидан кидирмоқ лозим. Ишлаб чиқаришнинг таракқиёти, ижтимоий меҳнат тақсимоти, товар айирбошлашнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши синфларнинг келиб чиқиш сабабларидир.

Синфлар кишиларнинг жамиятда тутган ўрни – мулкка муносабати, ишлаб чиқаришни ташкил этишидаги ўрни, яратилган моддий ва маънавий бойликлардан қай миқдорда ва қай шаклда олиши билан фаркланадиган ижтимоий гуруҳлардир.

Жамият таракқиёти жараёнида унинг синфий таркиби ўзгариб борган. Ижтимоий табакалар деганда, урф-одатлар ёки қонун билан мустаҳкамланган, авлоддан авлодга мерос сифатида ўтадиган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган синфлар таркибидаги ижтимоий бирликлар назарда тутилади. Айрим Шарқ мамлакатларида каставий бўлиниш мавжуд. Масалан, Ҳиндистон.

Ижтимоий қатлам деганда интеллигенция-зиёлилар назарда тутилади. Жамиятнинг профессионал (касб-кор) ва маълумотга кўра таркиби жамият таркибининг муҳим томонини ташкил этади. Профессионал ва маълумотга кўра жамият таркибининг шаклланиши дехқончиликнинг, ўтроқ ҳаётнинг чорвачилиқдан ажралиб чиқиши, қишлоқ хўжалигидан хунармандчилик ва савдонинг ажралиб чиқиши ва ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши билан боғлиқ ҳолда юз берган.

Ҳозирги замон жамиятининг структурасида страталар муҳим ўрин тутди.

Жамиятнинг ижтимоий таркибида истикомат жойига кўра аҳолининг таркибини инобатга олмақ лозим бўлади.

Истикомат жойига кўра аҳолининг таркиби деганда кишиларнинг ҳаётлари кечадиган истикомат жойлари назарда тутилади.

Турли синф, ижтимоий гуруҳ, қатлам вакиллари истикомат жойларига кўра:

- а) шаҳарликлар
- б) қишлоқликларга бўлинадилар.

Шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисидан фарқи хусусиятлари деганда:

а) кишилар бандлигининг аксарият саноат ишлаб чиқариши билан боғлиқлиги;



- б) ўзига хос маънавий-маънавий муҳит, билим олиш, маълумотини ошириш, маънавий эҳтиёжларни қондириш имкониятларининг кенглиги;
  - в) танлов имкониятларининг кенглиги;
  - г) маълумот даражасининг нисбатан юқорилиги;
  - д) шахар аҳолисининг нисбатан сиёсий фаоллиги;
  - е) оила ва оилавий муносабатлардаги ўзига хослик назарда тутилади.
- Жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришда бу омилнинг ўрни катта эканлигини унутмаслик лозим.

Жамият таракқиёти, унинг ижтимоий таркибидаги ўзгаришлар 2 йўналишда кечадиган муайян ижтимоий ақс этадиган жараёнларда ўз ифодасини топади. Булар: урбанизация ва руализация жараёнлари.

Урбанизация - шахарлашиш, ижтимоий ҳаётда шахар ўрнининг тобора ортиб борувини ифодалайдиган ижтимоий жараён.

Руализация кишлоклашув, кишлок ҳаётига қайтиш маъноларини ифодалайди.

Хозирги даврда урбанизация ва руализация жараёнлари тобора кучайиб бормоқда.

Шундай қилиб, жамиятни ижтимоий ҳаёти унинг ижтимоий таркибида ўз ифодасини топади.

### Адабиётлар:

1. Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, бунёдкорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон» 1997 й., 211-220 бетлар.
2. Ислоҳ Каримов. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. – Т., «Ўзбекистон» 2005 й., 68-91 бетлар.
3. С.Э.Крапивенский Социальная философия. Москва, «ВЛАДОС» 1998 й., 134-138, 191-198, 215-220 бетлар.
4. Фалсафа. Ўқув кўланма. – Т., «Шарқ» нашр., 1999 й., 258-265 бетлар.
5. Фалсафа асослари. – Т., «Ўзбекистон» НМИУ, 2005 й., 289-299, 300-336 бетлар.
6. Ж.Туленов Диалектика назарияси. Т., «Ўзбекистон» 2001 й., 252-261 бетлар.
7. Фалсафа. Комусий лугат. – Т., «Шарқ» 2004 й.
8. В.С.Барулин. Социальная философия. – Москва, ФАИР-ПРЕСС, 1999 йил, 83-130 бетлар.
9. Falsafa. – Toshkent, 2006 у., 384-388 betlar.

### *Таянч тушунчалар:*

Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти, жамиятнинг ижтимоий таркиби, этник таркиб, демографик таркиб, синфий таркиб, маълумот даражасига кўра жамиятнинг таркиби, урбанизация, руализация.

### **Назорат учун саволлар:**

1. «Жамиятнинг ижтимоий ҳаёти» тушунчасининг мазмуни.
2. Жамиятнинг этник таркибига нималар кирди?
3. Жамиятнинг этник таркиби. Миллий ва миллатлараро муносабатларни тавсифланг.
4. Ижтимоий синф нима?
5. Ижтимоий қатлам нима?
6. Ижтимоий табақа нима?
7. Интеллигенция қандай бирликка мансуб?
8. Урбанизация деганда нимани тушунсиз?
9. Рурализация қандай жараён?

### **7-мавзу. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти.**

1. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти тушунчаси. Сиёсий тизим.
2. Давлат - жамият сиёсий тизимининг асоси.
3. Демократик давлат ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Президент И.А.Каримов асарларида жамиятимиз сиёсий ҳаётини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари масаласи.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти деганда синфлар, миллатлар, сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг давлат ҳокимиятини қўлга киритиш ва мустақамлаш борасидаги онгли фаолияти назарда тутилади. Жамиятнинг сиёсий ҳаёти соҳаси сиёсат тушунчаси ёрдамида ифодаланadi. Сиёсат синфларининг синфларга, миллатларнинг миллатларга, давлатларнинг давлатларга муносабатини ифодалайди. Сиёсат мураккаб ижтимоий муносабат кўриниши сифатида давлат ҳокимиятининг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Сиёсат давлат миқёсида ва давлатлараро муносабатларда амалга ошириладиган, жамиятни бошқариш билан боғлиқ фаолият. Кўп ҳолларда «давлат сиёсати» деган тушунча кенг қўлланилади. Ҳар қандай давлатнинг сиёсати икки кўринишда намоён бўлади:

- а) ички сиёсат;
- б) ташқи сиёсат.

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти унинг сиёсий тизимида ўз ифодасини топади.

Сиёсий тизим деганда жамиятда муайян сиёсий функцияларни бажарадиган ижтимоий институтлар тизими назарда тутилади.

Сиёсий тизим 2 кўринишда намоён бўлади.

- а) мамлакат сиёсий тизими;
- б) халқаро сиёсий тизим

Алоҳида олинган мамлакатнинг сиёсий тизими деганда давлат, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари назарда тутилади.

Жамият сиёсий тизимининг муҳим томонини махсус бошқарув ташкил этади. Жамият сиёсий тизимининг таркиби куйидаги схемада акс этган:

Схема 1.



Жамият ҳаётида моддий ишлаб чиқариш канчалик зарур бўлмасин, унинг ҳаёти кўпдан-кўп соҳалар билан боғлиқ равишда кечади. Кишилар яшашнинг иқтисодий шароитларига эга бўлишлари учун муайян тарзда бирлашганлар ва бу ҳол ижтимоий фаолиятнинг хилма-хил кўринишларини келтириб чиқарган; шу асосда сиёсий тизим шаклланган.

Жамиятнинг сиёсий тизими жамият тараққиёти жараёнида шаклланган. Маълумки, жамият аввало кишилар фаолиятлари ва шу асосда шаклланадиган ижтимоий алоқа ва муносабатлари махсули.

Жамият сиёсий ҳаётининг илдизлари одамларнинг ижтимоий ҳаётда муайян тартиб-интизомлар муҳитида яшаш эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган.

Одамлар фаолияти умумий тарзда олганда, ижтимоий характерга эга. Улар ўзаро бир-бирлари билан бирлашмасдан, алоқа боғламасдан туриб фаолиятга кириша олмайдилар. Индивид ижтимоий фаолиятининг мураккаблашиб боруви, уларни бошқаришни тақозо этади. Айнан бошқарув туфайли одамлар бирлашадилар ва шу асосда уларнинг эҳтиёжлари кондирилади. Бошқарув кишилар фаолиятлари характерига боғлиқ. Мулкий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун одамлар бирлашувлари лозим бўлган. Бу бирлашув дастлаб табиийлик, кон-кардошлик асосида юз берган. Шундан уруғчилик, қабилачилик тизими ва муносабатлари шаклланган.

Жамият бошқарувининг тарихан икки шакли мавжуд:

1) Ўз-ўзидан бошқарув ёки жамоавий бошқарув. Ўз-ўзидан бошқарувнинг хусусияти шундан иборатки, унда жамият аъзоларининг барчаси таянч иштирок этади ва шу асосда ўз эҳтиёжларини таъминлайди.

2) Махсус бошқарув. Бошқарувнинг бу тури унда мажбурийлик жиҳатларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Махсус бошқарув деганда, муайян ташкилот ёрдамида бошқарув назарда тутилади. Ҳар

кандай махсус бошқарувнинг асосий бўғинини давлат ҳокимияти ташкил этади.

Давлат жамият сиёсий тизимининг асосий бўғини ҳисобланади. Давлат – жамият тараккиётининг муайян босқичида вужудга келган жамиятнинг сиёсий ташкилотидир.

Давлат инсоният цивилизацияси ривожланишининг махсули ва кўриниши, халқлар ва миллатлар ҳаётини ҳуқуқ ва қонун асосида ташкил этишининг сиёсий шаклидир.

Давлатнинг ўзига хос белгилари:

1) махсус бошқарув сифатида ҳокимиятнинг мавжудлиги. Бунда муайян вазифалари бўлган ташкилот ва муассасалар назарда тутилади;

2) аҳоли (фуқаролар);

3) ҳудуд ва чегаралар;

4) суверенитет;

5) ҳуқуқ ижодкорлиги.

Давлатнинг ўзига хос вазифалари мавжуд: Булар: ҳудудий яхлитлик ва чегаралар дахлсизлигини, мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш, жамиятда барқарор ва тинч, фаровон ҳаётга эришиш; жиноятчиликка қарши курашиш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва мулк дахлсизликларини ҳимоя қилиш; ташқи алоқалар; ислохотларни амалга ошириш.

Давлат, унинг келиб чиқиши масаласи қадимдан файласуфларни қизиқтириб келган.

Қадимги юнон файласуфи Платон (э.а. 427-347й.) «идеал давлат» таълимотини яратган. У идеал давлатнинг келиб чиқишини «ғоялар дунёсига» боғланган ва бунда Юнон полис - давлатини назарда тутган. Унинг фикрича, идеал давлатда космос, давлат ва айрим инсон ўзаро бир-бирига муштарак бўлади. Адолатли инсон адолатли давлатга ўхшайди. Идеал давлат адолатли бошқарувга асосланган давлатдир. Қонун ва адолат унда мужассам бўлмоғи лозим.

Аристотель фикрича, давлатни жамиятдан ажратиши мумкин эмас. Аристотель давлатни энг олий даражадаги инсонлар уюшмаси, деб билган. Унинг фикрича, аввал оила, унда эр ва аёл муносабатлари, сўнг хўжайин кул муносабатлари келиб чиққан. Оилалар бирлашиб жамоани ташкил қилган, бир қанча жамоалардан давлат ташкил топган. Тараккий этган жамият – бу давлат. Аристотель қонун доирасида яшамайдиган одамларни хайвоний деб билган. Қонун эса давлат туфайли келиб чиққан. Давлатнинг вазифаси маданиятли, аристократик ақл-заковатга эга одамларни тарбиялаш. Яхши ва ёмон давлатлар ўзаро бир-биридан давлат тепасида турган бошлиқлар ахлоқи билан фарқланади.

Марказий Осиё мутафаккири Абу Наср Фаробий (873-950 йиллар)нинг адолатли, фазилатли жамият, давлат ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор. Мутафаккирнинг орзусидаги адолатли жамиятда кишиларнинг самарали меҳнатига, илм соҳибларига, уларнинг ақл-заковатига, фазилатли ахлоқ-одобига юксак баҳо берилади. Унинг фикрича, адолатли жамиятда тенг

ҳукукийлик ва эркинлик салтанати ҳукмронлик қилади, яқка ҳокимликка барҳам берилади. Давлат бошликларини фуқароларнинг ўзлари сайлайдилар. Сайланган бошликлар халқ манфаатига зид ҳаракат қилсалар, улар ўз амал-мансабларидан четлаштириладилар. Орзудаги давлат арбоблари ўз фаолиятларида адолат, тенгҳуқуқлик, фуқароларнинг манфаатларини қўзлаб иш тутадилар.

Абу Райҳон Беруний (973-1048 йил)нинг фикрича, жамиятни бошқариш амалдорлардан ўз ҳузур-ҳаловатидан аниқ муддат мобайнида маҳрум бўлиш, зўравонлардан азият чекканларнинг ҳуқуқларини тиклаш, гуноҳкорларни жазолашдан иборат бўлмоғи лозим. Одил ҳукмдорларнинг асосий вазифаси юқори ва қуйи табақа вакиллари ўртасида адолат ўрнатишдир.

Бошқарув шакллари, тузилиши ва ундаги мавжуд сиёсий режимга кўра давлатнинг турли кўринишлари мавжуд.

Давлат бошқарув шаклларига кўра монархия ва республика кўринишларига эга.

Давлатнинг монархия шакли ҳокимиятнинг бир киши (монарх) томонидан бошқаришига асосланади.

Республикада ҳокимият сайлаш орқали шакллантирилади.

Давлатлар тузилишига кўра, унитар, федератив ва конфедератив давлатлардан иборат.

Демократик давлат деганда барча фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат берадиган, ҳокимият тизимининг бўлиниши асосига қурилган, ҳаммининг қонун олдидаги тенглигини таъминлайдиган, жамиятдаги барча қучларни бирлаштириб, мамлакат таракқиётига сафарбар қиладиган давлат назарда тутилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг таракқиёт йўли инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат.

Жамиятимиз сиёсий ҳаётини такомиллаштириш, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қарор топтириш масалалари Республика Президенти И.Каримов асраларида атрофлича тахтил қилинган ва назарий асосланган.

### Адабиётлар:

1. Ислоҳ Каримов. Озод ва обод Ваган, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т., «Ўзбекистон», 2000 йил, 9-17-бетлар

2. Ислоҳ Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. – Т., «Ўзбекистон» 2005 й., 11-28 бетлар.

3. Ислоҳ Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва таракқиёт йўли. – Т., «Ўзбекистон», 1992 йил.

4. Ж.Гуленов. Жамият фалсафаси. Олтинчи бўлим – Т., 2001 йил, 9-12 бетлар.

5. Фалсафа. Ўқув кулланма – Т., «Шарк», 1999 йил, 258-262 бетлар.
6. Falsafa. Дарслик М.Ахмедованинг умумий тахрири остида, - Т., 2006 йил, 398-401 бетлар.
7. С.Э.Крапивенский Социальная философия.-Москва, «ВЛАДОС», 1998 йил, 191-214 -бет.

### **Таянч тушунчалар:**

Жамиятнинг сиёсий ҳаёти, сиёсий тизим, сиёсий онг, сиёсат, сиёсий фаолият, сиёсий институтлар, давлат, сиёсий партия, монархия, республика, унитар давлат, федератив давлат, конфедерация.

### **Назорат учун саволлар:**

1. «Жамиятнинг сиёсий ҳаёти» тушунчасининг маъносини шарҳланг.
2. Сиёсат нима?
3. Жамиятнинг сиёсий тизими нима? Унинг таркибига нималар кириди?
4. Давлат, унинг келиб чиқиши ва моҳиятини таҳлил қилинг.
5. Давлат ҳақидаги илмий-фалсафий қарашлар.
6. Давлатларнинг қандай шакли ва кўринишларини биласиз?
7. Демократия тушунчасининг мазмун-моҳияти.
8. Демократик давлат қандай хусусиятларига эга?

### **8-мавзу. Жамиятнинг маънавий ҳаёти.**

1. Жамиятнинг маънавий ҳаёти тушунчаси. Жамият маънавий ҳаётининг таркибий элементлари.
2. Жамият маънавий ҳаётида ворислик ва янгилашиш.
3. Ижтимоий онг жамият маънавий ҳаётининг асоси сифатида.
4. Маънавият. Маданият. Қадриятлар.
5. Президент И.Каримов асарларида жамият маънавий ҳаётини такомиллаштириш муаммолари.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти деганда кишиларнинг маънавий бойликлар яратиш фаолиятлари, унинг натижалари ҳамда маънавий бойликлар яратиш жараёнида шаклланадиган алоқа ва муносабатлар назарда тутилади.

Маълумки, ишлаб чиқаришсиз жамиятнинг ўзи бўлиши мумкин эмас, зотан ишлаб чиқариш кишиларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Ишлаб чиқариш фаолияти икки кўринишда намоён бўлади:

- 1) моддий ишлаб чиқариш фаолияти
- 2) маънавий ишлаб чиқариш фаолияти.

Маънавий ишлаб чиқариш деганда онг, ғоялар, қарашларни ишлаб чиқариш назарда тутилади.

Одамларнинг жамият бўлиб яшашга ўтиши мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, унинг натижасида маънавий ҳаётга кучли эҳтиёж пайдо бўлган, чунки одамлар муайян дунёқараш билан боғлиқ ҳолда намоён бўладиган маънавийсиз жамият бўлиб яшай олмайдилар. Жамиятнинг маънавий ҳаёт соҳаси кеьг камровли бўлиб, энг оддий туйғу, ҳис-ҳаяжон, тажриба, одатлардан тортиб, ижтимоий онгнинг барча кўринишлари ва даражаларини айна вақтда маънавий ҳаёт соҳасига онд ҳодисалар билан тақозоланган муассаса ва ташкилотларни ўз ичига қамраб олади. Жамият ҳаётининг барча соҳалари каби маънавий ҳаёт ҳам одамлар эҳтиёжлари туфайли вужудга келган. Жамиятнинг маънавий ҳаёти аввало дунёқараш билан бевосита боғлиқ. Мифологик ва диний дунёқараш одамларнинг маънавий эҳтиёжлари туфайли ўзидан-ўзи вужудга келган ҳамда тарихан улар маънавиятнинг қарор топишида муҳим роль ўйнаганлар.

Ҳозирги дунё маънавий маданиятида мифологик дунёқараш унсурлари мавжуд. Айна чоғда диний дунёқараш асосида шаклланган маънавият билан бирга илмий-фалсафий дунёқараш негизда ёнма-ён (параллел) мавжуд бўлган маънавият бор. Демак, маънавият дунёвий ва диний билимлар асосида шаклланади. Маънавият инсон ва жамият рухиятидаги умумийликни ифодалайди.

Замонавий жамият на фақат техника ва иқтисодиёт айна вақтда юксак маънавийликни талаб қилади. Маънавият ижтимоий ҳодиса ва умумий тушунча сифатида ўзига хос кўплаб хусусиятларга эга бўлиб, фалсафанинг таҳлил объекти ҳисобланади. Барча даврларда яшаган мутафаккирлар «рух», «маънавият», «маънавийлик» тушунчалари устида бош котирганлар.

Маънавият инсонларнинг ҳаётий тажрибалари ва ўзаро муносабатлари асосида шаклланади. Маънавият одамлар рухияти, ботиний дунёсининг ўзига хос ифодаси бўлиб ҳисобланади.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти деганда унда ишлаб чиқарилган хилма-хил қарашлар, ғоялар назарда тутилади.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти ўзига хос таркибий тузилишга эга. Унинг асосий элементлари деганда:

- а) маънавий фаолият;
- б) маънавий эҳтиёж;
- в) маънавий ўзлаштириш;
- г) маънавий муносабатлар назарда тутилади.

Маънавий фаолият ёки маънавий ишлаб чиқариш инсон фаолиятининг муҳим кўриниши бўлиб, кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган нарсаларни яратишни назарда тутати. Маънавий ишлаб чиқариш инсоннинг оламга фол муносабатини ифодалайди. Айна вақтда маънавий ишлаб чиқариш ўзининг бир қатор жиҳатлари билан моддий ишлаб чиқаришдан фарқланади.

а) Агар моддий ишлаб чиқариш натижалари нарсалар дунёсини ишлаб чиқаришга, моддий кадриятларни яратишга қаратилган бўлса,

маънавий фаолият натижалари ғоялар билимлар, маънавий кадриятларнинг шаклланишига олиб келади.

б) Моддий ишлаб чиқариш кишилар ҳаётига бевосита зарур нарсаларни яратишга йўналтирилгани ҳолда маънавий ишлаб чиқариш жамият ҳаёти учун оқибат натижада муҳим аҳамият касб этади.

в) Моддий ишлаб чиқариш натижалари бўлмиш маҳсулотлар предметли характерга эга бўлса, маънавий ишлаб чиқариш натижалари аксари ҳолларда, билим, ахборотлар шаклида намоён бўлади.

г) Маънавий ишлаб чиқариш жамият ҳаётининг бошқа барча соҳалари (иктисодий, ижтимоий, сиёсий) нинг янада такомиллашиб боришига хизмат қилади.

д) Маънавий ишлаб чиқариш ижтимоий фикрнинг шаклланишига хизмат қилади. Бунда ғоя, ғоявийлик муҳим ўрин тутлади.

е) Маънавий ишлаб чиқариш оламни назарий, рационал билиш асосида қурилади.

ж) Маънавий ишлаб чиқаришда ижоднинг устиворлиги кузатилади.

з) Маънавий ишлаб чиқариш унинг натижалари ҳисобланмиш ғояларни жамият ҳаётига ёйиш ҳам назарда тутилади.

Маънавий ишлаб чиқариш жараёни инсонни, унинг онгини ўстиради, бойитади. Айни вақтда одамларнинг маънавий эҳтиёжларини кондиритишга қаратилган билимлар, ғоялар, назариялар, бадий образлар ва бошқа маънавий кадриятларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлади.

Маънавий ва моддий ишлаб чиқаришни асло бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу яхлит ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро узвий боғлиқ 2 томонини ташкил этади.

Маънавий ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи муттасил ривожланиб боради. Дастлаб маънавий ишлаб чиқариш халқ ижодиётида ўз ифодасини топган.

Ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши маънавий ишлаб чиқариш соҳаларининг шаклланиши ва таракқиётига хизмат қилган. Шу асосда маънавий ишлаб чиқариш ихтисослашиб борган.

Маънавий ишлаб чиқариш жараёни, унинг натижасида яратилган жамики нарсалар: адабиёт, ахлоқ, тил, санъат, фан жамият маънавий ҳаётининг шаклланиши ва ривожланишига сабабчи бўлади.

Маънавий ишлаб чиқариш кенг маънодаги тушунча бўлиб, бу жараёнда:

а) образлар, ғоялар, назариялар яратилади.

б) инсоннинг ўзи ва жамият такомиллашиб боради.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти узвий бир-бирига боғлиқ жараёнлар тизимидан иборат. Бу тизимнинг асосий элементларини маънавий эҳтиёж-маънавий фаолият-маънавий ўзлаштириш тарзида ифодалаш лозим.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти маънавий эҳтиёжларни кондиритишга йўналтирилган. Маънавий эҳтиёж деганда, маънавий кадриятларни яратиш ва ўзлаштириш эҳтиёжи назарда тутилади. Инсон ўз табиатида кўра фақат



«корин ғами», «гирикчилик ташвиши» билангина яшай олмайди. Унда моддий эҳтиёждан кам аҳамиятга эга бўлмаган маънавий эҳтиёж ҳам бор. Бу эҳтиёж «руҳ эҳтиёжи» деб ҳам юритилади. Инсон ақлий етукликка, ахлокий баркамолликка интилади. У ўз табиатига кўра оламни тобора кўпроқ била боради, доимо гўзалликка интилади. Буларнинг ҳаммаси маънавий эҳтиёжга тааллуқли.

Инсоният жамияти таракқиётининг куйи боскичларида маънавий эҳтиёжлар моддий эҳтиёжлардан ажралмаган ва кишиларнинг кўндалик ҳаёти ва фаолияти билан тақозоланган ҳолда мавжуд бўлган. Моддий ишлаб чиқариш таракқиёти маънавий эҳтиёжлар учун дастлабки имкониятларни яратган даврдан бошлаб маънавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали маънавий эҳтиёжларни қондириш имкони яратилган.

Тарихан маънавий эҳтиёжлар моддий эҳтиёжлардан кейин шаклланган, лекин бундан маънавий эҳтиёж факат моддий эҳтиёжлардан келиб чиқади, деган бир ёклама хулосага келиш хатодир.

Маънавий ўзлаштириш, деганда маънавий қадриятлар: билим, тил, адабиёт, санъат, ахлоқ нормалари кабиларни истеъмол қилиш назарда тутилади.

Маънавий ишлаб чиқариш натижалари (билимлар, бадий ва ҳоказо ижод намуналари)нинг жамият ҳаётига кириб бориши-маънавий ўзлаштиришдир.

Жамият ўзаро бир-бири билан алоқа – муносабатга киришган кишилар жамоасидир. Жамият аъзолари орасида объектив тарзда юзага келадиган алоқа ва муносабатлар ижтимоий муносабатлар, деб юритилади. Кишилар орасидаги алоқа ва муносабатлар қанчалик хима-хил бўлмасин, улар икки асосий кўринишга эга:

- а) Моддий, иқтисодий муносабатлар
- б) Маънавий муносабатлар

Маънавий муносабатлар деганда ахлокий, сиёсий, ҳуқуқий, диний каби муносабатлар назарда тутилади.

Моддий, иқтисодий муносабатлар инсон онгидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда шаклланади. Маънавий муносабатлар онг орқали амалга ошади ва бунда жамиятдаги ғоялар, маънавий қадриятлар, маънавий муносабатларга ҳал қилувчи даражада таъсир кўрсатади.

Маънавий муносабатларнинг ўзига хос кўриниши – шахслараро муносабатлардир.

Жамият маънавий ҳаёти маънавият тушунчасида ўз ифодасини топади.

Маънавият – кишиларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳаётий тажрибалари давомида шаклланидиган ва ривожланидиган қадриятлар тизими.

Маънавият инсоннинг инсон бўлиб шаклланишига туртки берадиган буюк омил.

Маънавият кенг камровли тушунча бўлиб, у инсоннинг - ботиний дунёси, руҳияти, ўз-ўзини англаши;

- онглилиги, қобилияти, интилишлари;
- дид-фаросати, ақл-заковати, яхшиликни ёмонликдан, адолатни разолатдан, гўзалликни хунуқликдан, оқилликни жоҳилликдан ажрата билиш қобилиятини ифодалайди.

Айни вақтда маънавий жамиятга нисбатан жамият маънавияти сифатида қўлланади. Тил, адабиёт, санъат, диний эътиқод, фан, ахборот тизимлари, оммавий ахборот воситалари; таълим-тарбия жамият маънавиятини ифодалайдиган ижтимоий ҳодисалардир.

Жамият маънавий ҳаётининг асосини ижтимоий онг ташкил этади. Ижтимоий онг жамият ҳаёти-ижтимоий борлиқнинг инсон миясидаги инъикосидир.

Ижтимоий онг жамиятда яратилган хилма-хил ижтимоий қарашлар (ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, илмий ва х.к) тасаввурлар, ғоялар, назарияларни ўз ичига қамраб олади.

Ижтимоий онг жамият маънавий ҳаётини ўзида мужассамлаштирган мураккаб тизимли ижтимоий ҳодисадир. Ижтимоий онг мураккаб тузилишга эга. Ижтимоий онгнинг структурасига а) ижтимоий онг бошқичлари; б) ижтимоий онг даражалари; в) ижтимоий онг шакллари қиради. Ижтимоий онг бошқичларига қундалиқ ва назарий онг: даражаларига – ижтимоий руҳият ва ижтимоий мафқура, шаклларига-ахлоқий, фалсафий, эстетик, диний, сиёсий, ҳуқуқий онг қиради. Шунингдек, ижтимоий онгнинг махсус шакллари бор. Бу – фан ва фалсафа.

Ижтимоий онг жамиятда кечадиган ўзгаришлар, жараёнларни англаш орқали шаклланади.

Жамият маънавий ҳаётида амал қиладиган умумий қонуният, бу - ижтимоий онгнинг ижтимоий борлиқдан нисбий мустақиллигидир.

Бу қонуннинг амал қилиши ижтимоий онг ва борлиқнинг бирлиги ва узвий алоқадорлигида, ижтимоий онг таракқиётидаги ворислилиқда, ижтимоий онгнинг жамият ҳаётига фаол таъсирида намоён бўлади.

Республика Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш концепциясининг муҳим томонини жамият маънавиятига дахлдор муаммолар ташкил этади. У «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва таракқиёт йўли» асарида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий ахлоқий негизлари устида тўхталиб, Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантириш тўртта негизга асосланишига эътибор қаратди. Булар:

- умуминсоний кадрятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, инқисод, сиёсат, мафқура – Т., «Ўзбекистон». 1993 йил. 74-бет.

Мамлакатимизда миллий маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлиги жамият тараққиёти ва инсон камолотига хизмат қилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. – Т., «Ўзбекистон», 1994 йил.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., «Шарқ», 1998 йил.
3. Туленов Ж. Жамият фалсафаси. – Олтинчи бўлим. – Т., 2001 йил, 31-40-бетлар.
4. Туленов Ж. Диалектика назарияси. – Т., «Ўзбекистон», 2001 йил, 252-261-бетлар.
5. С.Э.Крапивенский. Социальная философия.-Москва, «ВЛАДОС», 1998 йил, 215-258- бетлар.
6. Фалсафа Комусий лугат. – Т., Шарқ, 2004 йил.
7. Туленов Ж., Кодиров Б., Гофуров З. Маънавий юксалиш сари. – Т., «Меҳнат», 2000 йил.
8. В.С.Барулин. Социальная философия.-Москва, ФАИР-ПРЕСС, 1999 йил, 186-202 бетлар.
9. Falsafa. – Tashkent, 2006 y., 388-393 betlar.

#### ***Таянч тушунчалар.***

Жамиятнинг маънавий ҳаёти, маънавият, маънавий эҳтиёж, маънавий ишлаб чиқариш, маънавий ўзлаштириш, маънавий муносабат, ижтимоий онг.

#### **Назорат учун саволлар.**

1. «Жамиятнинг маънавий ҳаёти» деганда нимани тушунасиз?
2. Жамият маънавий ҳаётининг асосини нима ташкил этади?
3. Маънавий эҳтиёжга нималар қиради?
4. Маънавий ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нима биласиз?
5. Ижтимоий онгнинг моҳияти ва тизимининг таҳлил қилинг.

#### **9-мавзу. Фан**

1. Фаннинг моҳияти.
2. Фан тараққиёти тарихи.
3. Марказий Осиё мутафаккирларининг фан тараққиётига қўшган хиссалари.
4. Фан тараққиёти қонунлари.
5. Фан ва жамият.

Фан тушуничасини турли-туман изохлаш мумкин. Аввало фан ижтимоий онгнинг махсус шакли бўлиб, унда табиат, жамият, инсон рухий олами тушунчалар, қонунлар, назариялар шаклида ифодаланали.

Фан дунё, шу жумладан одамнинг ўзи тўғрисидаги объектив билимларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган, юксак даражада ташкил этилган ва ихтисослаштирилган фаолият натижаси ҳисобланади.

Фан дунё ҳақидаги объектив билимлар тизимидан иборат. Фаннинг асл моҳиятини ёритмоқ учун унинг қуйидаги жиҳатларини ҳисобга олиш лозим бўлади: Биринчидан, фан ижтимоий онгнинг махсус шакли ҳисобланади. Фаннинг мазмунида инсонни ўраб олган оламнинг моҳияти, ўзига хос жиҳатлари, хосса-хусусиятлари акс этади. Инсон энг қадимий даврлардан бошлаб ўзи яшаётган, уни ўраб олган дунёни тушунишга ҳаракат қилган ва шу асосда энг қадимий даврлардан бошлаб инсон онгида объектив олам ҳақидаги билимлар шаклланган. Иккинчидан, фан оламни ўзлаштиришнинг олий усули ҳисобланади. Билимлар объектив мазмунга эга, чунки улар объектив оламнинг инсон онгидаги субъектив инъикосидан ҳосил бўлади. Фаннинг ижтимоий онгнинг махсус шакли сифатидаги хусусиятлари аввало оламни илмий билиш хусусиятларида ўз ифодасини топади. Инсон оламга фаол муносабатда бўлмасдан, оламни билмасдан туриб, ҳаётини тўғри изга солиб олиши кийин. Инсоннинг олам ҳақидаги билимлари:

- а) кундалик амалий фаолият жараёнида ҳамда
- б) илмий билиш асосида ҳосил бўлади.

Илмий назарий билиш натижалари фаннинг мазмунида акс этади. Илмий билиш оламни билишнинг бошқа кўринишларидан ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади:

- Аввало фан оламни, ундаги нарса ва ходисаларни чуқур атрофлича билишнинг тақозо этади.

- Илмий билишдан кўзда тутилган мақсад чин билимлар, илмий ҳақиқатларни ҳосил қилишдан иборат. Чин билим деганда нарса, ходиса жараёнлар ҳақидаги билимларнинг объектга мувофиқ келиши назарда тутилади.

- Илмий билимларни ҳосил қилиш учун махсус илмий методлардан фойдаланиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам фаннинг мазмунида объектив оламдаги нарса ва ходисалар акс этиши билан бир қаторда, илмий билимларни ҳосил қилиш усуллари ҳам ишлаб чиқилган бўлади.

- Илмий изланиш натижалари илмий билиш шаклларида – муаммо, қонун, илмий фараз, назария, кашфиёт, таълимотларда акс этади.

- Илмий билимларнинг ўзига ҳослиги уларнинг тизимлилиги, яхлитликни ташкил этишида намоён бўлади.

- Фанда илмий билимларнинг чинлигини синаб кўришнинг махсус усуллари ишлаб чиқилади.

- Илмий билимлар – қонун, категория, тушунчалар ҳамда назария, таълимотлар ўзига хос илмий тилда баён этилади. Илмий тил деганда табиий ва сунъий тил воситаларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Фан маънавий маданиятнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Илмий изланишдан кўзда тутилган мақсад, илмий билимларни ҳосил қилишдир. Илмий билимларнинг шаклланиши ва таракқий этиши мураккаб ижодий жараён бўлиб, унинг келиб чиқиши илмий муаммога бориб тақалади. Ҳар қандай илмий изланиш илмий муаммони қуйишдан бошланади. Илмий муаммо муайян назарий масалани ҳал қилишда у ҳақдаги мавжуд билимнинг етарли эмас эканлигини англашдан келиб чиқади.

Тадқиқот жараёнида ўрганилаётган объект ҳақида дастлабки илмий далиллар тўпланади. Илмий далиллар у ёки бу даражада таҳлил қилиниши, ишлаб чиқилиши оқибатида илмий тахмин (гипотеза) илгари сурилади. Тасдиқланган, исботланган илмий тахмин – илмий назарияда ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, фан маънавий бойликлар яратишнинг махсус кўриниши сифатида инсоннинг олам ҳақидаги илмий билимларида – муаммо, илмий тахмин, назария, таълимотларда ўз ифодасини топади.

Фаннинг муҳим томонларидан бири унинг мураккаб таркибли ижтимоий институт эканлигидадир:

Фан мураккаб тузилишга эга ижтимоий институт деганда қуйидагилар назарда тутилади.

1) илмий изланиш олиб борадиган, янги илмий билимларни қўлга киритиш лозим бўлган олимлар;

2) илмий фаолиятда кооперациянинг мавжудлиги;

3) илмий билимлар шаклланишига туртки берадиган илмий ахборотнинг етарли бўлиши;

4) илмий фаолиятни мужассамлаштирадиган, бошқарадиган махсус илмий муассаса ва ташкилотлар;

5) лаборатория тадқиқотлари учун махсус жиҳозлар, асбоб-ускуналар, приборлар.

Фан илмий билимларни ҳосил қилишнинг энг умумий ижтимоий шакли бўлиб ҳисобланади. Илмий билимлар индивидуал ва жамоа фаолияти натижасида шаклланади ва ривожланади.

Илмий билимларни ҳосил қилиш мураккаб жараён бўлиб, унинг моҳияти илмий билимлар динамикасида ифодаланadi. Бу билмасликдан билишга, номукамал билишдан мукамаллик сари боришдан иборат мураккаб жараён бўлиб, ўзаро бир-бири билан алмашиб турадиган эмпирик ва назарий даражада ўз ифодасини топади.

Ҳозирги замон фанининг муҳим томонларидан бири – бу унинг бевосита ишлаб чиқарувчи қучларга айлана олишидир. Фан ва ишлаб чиқариш орасидаги ўзаро алоқадорлик ҳар бир тарихий даврда турлича бўлган. Масалан; олам ҳақидаги дастлабки илмий билимлар кишиларнинг бевосита амалий фаолиятларидан, кундалик эҳтиёжларидан келиб чиққан. Қадимий даврларда фан ишлаб чиқаришга сезиларли даражада таъсир

кўрсатмаган, бу таъсир жуда нари борганда меҳнат қуролларини аста-секин ўзгариб бориши да намоён бўлган. Унинг устига назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш имкониятлари ҳам чекланган эди.

XVIII-XIX асрлардан бошлаб фан ва ишлаб чиқариш ўзаро яқинлаша бошлади. Бу янгича даврнинг бошланиши буг машинаси ва электрнинг кашф қилиниши билан боғлиқ эди. Энди фан ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ривожлана бошлади. Бу ҳол фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланишига имконият яради. Фанлар, айниқса табиатшунослик фанлари соҳасидаги қўлга киритилган ютуқлар ишлаб чиқаришнинг янги ҳозирги замон соҳаларининг пайдо бўлишига олиб келди. Энергетика, электроника, кимё, радиотехника, ракетотехника каби соҳалар айнан фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучларга айланаётганлигидан далолат беради. Фан таракқиёти оқибатида табиатда бўлмаган янги нарсалар, меҳнат предметларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Синтетик тола, сунъий олмос, ўтга ўта чидамли металл куймалари ва ҳоказолар бунга мисол бўла олади.

Инсониятнинг XXI асрга кадам қўйиши «глобализация» деб номланган мутлако янги ижтимоий вазият билан бевосита боғлиқ. Глобаллашув ва фан-техника таракқиёти оқибатида ахборотлашган жамият вужудга келди. Глобаллашув жараёни фан-техника таракқиётида янги даврни бошлаб берди. Бу, аввало, фан-техника таракқиётининг мазмунидаги катта ўзгаришларда ўз ифодасини топди. Микроэлектроника, информатика, биотехнология, ирсий муҳандислик (ген инженерияси) термоядро синтезини ўзлаштириш илмий соҳалари жадал ривожлана бошлади. Ҳозирги замон фан-техника таракқиёти дунёда электрон-компьютер ва биотехнологик инқилобни яратди. Ахборот айниқса илмий ахборот ҳозирги замон ахборот жамиятининг энг катта ижтимоий бойлиги ва таракқиёти манбаига айланди.

Ҳозирги давр фани техника, ишлаб чиқариш таракқиётидан ўзиб кетмоқда, бу ҳол ундаги янги йўналишлар, соҳалар, технологияларнинг вужудга келишида намоён бўлмоқда. Ахборот ва нанатехнологиялар каби тамомила янги соҳалар бунга мисол бўла олади.

Фан яхлитликни ташкил этувчи илмий билимлар тизими сифатида ўзига хос тузилишга эга. Бу фанлар классификациясида ўз ифодасини топади. Фанларни турли асосларга кўра туркумлаш мумкин. Предметиға (нимаға ўрганишиға) қараб фанларни а) табиат б) жамият в) тафаккур ҳақидаги фан туркумларига бўлиш мумкин. Техника фанларини олимлар алоҳида туркумға ажратадилар.

Билим билан амалиёт орасидаги алоқадорлик хусусиятларига кўра фанларни 2 гуруҳға бўлиш мумкин: а) фундаментал; б) амалий фанлар.

Фаннинг шаклланиши ва таракқиёти жамият таракқиёти билан бевосита боғлиқ.

Фаннинг шаклланиши ва таракқиёт босқичлари деганда куйидагилар назарда тутилади:

- 1) Фан шакллангунига қадар дастлабки билимларнинг шаклланиши;
- 2) Қадимги дунёда фан;
- 3) Марказий Осиёда илмий билимлар таракқиёти.
- 4) Ғарб Уйғониш даврида фан таракқиёти (XV-XVII асрлар);
- 5) XVIII-XIX асрлар классик фаннинг шаклланиши;
- 6) XX асрнинг I ярми ноклассик фан;
- 7) XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳозирги замон фани шакллана бошлади.

Энг қадимий даврлардан бошлаб одам зоти ўз атрофидаги оламни англашга интилган. Дастлабки билимлар илдизи одам амалиётига бориб тақалади. Яъни ибтидоий одамлар – питекантроплар даставвал кўпол бўлса-да, оддий тош қуроллар ясашга ўтганлар. Фалсафа фанининг инкор категориясида ўз ифодасини топган қонуний алоқдорликлар, боғланишлар туфайли бу содда қуролларни инкор этиш ва айни чоғда ворисликни сақлаш орқали одамзотнинг кейинги типлари синантроп, неандерталлар кундалик турмуш асбоблари ва ов қуролларини такомиллаштириб бордилар. Жамият бўлиб яшашга ўтган ва ривожланган нутқ тилига эга қроманьон типидagi одамлардан бошлаб, содда илмий тасаввурлар вужудга кела бошлади. Кейинчалик овчилик, қорвачилик, деҳқончилик ва хунармандчилик билан боғлиқ равишда амалий характердаги билимлар шакллана бошлади.

Қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой ва Марказий Осиёдаги илк цивилизация астрономия, математика, биология, тиббиёт соҳасида кўпгина билимлар, аниқроғи, табиий-илмий тасаввурларнинг шаклланишига олиб келди. Бирок бу билимлар ҳали фан даражасига, назария даражасига кўтарилмаган эди. Улар бевосита кўзга ташланиб турадиган воқеа-ҳодисалардан чиқарилган ҳулосалар шаклида мавжуд эди. Яна ҳам аниқроқ айтганда, бу билимлар дастлабки тўпланган тажрибалар ифодаси эди. Оқибат натижада йиғилган билимлар юнон фани ва фалсафасининг вужудга келишига замин яратди.

Дастлабки илмий билимлар тизими Европада бундан 2500 йил олдин шаклланди. Бу қадимий Юнонистонда шаклланган илмий билимлар тизими эди. Қадимги Юнон олимлари Фалес, Анаксимандр, Анаксиман, Пифагор ва бошқалар табиат ҳақидаги дастлабки илмий билимлар тизимини яратдилар. Натижада математика, физика, биология, психология, астрономия, медицина ва бошқа фанлар учун назарий замин яратилди. Бу илмий билимлар Платон академиясида, Аристотель лицейларида, Пифагор мактабларида ўқитилди.

Илм-фан ривожига қадимги Хитой ва Ҳиндистон олимлари ҳам хисса қўшганлар. Илмий билимларнинг шаклланиши ва таракқиётига Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк алломалар баракали хисса қўшдилар. Ватандошимиз Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди. Аҳмад Фарғоний астрономия фани таракқиётига қатта хисса қўшди. У осмон жисмлари ҳаракати тўғрисидаги таълимотни яратди;

техник қурилмалар ишлаб чиқди. Фарғоний география ва геодезия фанларини ривожлантирди.

Марказий Осиёдаги илмий билимлар таракқиёти 1004 йилда ташкил топган дастлабки илмий даргоҳ – Хоразм Маъмур академияси фаолияти билан бевосита боғлиқ. Бу академия дунёда «Мажлиси Уламо» номи билан машҳур бўлган ва унда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Саҳл Исо ал-Масихий каби кўплаб олимлар илмий фаолиятлари билан машҳур бўлган. Улар математика, астрономия, рухийат, мантик, мусиқа, киме, география, механика сингари турли фан соҳалари билан шуғулланиб, фанларнинг келгуси таракқиётига замин хозирлаганлар. Ватандошларимиз Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек асос солган турли илм соҳалари XVI асрга келиб, Фарб Уйғониш даври фанининг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Фан тарихи билан шуғулланувчи айрим олимлар фикрича, хақиқий классик фаннинг шаклланиш ва таракқиётга Европа Уйғониш даври: XV-XVI асрларга тўғри келади.

XV-XVI асрлардан бошлаб фанлар, айниқса табиётшунослик фанлари жадал ривожлана бошлади.

Николай Коперник томонидан кашф қилинган гелиоцентрик назария, Иоганн Кеплер, Галилео Галилей, Исаак Ньютон, Р.Гук, Л.Эйлер каби олимларнинг фан соҳасида қўлга киритган ютуқлари, классик механика, экспериментал табиётшунослик каби фанларнинг шаклланиши хақиқий илмий таракқиёт эди ва бу, фан ривожиди янги давр-классик фан даври бошланганидан далолат берар эди.

Бу давр илмий фаолиятни уюштиришга йўналтирилган махсус илмий муассаса ва ташкилотларнинг пайдо бўлиши билан характерлидир. Лондон қироллик Академияси, Париж академиясининг ташкил топиши бунга далил бўла олади.

Таъқидлаш жоизки, дастлабки академия қадимий Юнонистонда эрамиздан аввалги V асрда ташкил топган ва Платон академияси, деб юритилар эди. IX асрлардан эътиборан араб-мусулмон оламида юзага келган ҳурфикрлилик натижасида даставвал Боғдолда «Байтул илм» ва 1004 йилда Хоразмда Маъмур академияси ташкил топди. Лекин сиёсат ва мафкурада ислом ақидапарастлиги майли кучайиб бориб, илм-фан йўлига сунъий тўсиқлар қўйилгач, бу академиялар ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлди.

Илмий билимларнинг узлуксиз ривожланиб бориши янги ўзига хос илмий муассаса ва ташкилотларнинг шаклланишига сабабчи бўлди. Фаннинг махсус уюшган муассаса ва ташкилотлари деганда академиялар, илмий текшириш институтлари, илмий марказлар, илмий жамиятлар, лабораториялар назарда тутилади.

Дастлаб илмий жамиятлар, академиялар фаолияти йўлга қўйилди. Улар томонидан илмий журналлар таъсис этилди. Кейинчалик, айниқса



XX асрга келиб кўшлаб илмий-тадқиқот институтлари, илмий лабораториялар ташкил топа бошлади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида фанлар тараққиёти янги – ноклассик фан босқичида ўз ифодасини топди. Бу босқич А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, квант назарияси билан бевосита боғлиқ эди.

XX аср ўрталаридан илмий-техника инкилоби бошланиб, фан ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

Фаннинг ўрни тобора ошиб бораётганини ҳозирги замон жамияти янги информация босқичга ўтганлигидан ҳам билса бўлади.

Бу давр фаннинг тамомила янги соҳалари (квант физикаси, кибернетика, информатика, молекуляр генетика, ген инженерияси, биотехнология ва ҳ.к.)нинг пайдо бўлганлиги, фаннинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг бекиёс ортганлигидан далолат беради.

Фан узлуксиз янгиланиб, ривожланиб борадиган мураккаб ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Фан тараққиётида ўзига хос қонулар амал қилади.

Авалло илмий билимлар тараққиётида ворислилиқ – уларнинг ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб, мукамаллашиб бориши кузатилади. Ган шундаки, янги билимларнинг пайдо бўлиши билан эски билим йўқолмайди, батки фан захираларидан жой олади. Бу захираларга янги билимларнинг қўшилиб бориши фанлар мазмунидаги ўзгариш ва ривожланишга асос бўлади. Ҳар бир даврда ҳосил бўлган билим келгуси янги билимлар учун асос вазифасини ўтайди. Фан тараққиётининг ҳар бир тарихий босқичида ҳосил қилинадиган янги билимлар шу даврга хос илмий ғояларга асосланади. Масалан, классик фан механика қонунарига таянган. Ноклассик фан тараққиёти нисбийлик назарияси, квант механикасига асосланади.

Фан тараққиёти ҳар бир босқичда муайян илмий билиш усулларига таянади. Масалан, антик даврда илмий билим ҳосил қилишнинг қузатув методидан, шунингдек, мантиқий усулларидан фойдаланилган.

Янги даврда фан янгиликлари экспериментал методларга асосланган ҳолда қўлга киритилди. Ҳозирги давр фанида илмий билимларни ҳосил қилишнинг мавжуд усуллари билан бир қаторда, янги усуллари, методлари қўлланмоқда. Ана шундай услубларга синергетика мисол бўла олади.

Фан тараққиётининг энг муҳим қонуниятларидан бири илмий билимлардаги дифференциялашув ва интеграциялашувдир. Инсон оламнинг моҳиятига қанчалик чуқурроқ кириб боргани сари, унинг билимлари тобора ортиб боради ва шу асосда фаннинг янги-янги соҳалари пайдо бўлади. Масалан, дастлаб физика фани механика, астрономия фанлари сифатида мавжуд бўлган. Физика соҳасидаги билимларнинг ривожланиб бориши бу доирада янги фан соҳалари – қаттиқ jismlar физикаси, молекуляр физика, плазма физикаси кабиларнинг шаклланишига туртки берди. Ҳозирда ҳар бир фан қўндан-қўп соҳалардан иборат. Масалан, тиббиёт фани доирасида 300дан ортиқ мустақил илмий соҳалар мавжуд. Илмий билимлар тараққиёти фанлар соҳаларининг ўзаро бир-

бирига яқинлашуви заруратини келтириб чиқаради ва бу яқинлашув интеграция жараёни деб юритилади. Геохимия, гидродинамика, биофизика, ген инженерияси, биотехнология, астрофизика фандаги интеграция жараёнлари махсули сифатида шакллланган янги соҳалардир.

Фан таракқиёти жараёнида унинг жамиятдаги ўрни ҳам ўзгариб боради. XIX аср охирига қадар фан ишлаб чиқаришга нисбатан секинроқ таракқий этгани учун ҳам ишлаб чиқаришга таъсири етарли даражада сезилмаган. XX асрда фан таракқиёти техника таракқиётидан ўзиб кета бошлади. Бу ҳол оқибатда, фан-техника ишлаб чиқаришдан иборат ягона тизимнинг шаклланишига олиб келди, фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлана бошлади. Бу жараён ҳозирги даврда янада кучайди. Фаннинг жамият ҳаётининг барча соҳалари билан алоқаси, жамиятга таъсири янада ортади. Ҳозирда жамиятнинг илмий билимлар таъсиридан холи бўлган бирон-бир томонини топиш мушкул. Фан тобора жамият ҳаёти ва таракқиётининг етакчи омилига айланиб бормоқда.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари. – Т., «Ўзбекистон» 1997 йил, 258-266 бетлар.
2. Каримов И.А. Барқамол авлод - Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. – Т., «Ўзбекистон» 1997 йил.
3. Омонулла Файзуллаев. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Т., «Фалсафа ва ҳуқуқ» нашриёти, 2006 йил.
4. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Т., 2005 й., 7-122 бетлар.
5. С.Э.Крапивенский. Социальная философия. – Москва, «ВЛАДОС» 1999 г., стр. 258-281.
6. Фалсафа асослари. – Т., «Ўзбекистон» НМИУ, 2005 йил, 328-337 бетлар.
7. Falsafa – Т., 2006 й., 323-325 бетлар.
8. Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм-фани таракқиётидаги ўрни. – Т., 2007 йил.

#### *Таянч тушунчалар:*

Фан, техника, ишлаб чиқариш, инофрмацион жамият, фундаментал фан, амалий фан, дифференциялашув, интеграциялашув.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Фан тушунчасининг моҳияти.
2. Фаннинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Фаннинг шаклланиши ва таракқиёти қандай даврларни ўз ичига олади.
4. Нима сабабдан фан ижтимоий онгнинг махсус шакли ҳисобланади?

5. Фан – ижтимоий институтлар тизими, деганда нима назарда тутилади?
6. Фан ва жамият орасидаги диалектик алоқадорликни қандай тушунасиз?
7. Фанда дифференциация жараёнлари қандай кечади?
8. Илмий билимлар интеграцияси нималарда намоён бўлади?

## 10-мавзу. Маданият ва кадриятлар

1. Маданият тушунчасининг мазмун-моҳияти. Моддий ва маънавий маданият.
2. Маданиятнинг жамиятда тутган ўрни. Маданиятда миллийлик ва умуминсонийлик.
3. Кадриятлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари.
4. Кадриятлар тизими. Кадриятлар – инсон – жамият.

Маданият мураккаб, серқирра ижтимоий ходиса. У бир қатор фанларнинг ўрганиш объекти бўлиб ҳисобланади. Масалан, палеонтология, археология ўтмишда яшаган кишилар фаолияти натижасида вужудга келган предметлар, ёдгорликлар, осори-атикаларни ўрганади. Этнография маълум бир халқнинг маданиятини ўрганади.

Ижтимоий фалсафа маданиятни яхлитликдан иборат ижтимоий ходиса сифатида ўрганади. Маданият атамаси кўп маъноларга эга – экин экиш, қайта ишлов бериш, асраш, авайлаш, маълумот, таълим-тарбия, тараккиёт. Маданият инсонни бошқа барча табиий-биологик дунёдан ажратиб туради.

Маданият тушунчасини айрим олимлар арабча «мадина» ва «ият» сўзларининг қўшилишидан келиб чиққан ва у «шаҳарга оид» маъносини англатади, деб ҳисоблайдилар. Европалик олимлар маданият тушунчаси «культура» сўздан келиб чиққан, у парваришлаш маъносини билдиради, деган фикрни илгари сурадилар. Маданият ўзбек тилида тарбия кўрганлик, билимлилик, сифатлилик маъноларида ишлатилган.

Маданият инсон ва жамият ижодий фаолиятининг барча кўринишлари, унинг оқибатида яратилган жаъми моддий бойликлар ва маънавий кадриятларни ўз ичига камраб олади.

Маданият тушунчасига хилма-хил таърифлар берилган. XX асрнинг 50-йилларида америкалик олимлар Анри Кребер ва Антоне Клакхонлар маданият тушунчасига берилган таърифлар 164 та эканлиги ҳақида фикр билдирганлар. Олимлар О.Г.Данильян ва В.М.Тараненко ҳозирги даврда маданият тушунчасига берилган таъриф 500 атрофида, деб ҳисоблайдилар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Каранг: О.Г.Данильян, В.М.гараненко. Философия – Москва, «ЭКМО» 2005 г., стр. 398.

Маданият тушунчасида:

а) одамзотнинг яратувчилик фаолияти, бу фаолиятнинг услублари ва воситалари;

б) одам фаолиятининг натижалари ифодаланади.

Одамларнинг фаолияти моддий ва маънавий турларга бўлинади.

Шунга кўра маданият 2 кўринишда намоён бўлади:

1) моддий маданият;

2) маънавий маданият.

Моддий маданият деганда, одамзот томонидан яратилган жаъми моддий бойликлар назарда тутилади. Мехнат қуроллари ва воситалари, техника, технология, турмушнинг моддий шарт-шароитлари ва ҳ.к.

Маънавий маданият деганда, маънавий кадриятларни ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмол қилиш соҳалари назарда тутилади.

Маънавий маданият таркибига:

а) одамзот маънавий фаолиятининг барча кўринишлари;

б) бу фаолиятининг барча натижалари: фан, фалсафа, санъат, сиёсат, ҳуқуқ, таълим-тарбия, дин, давлат ва жамиятни бошқариш ва ҳ.к.;

в) муассасалар ва ташкилотлар: мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлиари, театр, кино, музей, кутубхона, концерт заллари ва хоказолар қиради.

Моддий ва маънавий маданият орасига қатъий чегара қўйиш, уларни бир-бирдан ажратиш мумкин эмас. Мехнат қуролини яшаш моддий эҳтиёждан келиб чиқади ва моддий ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ҳисобланади. Айни вақтда мехнат қуролини билимсиз яшаш мумкин эмас.

Маънавий маданият ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади. Жамиятнинг тараққиёт даражаси маънавий маданиятда намоён бўлади.

Одам гўдаклик чоғиданоқ маданият таъсири остида яшайди. Одам таълим-тарбияси деганда, аввало уни маданиятли инсон сифатида камол топтириш назарда тутилади. Таълим-тарбия жараёнида одам инсон (жамиятлашган индивид)га айланади.

Одам тушунчасида биосоциал мавжудот англанади, яъни унда биологик эҳтиёжларни қондириш учун кураш биринчи ўринда туради. Инсон деганда ўзи яшаётган жамият ва давлат қонун-қоидалари, тартиб-интизомлари, одоб-ахлоқ маром (норма)лари доирасида ўз биологик эҳтиёжларини қондирадиган, уни ногаҳон бузиб қўйса, виждон азобида қолиб, ўзини-ўзи кечира олмайдиغان индивидлар тушунилади.

Маданиятни турли асосларига кўра туркумлаш мумкин: миллий (ўзбек маданияти, рус маданияти ва ҳ.к.); минтақавий (славянлар маданияти, туркий халқлар маданияти, африкаликлар маданияти ва ҳ.к.). Тарихий давр нуктаи-назаридан маданиятни антик умуминсоний маданият, ўрта асрлар даври маданияти каби турларига бўлиш мумкин. Жамият ҳаётининг турли соҳаларига тағбиқан, сиёсий маданият, иқтисодий

маданият, ҳуқуқий маданият ҳақида фикр юритиш мумкин. Айни вақтда маданиятнинг ўзига хос турлари: оммавий маданият, ёшлар маданияти, элита маданияти, ишчилар маданияти каби турлари мавжудлигини эътиборга олмак лозим. Маданиятнинг жамиятдаги функция (вазифа)лари:

- а) ғносеологик;
- б) яратувчилик;
- в) коммуникативлик;
- г) норматив функция;
- д) тарбиявий.

Маданиятда инсоният тажрибаси мужассамлашган бўлади ва у, аввало, билимлар, малакалар, кўникмалар шаклида намоён бўлади. Уларни ўзлаштириш маданиятнинг ғносеологик функциясини ташкил этади.

Маданият кишилар ижодий фаолиятининг муҳим омили ҳисобланади. Илмий изланишлар олиб бориш, санъат соҳасида фаолият кўрсатиш маданиятнинг яратувчилик функцияси моҳиятини ташкил этади.

Маданият ижтимоий ҳаёт тажрибасини бир авлоддан иккинчи авлодга етказишнинг қудратли воситаси ҳисобланади. Маданият анъаналар тарзида авлодлар томонидан ўзлаштирилади ва шу асосда авлодлар алоқадорлиги таъминланади. Ижтимоий тажрибани авлодларга сингдириш маданиятнинг коммуникатив функциясини ташкил этади.

Ҳаётнинг барча жабхаларида - меҳнатда, турмушда, шахслараро муносабатларда маданият кишилар хулқ-атворида таъсир кўрсатади, уларнинг ҳатти-харакатини бошқаради. Бу, маданиятнинг норматив (тартибга солиш) функциясини ташкил этади. Норматив функция ахлоқда, ҳуқуқда ўз ифодасини топади.

Маданият туфайли одам инсонга айланган. Одамда тириклик соҳасининг бир тури сифатида ўсимликлар ҳамда хайвонларга хос барча хусусиятлар мавжуд. Ёввойи ўсимлик ўзидан-ўзи ҳам ўсиб, ривожланаверади. Маданий ўсимликлар эса мунгазам парваришни такозо этади. Маданиятнинг тарбиявий функцияси одамнинг инсон (жамиятлашган индивид)га айланишига имкон беради.

Маданият туфайли инсон камолотга интилади, инсонда энг юксак инсоний хислатлар шаклланади. Маданият инсонийликнинг меъёри ва кўрсаткичи ҳисобланади. Бу маданиятнинг инсонпарварлик функциясидан далолат беради.

Жамият таракқиётининг қайси соҳаси ҳақида гая кетишидан катъий назар бу таракқиётда асосий ўринни, инсон ва унинг маданий юксалиш даражаси ҳал қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Фалсафанинг энг муҳим муаммоларидан бири – қадриятлар муаммосидир. Қадриятлар муаммоси фалсафа тарихида қадимдан мавжуд бўлган. Қадимий Юнон файласуфлари Сукрот, Платон эзгулик, яхшилик, адолат, фаровонлик қадриятлари ҳақида фикр юритганлар. Аристотель адолат, бахт юксак қадриятлар эканлигини таъкидлагани ҳолда, уларни нисбий характердалиги, улар инсоннинг оқиллигига боғлиқлиги ҳақида

фикр юритган. Ўрта асрларда кадриятлар илохий мазмунда тахлил қилинган. Уйғониш даври фалсафий қарашларида инсонпарварлик, хурфикрлилик кадриятларига алоҳида диққат қаратилган.

XIX асрдан бошлаб кадриятлар назарияси ишлаб чиқилди. Кадриятлар тўғрисидаги таълимотни ифодалайдиган аксиология термини XIX асрнинг иккинчи ярмида француз файласуфи П.Лапи ва немис олими Э.Гартманлар томонидан истеъмолга киритилди.<sup>1</sup> Аксиология – кадриятлар фалсафаси фани сифатида XX асрнинг охирида шаклланди.

Кадриятлар тўғрисидаги таълимот кадриятшунослик, кадриятлар фалсафаси – аксиология, деб юритилади.

Барча тур ва кўринишдаги кадриятлар, улар орасидаги узвий алоқдорлик, кадриятларнинг жамиятдаги ўрни масалалари аксиология фанининг предметини ташкил этади.

Кадриятлар нима? Бу тушунча кадр-қиммат тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Кадриятлар кишилар кадрлайдиган нарсаларга нисбатан ишлатилади.

Фалсафа қомусий лугатида кадриятлар жамият, инсон, инсоният учун ахамиятли бўлган барча нарса ва ҳодисалар, ҳислат ва фазилатлар жамулжами деб таъриф берилган.<sup>2</sup>

Академик Ж.Туленовнинг фикрича, кадрият дейилганда инсон ва инсоният учун ахамиятли бўлган, миллат, эл ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамиятдаги барча нарса, ҳодисалар мажмуи тушунилмоғи лозим.

Кадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Кадриятлар тушунчасида унга хос хусусиятлар акс этган.

1. Кадриятлар ўз моҳиятига кўра ижтимоий. Нарсаларнинг ўзи мустақил равишда кадрият бўла олмайди. Жамият бўлмаса, кадрият ҳам йўқ. Кадриятлар доимо инсон кадриятларидир. Шунинг учун ҳам инсон билан алоқдорликда бўлгандагина, нарсалар кадрли бўла олади.

2. Кадриятлар инсоннинг амалий фаолияти жараёнида юзага келади. Инсон ва унинг маълум натижага эришишга йўналтирилган фаолияти унинг учун ахамиятли, кадрли.

3. Ҳар қандай нарса 2 хил хусусиятга эга. Биринчи – нарсанинг нимага кераклиги, иккинчиси унинг инсон эҳтиёжларига қай даражада алоқдорлиги. Нарсалар ўзидан-ўзи кадрли бўла олмайди. Улар кишиларнинг турмуши ва маданиятини бойиталиган неъматлар бўлсагина, одамнинг бирон-бир эҳтиёжини қондирагина, кадрли бўла олади. Демак, унинг кадрли-кадрли эмаслиги инсонга, унинг муносабатига боғлиқ.

4. Кадриятлар объектив моҳиятга эга. Кадрият ўз-ўзидан эмас, инсоннинг предметли – амалий фаолиятидан келиб чиқади.

<sup>1</sup> Фалсафа. Қомусий лугат. – Т., «Шарқ» 2004 йил, 17-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар 17-бет.

Кадриятларни, турли асосларга кўра, муайян турларга ажратиш мумкин: Жамият ҳаётининг соҳаларига тааллуқли бўлиш нуктан-назаридан кадриятларнинг: а) моддий; б) ижтимоий-сиёсий, в) маънавий турларини кўрсатиш мумкин.

Моддий кадриятлар ичида табиий кадриятлар муҳим ўрин тутди. Табиий кадриятларга ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, фойдали қазилмалар, ҳайвонлар ва бошқалар кирази. Иктисодий аҳамиятга эга бўлган табиий хом-ашё, фойдали қазилмалар моддий кадриятлардир. Табиий ресурслар: ёнилғи, металл, рудалар, ҳаво, сув, ўсимликлар, ҳайвонлар бўлмаса, инсон яшай олмайди. Она табиат кишилар учун моддий нёматлар манбаи, меҳнат воситалари хазинасидир. Ер – инсоният тараққиётининг бешигидир. Шундай экан, ҳаёт манбаи – Ерни кадрламаслик мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деб ёзиб қўйилган.<sup>1</sup>

Моддий кадриятлар незигини мулк ташкил этади. Мулкни ўз эгасига бериш жамият тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади, мулк эгаси ушбу мулкни саклаш ва қўлайтириш учун курашади. Мамлакат иктисодиётини тараққий эттиришга хизмат қиладиганлар, аввало, мулкдорлардир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган иктисодий ислохотларнинг асосини мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириш ташкил қилади. «Мулкнинг мулкдорга том маънода хизмат қилишига, унинг мулк эгасига, бутун мамлакатга фойда келтириб, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигига хизмат қилишига эришиш зарур. Ана шундагина, пайдо бўлаётган мулкдорлар синфи ўз мамлакатининг иктисодиётини мустаҳкамлашдан чинакам манфаатдор бўлади, ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш ва химоя қилиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш учун барча имкониятларни яратади» - дея таъкидлаган эди Президент Ислоҳ Каримов.<sup>2</sup>

Моддий кадриятлар табиий (табиат предметлари, меҳнат предметлари ва ҳ.к.) ва предметли (инсон меҳнати натижалари) кўринишларида намоён бўлади.

Ижтимоий-сиёсий кадриятларга ижтимоий адолат, тинчлик, барқарорлик кабилар кирази. Маънавий кадриятлар деганда илмий, ахлоқий, диний, фалсафий, эстетик кадриятлар назарда тутилади.

Кимнинг эҳтиёжларини ақс эттириш хусусиятларига кўра кадриятлар шахсий, гуруҳий ёки жамоавий, миллий, минтакавий, умуминсоний кўринишларга эга.

Жамият ва инсон ҳаётида тутган ўринларига кўра иккинчи даражали, кундалик ва олий кадриятларнинг турларини кўрсатиш мумкин.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 1993 йил. 19-бет

<sup>2</sup> Каримов И.К. Юсак малакали мутахассислар – тараққиёт омили – Т., «Ўзбекистон» 1995 йил. 9-бет

Моддий, ижтимоий-сиёсий, маънавий кадриятларнинг муайян бир қисмини олий (юксак) кадриятлар ташкил этади. Тинчлик, инсон ҳаёти, адолат, эркинлик, ҳуқуқ ва бурчлар ҳақидаги тасаввурлар, дўстлик, севги, қариндошлиқ қабиларни олий кадриятлар туркумига киритиш мумкин.

Кадриятларнинг мазмуни, қўриниши ўзгарувчандир. Кадриятлар турлари орасига қатъий чегара қўйиш мумкин эмас. Улар ҳаёт шароитлари, давр тақозоси билан бир турдан бошқа турга ўтиши мумкин. Жамиятдаги ўзгаришлар, тараққиёт янги кадриятларнинг шаклланишига, ёки айримларининг қадрсизланишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли кадриятларга конкрет (аниқ-равшан) тарихий ва маконий нуқтаи-назардан ёндошмоқ керак. Маълум бир тарихий даврда кадриятли бўлган нарса ёки ахлоқ нормаси бошқа даврда қадрсизланиши, бир мамлакатда қадрли бўлган нарса бошқасида қадрсиз бўлиши мумкин.

Инсон ва унинг ҳаёти энг олий кадрият ҳисобланади. Бу ҳақда Республика Конституциясида «Ўзбекистон Республикаси демократия, умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади»<sup>1</sup>, - деб белгилаб қўйилган.

Шундай қилиб, маданият ва кадриятлар инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., «Ўзбекистон», 2003 йил.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т., «Ўзбекистон» 1995 йил.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т., «Ўзбекистон» 1994 йил.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолаталари. – Т., «Ўзбекистон» 1997 йил.
5. Туленов Ж. Жамият фалсафаси. Олтинчи бўлим. – Т., 2001 йил.
6. Туленов Ж. Кадриятлар фалсафаси. – Т., «Ўзбекистон» 1998 йил.
7. Данильян О.Г., Тараненко В.М. Философия – Москва, изд. ЭКСМО, 2005 г., стр. 398-422.
8. Крапивенский С.Э. Социальная философия. – Москва, «ВЛАДОС», 1999 г. - стр. 356-362.
9. Falsafa – Т., 2006 yil, 437-443 betlar.

#### ***Таянч тушунчалар:***

Маданият, кадриятлар, ворислик, маданиятшунослик, кадриятшунослик.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т. 11-бет.



### Назорат учун саволлар:

1. Маданият тушунчасига таъриф беринг.
2. Маънавий маданият нима?
3. Маданиятдаги миллийлик ва умуминсонийлик жиҳатларини қандай тушунасиш?
4. Маданиятнинг жамиятдаги ўрни.
5. Қадриятлар деганда нималар назарда тутилади?
6. Қадрият тушунчасининг мазмуни.
7. Қадриятларнинг асосий турлари ҳақида нималарни биласиз?
8. Қадриятлар инсон ҳаётида қандай ўрин тутаети?

### 11-мавзу. Фуқаролик жамияти.

1. Жамият. Фуқаро(граждани)лик жамияти.
2. Фуқаролик жамияти муаммосининг фалсафий маъноси.
3. XX асрда шаклланган «фуқаро(граждани)лик жамияти» концепциялари.
4. Фуқаролик жамияти, унинг ўзига хос жиҳатлари. Ўзбекистонда қарор топаётган эркин фуқаролик жамияти.

Сўнгги пайтларда ижтимоий фалсафада «очик жамият», «ёпик жамият», «ахборотлашган жамият», «фуқаро(граждани)лик жамияти»<sup>1</sup> каби тушунчалар кўп қўлланилмоқда.

Фуқаролик яъни гражданилик жамияти жамиятнинг муайян шакли, кўринишини ифодалайди. «Гражданилик жамияти», «граждани» тушунчаларига қадимдан кўп олимлар ўз муносабатларини билдирганлар. Чунончи юнон файласуфи Аристотель ўзининг «Сиёсат» асарида гражданилик жамияти масаласига алоҳида тўхталган ҳамда грек полисларини гражданилик жамиятининг ўзига хос модели, деб билган. У гражданилик жамияти деганда бахтли ҳаётни таъминлайдиган жамиятни тушунган. Бундай жамиятни бошқаришда давлат қонунларининг тўғри, адолатли бўлиши, давлат халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиш зарур, деб ҳисоблаган. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асарида «фозил шаҳар» ғоясини илгари суради. «Фозил шаҳар» олим идеалидаги фуқаролик жамияти эди. Форобий идеал жамият – фозил шаҳар деганда адолатли, кишиларнинг самарали меҳнати, илм соҳибларининг ақл-заковатлари, ҳаётий тажрибалари юксак кадрланадиган жамиятни тушунган. Бундай шаҳарда маърифат, илм-фан ривожланади, инсон қамолоти таъминланади, инсонлар ўзаро ҳамжиҳат яшайдилар; унда

<sup>1</sup> Бошқа мамлакатларда «фуқаролик» ўрнига «гражданилик» сўзи ишлатилади. Граждани-фуқаро, вояга етган одам, чин инсон, Ватан фарзанди, насл-насабли инсон, ноҳарбий ҳаётда яшовчи индивид; гражданилик-чин инсонийлик – ўз ҳақ-ҳуқуқини аниқлаган, уни ҳимоя қилиш қобилиятига эга бўлган чин инсонлар, олатда, граждани ҳисобланади. Шундай инсонлар тарбияланиши учун қулай ижтимоий муҳитга эга бўлган жамиятга гражданилик жамияти дейилади.

тенгхуқуқлик ва эркинлик салтанати ҳукмронлик қилади. Орзудаги жамиятда давлат бошликлари ўз фаолиятларида адолат, тенг ҳуқуқликлик, фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутадилар.

Гражданлик жамияти муаммосига оид фикрлар И.Кант, Гегель, Руссо фалсафий қарашларининг муҳим томонини ташкил этади. Кант орзу қилган идеал жамият – бу, жамият аъзолари ўртасидаги тинч-тотувлик, ҳамкорлик, ҳамжихатликдир. Идеал жамиятда эркинлик муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий эркинликнинг асосий шarti – бу, жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглиги. Кант тенглик деганда мутлоқ тенгликни назарда тутмайди. Насл-насабга алоқадор имтиёзларни баратараф этиш лозимлиги ҳақида фикр юритади. Унингча, кишиларни мутлоқ тенгликда саклашга уриниш ижтимоий адолатсизликдан бошқа нарса эмас. Гегельнинг ҳуқуқ фалсафасида фуқаролик жамиятига оид қарашлар илгари сурилган.

Янги давр фалсафасида гражданлик жамияти муаммосига француз мутафаккирлари кўп эътибор берганлар. Шулардан бири – Жан Жак Руссо. (1712-1778) қаттадир. У ўзининг «Ижтимоий шартнома ёки сиёсий ҳуқуқ тамойиллари» деб, номланган машҳур асарида гражданлик жамиятини тузиш асосларини қараб чиқади ва ўзаро тенглик, ҳуқуқ, қонун-қоида меъёрларига ҳурмат, халқ манфаатлари масаласига эътибор қаратади.

Жан Жак Руссо ижтимоий тенгсизликни идеал давлат ва гражданлик жамиятни қарор топтириш йўлидаги энг асосий тўсиқ, деб билади. У ўзининг «Тенгсизликнинг келиб чиқиш сабаблари» асарида унга тарихий ходиса сифатида ёндашади. Жамиятдаги кузатиладиган турли нуқсонларнинг бош манбаи – тенгсизлик, дейди олим. Унинг фикрича, тенгсизликнинг бош сабаби хусусий мулк, давлат эса бу тенгсизликни кучайтиради. Шунинг учун жамиятда бойликларни тенг тақсимламок лозим. Олим ҳар қандай хусусий мулкка эмас, фақат турли бузилишларга олиб келадиган йирик хусусий мулкчиликка қарши курашади. Айти вақтда шахсий меҳнатга асосланган хусусий мулкчиликни жамиятнинг асоси, деб ҳисоблайди. Руссонинг фикрича, жамиятнинг бойлар ва қамабағалларга бўлинишини баргараф этиш орқали ижтимоий тенгликни таъминлаш мумкин.

«Гражданлик жамияти» тушунчаси ижтимоий фалсафага XX асрда кириб келди ва бу нарса инглиз олими, файласуф Карл Поппер (1902-1994 й.) номи билан бевоқифа боғлиқ. Поппер «Очик жамиятё ва унинг душманлари» асарида «ёпик жамият» ва «очик жамият» тўғрисидаги таълимотни илгари сурган.

Карл Поппернинг бу асарни ёзишдан мақсади тоталитаризмга қарши кураш самарадорлигини оширишдан иборат эди. Олим ёпик жамиятни тоталитар сиёсий тузумнинг махсули сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, инсоният доимо тоталитар сиёсий тузум билан курашиб келган. Инсоният ўзининг келажagini инсонпарварлик принципларига асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қарор топтириш билан боғлиқ бўлган масалаларга қаратмоғи лозим. Поппер бундай сифат ҳолатига эга

булган жамиятни «очик жамият» деб атайди. У «очик жамият»ни бозор муносабатлари билан боғлайди ва шу асосда «очик жамият», «гражданлик жамияти» ҳақидаги концепциясини илгари суради. «Очик жамият»да жамият фукаролари шахс ҳисобланади. Улар муайян қарорларни қабул қилишда иштирок этадилар.

Карл Поппер инсонпарварлик тамойилига асосланган ижтимоий тузумга эришмоқ учун бешта муҳим вазифани адо этмоқ лозим, деб ҳисоблайди.

1. Эркинликни мустаҳкамлаш, ундан келиб чиқадиган маъсулиятни англаш;
2. Дунёда тинчлик ўрнатиш;
3. Қашшоқликка қарши кураш;
4. Демографик портлашга қарши кураш.
5. Зўронликка қарши таълим-тарбияни жадаллаштириш.

Шуни таъкидлаш лозимки, «жамият» ва «гражданлик жамияти» синоним тушунчалар эмас. Умуман олганда, жамият – бу кишиларнинг муайян мақсадлар йўлида бирлашиши, органик бирлиги ва яхлитлиги. Гражданлик жамияти эса жамиятнинг муайян бир ҳолатидир.

Гражданлик жамияти у ёки бу мамлакатнинг ҳар бир фукаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри, истаклари асосида қуришга тўла эркинликни қафолатловчи маълум ижтимоий тизимдир.

Фукаролик жамиятининг бош тамойили – ўзини-ўзи бошқариш. Давлат ўз ижтимоий-сиёсий фаолиятида демократия қоидаларига қанча кўп амал қилса, фукаролик жамияти шунчалик тез ривожланади. Ҳақиқий демократик давлат, бу – албатта ривожланган фукаролик жамиятига эга булган давлатдир.

Фукаролик жамиятида давлат фаолияти устидан фукароларнинг назорати ўрнатилади, давлатнинг кўпгина функциялари фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтади.

Фукаролик жамияти инсоният цивилизациясининг маҳсули ҳисобланади. Фукаролик жамияти мураккаб тузилишга эга бўлиб, унинг таркибий қисмларига: а) иқтисодий соҳада – майда хусусий корхоналар, кооперативлар, акционерлик жамиятлари, фукаролар ташаббуси билан шаклланган хилма-хил ишлаб чиқариш бирлашмалари, жамоалари, жамиятлар;

б) ижтимоий соҳада – оила, ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари, сиёсий партиялар, турли ҳаракатлар, жамоатчилик фикрини ўрганувчи нодавлат институтлари, муассаса ва ташкилотлар;

в) маънавиятда – нодавлат ташкилотлар (масалан диний ташкилотлар), оммавий ахборот воситалари, турли илмий, ижодий уюшмалар қиради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда эркин фукаролик жамиятини қуриш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Эркин фукаролик жамияти

<sup>1</sup> Фалсафа. Қомусий лугат. – Т. «Шарқ» 2004 йил, 331-332 бетлар.

қонун устувор, ижтимоий адолат ҳукмрон бўладиган, инсоннинг ҳуқук ва эркинликлари олий ўринга кўтарилган жамиятдир.

Республика Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» рисолаларида эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўллари ва бу борадаги вазифалар илмий жиҳатдан асосланган.

Эркин фуқаролик жамиятининг моҳияти Президент И.Каримов томонидан шундай таърифланади: «Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқук ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади»<sup>1</sup>.

Бу жамиятни барпо этишнинг стратегик вазифалари Ислам Каримовнинг асар ва нутқларида, аввало «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» асарида берилган. Булар:

1) ҳуқуқий демократик давлатни қарор топтириш. Айнан ҳуқуқий демократик давлат жамиятда мавжуд манфаат ва муносабатларни мужассам ҳолда ифодалайди. Ҳуқуқий демократик давлат узлуксиз тараққий этиб боради. Бу давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилади;

2) эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим шarti демократияни ҳар томонлама ривожлантиришдир. «Жамиятда демократиянинг қай даражада эканлигини белгиловчи қаида учта мезон бор. Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳуқуқат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»<sup>2</sup>;

3) фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутди. Бунда давлат ҳокимияти ўз диққат-эътиборини тараққиётнинг стратегик вазифаларини ҳал қилишга (мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, қонунлар қабул қилиш ва ҳ.к.) қаратади. Бошқа масалаларни ҳал қилиш эса аста-секин давлат ҳокимияти органларидан жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига топширилиши кўзда тутилади;

4) эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш сиёсий институтлар ва нодавлат ижтимоий уюшмалар ва жамоатчилик тизимлари ролининг тобора ортиб боруви билан тавсифланади. Бугунги кунда республикада

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон» 1997 йил., 13-бет.

<sup>2</sup> Уша асар. 181-бет.

9690 фукарларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мамлакат ижтимоий ҳаётида жуда катта ўрин тутмоқда. Республикада 5 та сиёсий партия (ХДП, «Фидокорлар Миллий Демократик» партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Либерал-демократик партия) «Халқ бирлиги» ҳаракати, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, қасаба уюшмалари, Хотин-қизлар ташкилотлари, 300 дан ортиқ республика ва халқаро нодавлат ташкилотлари, турли жамғармалар фаолият кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлиснинг Ваколатли институти – Омбудсмен ташкил этилган;

5) Эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили – маънавиятни юксалтириш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат. - «... оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак».<sup>1</sup>

Бугунги кунда Ўзбекистонда 609 номда газета, 162 номда журнал нашр этилмоқда.<sup>2</sup>

Шундай қилиб, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ривожлантириш – бизнинг бош стратегик мақсадимиз, чунки бундай жамиятда инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатлари олий кадрият ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Ислоҳ Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» - Т., «Ўзбекистон» 1997 йил. 170-188 бетлар.

2. Ислоҳ Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» - Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.

3. Ислоҳ Каримов. «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» - Т., «Ўзбекистон» 2002 йил.

4. С.Э.Крапивенский. Социальная философия. – Т., «ВЛАДОС» 1998 й., 205-214 бетлар.

5. Фалсафа. Комусий лугат. – Т., «Шарк» 2004 йил.

6. Истиклол, демократия ва фуқаролик жамияти. – Т., «Шарк» нашр., 2003 йил.

#### Таянч тушунчалар:

«Очиқ жамият», «ёпиқ жамият», фуқаро(граждани)лик жамияти, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла, жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон. 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. – Т., «Ўқитувчи» 2004 йил. 13-14 бетлар.

<sup>2</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» - Т., «Ўзбекистон» 1999 йил. 30-бет.

### Назорат учун саволлар:

1. «Жамият», «Фукаролик жамияти» тушунчаларини таърифланг, уларнинг умумий томонлари ва фарқларини кўрсатинг.
2. Фукаролик жамияти масаласининг фалсафа тарихида кўйилиши.
3. XX аср фалсафасида фукаролик жамияти концепцияларининг ишлаб чиқиши.
4. «Очик жамият» қандай жамият?
5. Карл Поппер «ёпик жамият» деганда нимани назарда тутди?
6. «Фукаролик жамияти»нинг асосий хусусиятларига нималар киради?
7. «Фукаролик жамияти» муаммосининг Ислом Каримов асарларидаги талқини.
8. Фукаролик жамиятининг структурасига нималар киради?

### 12-мавзу. Одам. Инсон. Шахс.

1. Одам ва инсон тушунчаларининг афсонавий, диний ва фалсафий талқинлари.
2. Марказий Осиё фалсафаси инсон, унинг моҳияти ҳақида.
3. Инсоннинг моҳияти. Инсоннинг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақида ҳозирги замон фани.
4. Шахс муаммоси. Шахснинг типлари.

Ижтимоий фалсафа инсонга олам, борликнинг таркибий қисми сифатида қарайди ва шу нуқтаи-назардан «Инсоннинг моҳияти нима?», «Инсон оламда қандай ўрин тутди?», «Инсон омили деганда нималар назарда тутилади?» каби саволларга жавоб беради. Инсон борлиқнинг олий кўриниши. Унинг келиб чиқиши, ҳаёти, таракқиёти олам, борлиққа боғлиқ. Инсон ва жамият олам таракқиёти, табиат эволюциясининг маҳсули ва кўриниши бўлиб ҳисобланади.

Инсон муаммоси ижтимоий фикр тарихида 3 хил нуқтаи назардан ўрганилган: мифологик, диний ва илмий-фалсафий.

Инсон ҳақидаги дастлабки қарашлар қадимги Шарқ мамлакатлари, айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Турон халқлари томонидан яратилган эртақлар, дostonлар, афсоналарда ўз ифодасини топган. Ҳамма нарсага қодир инсон образи Қадимги Ҳинд Ведаларида тасвирланган. Уларда айтишлича, энг қадимги инсон Пуруша мингта бошли, мингта кўзли, мингта оёкли бўлган эмиш. Бу инсоннинг ақл-заковати-ой, кўзи-куёш, хориб-голиқиши-олов, нафаси эса – шамол эмиш. Ҳозирги одамлар Пурушадан тарқалган эканлар. Айтилишича, унинг қўлидан – қшатри (харбийлар), вайш (дехқонлар, хунармандлар, савдогарлар), шудра (гадолар) каби жамиятнинг турли қатламларига мансуб одамлар келиб чиққан эмиш. Ведаларда ёзилишича, инсон икки моҳият: тана билан жоннинг қоринмасидан иборат. Тана инсон жисмининг асосини ташкил

этади, бу асосни брахман яратган, жон эса рух (атман) томонидан яралган. Агар инсоннинг ердаги фаолияти турли нопокликлар билан боғланмаса, атман ва брахманларнинг кўшилиш жараёни содир бўлади. Мабодо, инсон фаолияти ердаги нопокликлар билан алоқадор бўлса, унинг жони жон кўринишида эмас, балки хайвоний тана сифатида қайта тугилади. Хинд Ведаларида олам бир бутун, тирик зотларнинг ҳаммаси бутуннинг ажралмас зарраларидир, одам эса ўша тирик зотларнинг ўзига хос шакли, кўринишидир, дейилади.

Қадимий Хитой афсоналарида дастлабки инсон – одамато Паньга киёфасида намоён бўлади. Одамнинг бошқа тирик мавжудотлардан фарк қилувчи инсоний хислатлари ҳақидаги дастлабки мулоҳазаларни қадимий Хитой манбаъларида кўриш мумкин. Инсон ҳақидаги дастлабки фалсафий қарашлар Хитойда эрамиздан аввалги VII-VI асрларда шаклланган. Қадимги Хитой файласуфлари фуқароларнинг бахтли ёки бахтсиз бўлиш сабабларини осмондан эмас, балки улар яшаётган ижтимоий муҳитдан излаганлар. Уларнинг таъкидлашича, жаъми яхшилик ва ёмонликлар одамлардан тарқалади. Хитойда кснғ тарқалган Конфуций (э.а. 551-479 й.) таълимоти буйича, ўз табиатларига кўра одамларнинг ҳаммаси бир, фақат тарбия туфайли улар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Конфуцийнинг инсон тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари шогирдлари билан бўлган суҳбатларни акс эттирувчи «Суҳбатлар ва мулоҳазалар» асарига ифодаланган. Жамиятда содир бўлаётган турли ахлоқсизликлардан ташвишга тушган Конфуций фуқароларни тарбиялашга ҳаракат қилади, уларни инсофга чақиради. У инсонийликнинг турли фазилатларини ўзида мужассамлаштирган одам фақат ўзи учун эмас, балки жамият учун, бошқалар учун яшамоғи даркор, деб ҳисоблайди.

Инсон тўғрисидаги қарашлар эрамиздан аввалги VII-VI асрларда Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида, шунингдек, Туронда кенг тарқалган диний-фалсафий таълимотларда, чунончи зардуштийлик таълимотида акс этган. Бу таълимотнинг марказий муаммоси – одам билан олам ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик. Ушбу таълимотга мувофиқ, бутун олам, шу жумладан одам борлиғи ҳам тўрт унсурдан: тупроқ, сув, ҳаво, оловдан иборат. Зардуштийлик таълимотига кўра, олам қарама-қарши кучлар, хусусан, эзгулик ва ёвузлик орасидаги курашга асосланган. Бу курашни ҳеч қачон мурасага келтириб бўлмайди, бу кураш бутун коинотни камраб олган. Олам ва одамни яратган ва унинг устидан ўз назоратини ўрнатган якка худо – Ахура Мазда одамларга эзгулик йўлини кўрсатади, аммо ёвузлик тимсоли Ахриман одамларни тўғри йўлдан чалғитади.

Ахура Мазданинг кўрсатмасига мувофиқ, биринчи одам-Ийим ер юзига турли жонли мавжудотлар, хусусан, одамлар, хайвонлар, кушлар уруғини сочибди, уларни парвариш қилибди. Шу аснода, Ийим ер юзидан 900 йил яшабди. Одам боласининг сони кўпайиб, ер юзи унга торлик қила бошлабди. Ана шунда Ийим худога мурожаат қилиб, ерни кенгайтиришни сўрабди ва бунга эришибди ҳам. Бир куни Ахура Мазда ер юзини музлик

босиб келаётгани хақида Ийимни огохлантирибди. Ийим ер юзида мавжуд тирик мавжудотларни сақлаб қолиш учун махсус уй қуриб, барча тирик мавжудотларнинг энг яхши зотлари, энг зўр навларидан бир жуфтдан сақлаб қолибди.

Зардуштийлик таълимотида инсон фаолиятини бошқариб турадиган энг катта куч-ахлоқ нормалари эканлиги хақидаги ғоя илгари сурилган. Шунинг учун Зардушт Олий ибтидо – Ахура Маздадан инсоннинг кундалик амалий фаолиятини бошқарувчи қонун-қоидаларни аниқлаб беришни сўраган. Ана шунда Ахура Мазда бутун олам борлиги икки бошланғич асос – эзгулик ва ёвузлик атрофида мужассам эканлигини хабар қилади. Бунда эзгулик мусаффо, беғубор осмонга, ёвузлик эса жаҳаннамга киёс қилинади. Одамлар Ахура Мазда томонидан юборилган ахлоқий нормалар, тартибларга амал қилсалар, эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси таъминланади. Эзгулик билан ёвузлик орасидаги курашда одамзот ё у, ёки бу томонда туришга мажбур. Комил ақл эгаси албатта эзгулик учун курашади ва пировардида ёвузлик кучлари устидан ғалаба қозонади, дейилади зардуштийлик таълимотида. Зардуштийликда таъкидланадики, инсон имон-эътиқодининг учта йирик таянчи мавжуд: эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал.

Инсон, унинг оламга муносабати хақида қадимги Юнон фалсафасида ҳам эътиборга сазовор фикрлар бор.

Юнон олими Сукрот (э.а. 469-399)нинг фалсафий мулоҳазалари марказида инсон ва унинг онгини ўрганиш туради. Сукротнинг инсон тўғрисидаги қарашларида ахлоқий рационализм марказий ўрин эгаллайди. У ахлоқсизлик хақиқатни билмасликдир, инсондаги ёмонликлар – билимсизликнинг натижасидир, деб ҳисоблайди. Платоннинг фикрича, инсон асосан икки бўлакнинг уюшмасидан иборат. Биринчи бўлак - ўлмас жон, иккинчи бўлак – тана. Инсоннинг жони ҳам икки қисмдан иборат: олий – юқори қисм ва паст – қуйи қисм. Олий қисмда ақл-заковат тўпланган, унинг ёрдамида инсон абадий ғоялар сирини билиб олади ва фаровонлик, эзгулик томон интилади. Пастки қисм - ҳис-ҳаяжонга асосланган. Платон одамларни уч катта тоифага бўлган. Биринчи тоифадагилар – ақлли кишилар, иккинчи тоифадагилар - ҳис-ҳаяжонга берилувчилар, учинчи тоифа – доқийларга, йўлбошчиларга сажда қилувчилар.

Аристотель инсон жисми ва ижтимоий қиёфаси орасидаги алоқадорликни тушунтириб беришда ўз ўтмишдошларидан анча илгарилаб кетди. У оламдаги жами тирик мавжудотлар ҳаётининг асосини жон ташкил қилади, деб ҳисоблайди. Бу жон уч туркумга бўлинади: энг паст туркумдаги жон - ўсимликлар, иккинчи туркумдагиси хайвонларда, энг олий туркумдаги жон – одамзодда бўлади. Аристотель инсон деб аталувчи тирик мавжудотни бутун ва бўлинмас, деб талқин этади. Айни вақтда «инсон ўз табиатига кўра сиёсий мавжудотдир», деб таърифлайди. Олим одамларни фақат моддий фаровонлик эмас, балки ижтимоий адолат принципларига риоя қилиш эзгулик томон бошлайди, деб ҳисоблайди.



Эзгулик деганда, ақл-заковат билан иш кўришни, меҳрибонлик, мардлик, очиккўнгилликни, тўғрилик, хайрихоҳликни тушунади.

Аристотель инсоннинг ҳар томонлама камолоти ҳақида фикр юритади ва юксак ахлокий поклик, ташки ва ички гўзаллик, ижтимоий-сийсий стуклик каби фазилатларни олий камолотга етказадиган фазилатлар, деб ҳисоблайди.

Ўрта аср Ғарбий Европа фалсафасида инсон ҳақидаги диний қарашлар илгари сурилган. Чунончи, христиан фалсафасида худо инсон киёфасида гавдаланади. Христиан фалсафасининг йирик намоёндаси Фома Аквинский фикрича, инсондаги мавжуд фазилатларнинг энг олийси – ақлдр. Инсон ақл ёрдамида яхши ва ёмон, эзгулик ва жоҳилликнинг фаркига боради. Эзгулик тўрт кўринишда, чунончи: донишмандликда, жасурликда, муътадилликда ва адолатпарварликда намоён бўлади. Аквинский бу фазилатларга яна христианликка хос уч фазилатни: ишонч, умид ва муҳаббатни ҳам қўшади.

Ислом фалсафасида Оллоҳ Одам суратини (Одам Атони) лойдан ясаган, кейин унга жон ато этган, сўнгра Момо Ҳавога ўз нафасини бериб жон ато этган. Шундай қилиб, барча одамлар Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалган, деган ғоя илгари сурилган. Қуръони Каримнинг ал-Исро сурасида. «Биз одам болаларини азиз – муқаррам қилдик ... ва уларни ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал, устун қилиб қўйдик», - дейилган. Ислом дини таъсири остида мусулмон фалсафаси, унинг мутакаллимлик ва муътазилалик таълимотлари шаклланди. Мутакаллимлар олам ва одамни тушуниш асосларини Қуръони Карим ақидаларидан изладилар. Улар инсоннинг тақдири азалдан белгиланган, деган ғояни илгари сурадилар. Муътазиллийлар худо оламни ва одамни яратувчи биринчи сабаб, лекин одамнинг ўзига боғлиқ жихатлар ҳам мавжуд, дейдилар. Уларнинг фикрича, агар одамнинг тақдири рўзи азалдан ёзилган бўлса, унда Аллоҳнинг қадрига путур етади, чунки бундай талқинларга кўра одамлардаги ёмон ишлар ҳам Худо иродасининг ифодаси бўлиб қолади. Демак, дейди муътазиллийлар, инсон ирода эркига эга бўлиб, эзгу амаллар Аллоҳ иродасининг намоён бўлиши, ёмон ишлар, амаллар у (яъни одам)нинг ишидир. Шунинг учун охиратда у бунга жавоб бериши керак.

Ислом фалсафасидаги хурфикрликда инсон муаммоси ўзгача талқин қилинди. Бу йўналишнинг йирик намоёндаси Мансур Халлож таълимотига мувофиқ, мустақил, эркин фикр юритиш қобилиятига эга бўлган инсон қомиллик, орифлик даражасига кўтариллиши мумкин.

Инсон муаммоси Ўрта асрлар Марказий Осиё файласуфлари қарашларида муҳим ўрин тутди. Абу Наср Форобий (870-950 йиллар) одамнинг танаси пайдо бўлиши билан, унда «озиклантирувчи қувват» вужудга келади. Ўша қувват ёрдамида инсон танаси озикланиб туради ва шу жараёнда сезги органлари пайдо бўлади. Сезги аъзолари туфайли инсонда ҳис, тасаввур, хотира бирилашиб, ҳаёл ҳосил бўлади. Ҳаёл қуввати

ёрдамида инсон билим, ҳунар эгаллайди, фаолият кўрсатади, фойда, зарарнинг фаркига боради. Инсон ўзининг ақл-заковати билан оламдаги бошқа тирик мавжудотлардан фарқланади. Унинг ақл-заковати борлик турли-туман кўринишларининг аксидир. Ўрта аср шароитида одамнинг инсоний фазилатлари, хислатларини аниқлашда. Форобий ўз замондошларидан анча илгарилаб кетади. Форобий «Бахт-саодатга эришув хақида» номли рисоласида инсоннинг хислатлари, фазилатлари хақида фикр юритади.

Абу Али ибн Сино инсон тана ва жондан ташкил топган, у бошқа тирик мавжудотлардан ўзининг фикр юритиш қобилияти билан тубдан фарқ қилади, деб ҳисоблайди. Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, инсон оламдаги барча мавжудотлардан ўзининг яратувчанлиги билан тубдан фарқ қилади; яхшилик, ростгўйлик, олийжаноблик, меҳр-шафқат, муҳаббат каби фазилатлар инсонни улуғлайди; ёлғончилик, ёмонлик, ичкорулик, кўполик, ўғрилик, тухматчилик каби иллатлар инсонни тубанлаштиради. Абу Райҳон Беруний инсон ўз меҳнати билан улуғдир. Меҳнат ёрдамида инсон ўз баданини турли иллатлардан, хусусан, дангасалиқдан, ялқовликдан, ишқасликдан қутқаради, деган фикрни илгари суради.

Юсуф Хос Ҳожиб кишиларни ахлоқий баркамоллиги ёки ахлоқсизлигига қараб яхши ва ёмон одамларга бўлади. У камтар, олдий, ҳалол, ҳақгўй кишилар – жамиятнинг бебаҳо бойлиги; мунофиқ, ёлғончи кишилар юрт учун зарарли иллат эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Уйғониш даври фалсафасида ҳар томонлама ривожланган шахс ғояси олға сурилган. Машҳур инглиз гуманисти Томас Мор «Утопия» асарида инсон шахси тубанлашувнинг сабаблари хақида фикр юритиб, ўғрилик, дайдилиқ тубанлашувнинг кўринишларидир, бу каби иллатларни тугатмоқ учун нопок йўللар билан топилган бойликларни йўқотиш даркор, деган хулосага келади.

XVII-XVIII аср Ғарбий Европа фалсафасида инсон тўғрисидаги диний қарашлар танқид остига олинди; инсон, унинг моҳияти, келиб чиқиши хақида янги илғор ғоялар илгари сурилди. Машҳур инглиз файласуфи Ф.Бэкон (1561-1626 й.) ўзининг «Янги Органон» асарида инсоннинг табиат устидан ҳукмрон бўлишида фан ютуқларига таяниш зарурлигини исботлаб берди. Машҳур инглиз файласуфи – Томас Гоббс (1588-1679 й.) фикрига кўра, жамият – жуда катта механизм, инсон ўша буюк механизмнинг мурватиридир. Инсон деган мавжудот бир-бирдан мутлақо фарқ қилувчи икки муҳим бўлақдан иборат. Унинг биринчи бўлагини жисмоний, иккинчи бўлагини – маънавий қобилиятлар ташкил этади. Инсондаги маънавий қобилиятлар табиат томонидан инъом этилмайди, балки улар ўзлаштирилади.

Гоббс инсоннинг маънавий қобилиятларини мавжуд ижтимоий шарт-шароитлар билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилади.

Инглиз файласуфи Джон Локк (1632-1704 й.) «Инсон ақли тўғрисидаги тажриба» асарида инсон калби худди оқ қоғоз варағидек тоза

бўлиб, фақат тажриба ўша қоғоз саҳифасини турли ёзувлар билан тўлдирди. Инсонни янги билимлар билан қуроллантирмоқ учун тажрибага таянмоқ лозим. Ҳар қандай билим ёки ғоянинг манбаи – тажрибадир, деган фикрни илгари суради. Инсон фаолият кўрсатишида ўз ақлида мавжуд бўлган билимга таянади, деб таърифлайди у «Ақлни бошқариш ҳақида рисола»сида.

XVIII аср француз олими, маърифатпарвар Жан Жак Руссо (1712-1778)нинг инсон муаммосига доир фалсафий фикрлари унинг «Одамлар орасида тенгсизликнинг келиб чиқиши ва асослари ҳақида мулоҳаза», «Ижтимоий шартнома», «Эмиль ёки тарбия тўғрисида»ги асарларида акс этган.

Инсон муаммоси немис классик фалсафасида муҳим ўрин тутди. Немис классик фалсафасининг йирик вакиллари Иммануил Кант, Гегель, Фихте, Шеллинг, Гегель, Людвиг Фейербах инсоншунослик соҳасида билимларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Иммануил Кант (1724-1804 й.) инсонга таъриф берганда уч муҳим томонга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди: 1) тирик мавжудот сифатида инсонда хайвоний аломатларнинг борлиги. 2) тирик ва ақли мавжудот сифатида унда инсонийлик аломатларининг борлиги. 3) ақли мавжудот ва шунинг билан бирга унда фикр-мулоҳазаларни сингдириш имконияти мавжуд бўлган шахс аломатлари борлиги.<sup>1</sup> Кант ўз диккатини инсон фаолиятини, унинг қобилиятларини, малакаларини ўрганишга қаратди. Инсон камолоти масаласи Вилгелм Гегель (1770-1831 й.) фалсафасининг диққат марказида бўлди. Унинг фикрича, инсон – дунёвий рухнинг бегоналашувидан ўзга нарса эмас. Гегель инсоннинг шаклланиши жараёни рухнинг чуқурлашишидан иборат, деган фикрни илгари сурди. Инсон муаммоси Людвиг Фейербах (1704-1782 й.) фалсафий қарашларида алоҳида ўрин тутди. Фейербах учун инсон – энг аввало моддий объект. Инсонни худо яратган эмас, инсон худони яратган. Фейербах инсон фазилатларининг шаклланишида биологик омилларнинг тутган ўрнини мутлоқлаштирди. Фейербах жамиятдаги барча одамлар борлигининг энг муҳим элементи вазифасини муҳаббат бажаради, деган ғояни илгари сурди.

Инсон муаммосига марксизм фалсафаси ўзига хос ёндошади. Карл Маркс ўзининг «Капитал» асарида инсон – ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг маҳсули, деган хулосага келди. Бу хулоса инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиётига муайян ҳисса бўлиб қўшилади. Маркс «инсон табиати» деганда индивиднинг алоҳида жинсга хос тирик мавжудот эканлигини ифодаловчи биологик, психологик ва ижтимоий хусусиятлар йиғиндисини тушунди.

XIX асрнинг 40-50 йилларидан бошлаб классик фалсафага қарама-қарши ноклассик фалсафа шакллана бошлади. Бу фалсафа

<sup>1</sup> Қаранг: Анвар Чориев. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. – Т., 1998 йил. 162-бет

экзистенциализм, персонализм, неопозитивизм, прагматизм, космизм фалсафий оқимларида ўз ифодасини топди.

Экзистенциализм фалсафий оқими шулар жумласидадир. Даниялик файласуф Кьеркегор (1813-1855 й.) инсонни тахлил қилиш мақсадида «экзистенция» тушунчасини истеъмолга киритди. Унинг фикрича, инсонни, унинг ички дунёсини билишга илмий методни қўллаб бўлмайди. Яшаш бу – «ички дунё». Яшаш – ички дунё инсоннинг бетақдорлигини кўрсатади. Яшаш деганда Кьеркегор мавжудлик томон боришни тушунади ва уни уч босқичдан иборат, деб билади:

Биринчи – эстетик босқич.

Иккинчиси - ахлокий босқич.

Учинчиси – диний экзистенция.

Биринчи босқич заминида яшаш, хузур-халоватга қизиқиш, инсон эҳтиёжини қондириш ётади. Бунда яшаш йўлини танлаш энг оддий шаклда бўлади, чунки объект инсон ҳис-туйғуларини қондириш асосида танланади. Иккинчи, ахлокий босқичда инсон ўзини-ўзи англайди, ўз маъсулиятини ҳис қилади. Яшашнинг ҳақиқий маъносини инсон учинчи – диний босқичда ҳис қила олади. Инсон азоб чекиш эвазига яшаётганини билади.<sup>1</sup>

Кьеркегор фикрича, экзистенция деганда инсон борлигининг мавжудлик усули, моҳияти эмас, балки инсон шахсининг билиб бўлмайдиган, тақдорланмас ҳолатлари назарда тутилади. Унинг экзистенциалистик қарашлари «Ёки-ёки», «Қўрқув ва титроқ», «Ўлим касали» асарларида баён этилган.

Экзистенциализм фалсафаси ғоялари XX асрнинг бошларида Германияда тарқала бошлади.

Экзистенциализм фалсафасида инсон муаммосига ўзига хос ёндашув акс этган. Агар классик фалсафада инсоннинг моҳияти ақл-заковат асосида талқин қилинган бўлса, бу йўналишда инсон эрки ҳақида фикр юритилади.

XIX асрнинг ноқлассик фалсафасига инсон муаммосини олиб киришда машҳур немис файласуфи Нишенинг (1844-1900 й.) ўрни катта. У Зардушт таълимотига таяниб, қучли иродали инсон туғрисидаги қарашларни илгари сурди. Нишче фикрича, инсон боласида холиклик ва махлуқлик бир бутун ҳолда уюшади. Нишче инсон чинакам қомиллик даражасига қўтарилмоғи учун аввало махлуқларга хос қилиқлардан холи бўлимоғи даркор, деб ҳисоблайди.

Экзистенциализм фалсафасининг асосий ғояларидан бири шуки, инсоннинг хусусияти – у ўзини-ўзи ясайди, мавжуд бўла туриб, ўз моҳиятини бунёд этади. Мабодо индивид инсон даражасига қўтарилганида унинг онги ва фаолиятида нуксонлар мавжуд экан, бунга, аввало, ўзи айбдор. Чунки инсоннинг табиати у яралгунга қадар мавжуд бўлмайди ва индивиднинг ўзидан бошқа ҳеч қандай қуч уни инсонга айлантира

<sup>1</sup> Қаранг Фалсафа. Қомусий лугат. – Т., «Шарқ», 2004 й., 214-бет.

олмайди. Бундай гоёни илгари суриш билан экзистенциал фалсафа инсоннинг шаклланишида унинг ўзи масъул эканлигига эътибор қаратади. Экзистенциализм инсон фаолиятининг рационал томонларига диққат қаратади. Хусусан, инсон ҳаётида турли конфликтлар содир бўлганда, ақл-заковат ҳукмига кулоқ солиш, ақл кучи билан ҳар қандай вазиятдан чиқиш – инсон амалий фаолиятининг муҳим шарти эканлигини таъкидлайди. Оддий инсоннинг «хушёр ҳисоб-китоблари», энг оғир дамларда ўзи билан ўзи маслаҳатлашиши уни турли фожеа ва даҳшатлардан сақлаб қолади. Демак, ўз экзистенциясини топган кишининг кийинчиликни матонат билан енгишга жасорати етади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё Чор Россияси томонидан босиб олина бошланди. Мустамлакачилик сиёсати айни авжга чиккан пайтида ўлкада маърифатпарварлик ҳаракати шаклланди. Бу ҳаракат одамларни илм эгаллашга чақирди, ўтмиш авлодлар меросини тарғиб қилди, ижтимоий-иқтисодий, маънавий қолоқликдан чиқиш йўлларини излади. Инсон муаммоси маърифатпарварлар ижодида ўзига хос талкин топди. Маърифатпарвар Аҳмад Дониш (1827-1897 й.) инсон олами, ўзи яшаётган ижтимоий муҳитни ўзгартиришга қодир. Бунинг учун у нафақат диний, балки дунёвий билимларни билиши зарур, деб ҳисоблайди. «Биз дунёни гуллаб-яшнатиш учун, денгизларни кезиб ўрганиш учун, ер ости бойликларини топиш учун, дунёнинг ажойиб сирли томонларини талкин этиш учун, унинг ҳамма китъалари ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз», деб ёзади Дониш ўзининг «Наводир ул-вақоъ» асарида.<sup>1</sup>

Фуркат жамиятда маънавий қашшоқ, нопок, галварс кишиларининг кўпайиши – фожеа, офатдир дейди. Унинг фикрича, фан кишилар йўлини ёритувчи, уларни тўғри йўлга бошловчи йўлчи қолдуз, чироқдир. Илм-фан қанчалик тез ривожланса, жамият аъзоларининг орзу-умидлари шунчалик тез рўйёбга чиқади, маънавий қашшоқ одамлар сони камаяди. Маърифатли, билимдон одамлар қанча кўп бўлса, жамият ҳаёти шунча тез инсонпарварлашади.

XIX аср охири XX аср бошларида жамиятни инсонпарварлаштириш ғояси Марказий Осиёда кенг тарқалган жадидчилик ҳаракатининг бош ғояси эди. Бу ҳаракатнинг намोёндаларидан бири Абдулла Авлоний (1878-1943 й.) ўз асарларида Марказий Осиё халқлари жаҳон цивилизацияси ютуқларидан, илм-маърифат, маданиятдан бебаҳра қолганини, халқ ўта қашшоқлашиб қулларча ҳаёт кечираётганлигини афсус ва алам билан тилга олади. Авлоний асарларининг бош мавзуси – инсон. Унинг фикрича, инсон бутун борликнинг кўрки ва шарафидир. Инсон бутун мавжудот соҳибидир, чунки унинг ақл-заковати бор. Инсон шу қудрати туфайли илм эгаллайди. Инсон ўзининг ақл-заковати туфайли бошига тушадиган ҳар қандай бало-қазодан сақланади. Инсонпарвар жамиятнинг муҳим

<sup>1</sup> Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақоъ. - Т., 1964 йил, 60-61 бетлар.

вазифаларидан бири – фукаролар, айниқса ёшлар ақлий камолоти ҳақида кайғуришдир.

Ҳозирги замон фанида одам деб аталувчи ягона биологик турга мансуб тирик мавжудотнинг инсонга айланиши узоқ давом этган эволюцион жараёндир, - деган фикр илгари сурилган. Она-табиатнинг ўзи янги турларни яратиб ва унинг янги ҳолатига мослаша олмаган турларни йўқотиб юбориб имкониятига эга. Одамнинг пайдо бўлиши юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борган олимларнинг исботлашича, одамни бир тур сифатида Она табиат бундан 5 миллион йиллар чамаси вужудга келтирган. Маълум бўлишича, Космосдаги радиация ва Ерда магнит майдонининг ўзгариши туфайли дропитек тоифасидаги одамда бир тур мия ҳужайралари хромосомалари йириклашиб, уларда онг пайдо бўлган. (Онг элементлари хайвонларда ҳам мавжуд).

Ер остидан топилган одам скелетлари даставвал Жанубий Африкадан топилгани учун, у одам типи фанда австралопитек (жанубий маймунсимонлар) деб ном берилган. Уларнинг мия ҳажми 350 куб см. бўлган. Онгли меҳнат туфайли 3-4 миллион йил давомида уларнинг мия ҳажми 700 куб см.гача кенгайган. Микдор ўзгаришлар янги сифатни юзага келтирган, онгли меҳнат туфайли мия ҳажми тобора кенгайиб, одамни англаш имконияти кенгайиб борган. Натижада бундан 1,7-2 миллион йиллар мукаддам питекантроп, кейинроқ синантроп ва неандерталь тоифасидаги одам типлари шаклланган. Энг дағал тош қуроллари ясаш питекантроплардан бошланади. Фанда *Homo habilis* – укувли одам номини олган бу типларда товуш, ҳаракат, мимика тиллари билан бирга нутқ тили унсурлари ҳам мавжуд бўлган. Аммо улар ривожланган нутқ тилига эга эмас эдилар. Одамнинг ҳозирги физиологик ва интеллектуал салоҳиятга эга типи даставвал Франциядаги Кроманьон горидан топилгани учун кроманьонлар, деб номланган. Мана шу типдаги одамларгина она-табиатнинг янги муҳитига мослашиб, жамият бўлиб яшашга ўтганлар. Улар фанда *Homo Sapiens* – Ақлли одам, деб аталади. Уларнинг мия ҳажми 1000 куб сантиметрдан 2000 куб сантиметргача боради. Ўртача ақлли одам типининг мия ҳажми 1446 куб см. Онгнинг оламни англаш қобилияти мия иланг-биланглариининг зичлигига ҳам боғлиқдир.<sup>1</sup>

Одамнинг оламдаги бошқа мавжудотлардан фарқ қилувчи муҳим хусусиятлари нималардан иборат? Унинг ҳаёти, фаолияти, ирсий-генетик хусусиятлари табиий-ижтимоий муҳит таъсирига боғлиқми? Каби саволларга олимлар ҳамisha жавоб излаганлар. Ҳўш, одамнинг оламдаги бошқа тирик мавжудотлардан фарқини кўрсатувчи энг муҳим хусусиятлар нималардан иборат?

<sup>1</sup> Багафил қаранг: Алексеев В.П. От животных к человеку. (легенды, факты, наука) – Москва, 1969 йил. Андреев И.Л. Происхождение человека и общества. – Москва, 1982 йил. Бунак В.В. Род Homo, его возникновение и последующая эволюция. – Москва, 1980 йил. Происхождение человека и половой отбор. Иллюстрированное собрание сочинений Чарльза Дарвина. – Москва, 1908 год. том 5 и 6.

Биринчидан, одам оламдаги бошқа тирик мавжудотлардан онги, хотираси, тафаккури, ривожланган нутки, тили борлиги билан ажралиб туради. Айниқса, тил инсон авлодлари ва ажлодлари орасидаги алоқада ворилик вазифасини бажаради.

Иккинчидан, одамнинг инсонийлигини белгиловчи энг муҳим хусусият – маънавият. Инсоннинг ўз фаолиятини муайян тартибга солиши, йўналтириши дунёқараш билан боғлиқ ғоялар асосида шаклланган, маънавият туфайли улар жамоа ва жамият бўлиб яшаш кўникмасига эга бўлганлар. Ғоявий бирлик – маслақдош инсонлар жамоасини шакллантиради. Шу асосда улар ўз олдларига ҳар бир тарихий шароитда муайян мақсадлар кўйиб, уни амалга ошириш учун ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қиладилар.

Учинчидан, одамнинг хайвондан фарқ қиладиган энг муҳим хусусияти - ўзининг яшаши, турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эга бўлиши.

Фанда «инсон энг ақлли мавжудот», «инсон ўзини-ўзи англовчи мавжудот», «инсон-маънавий мавжудот» деган фикрлар ишлатилади. Одамнинг инсонга айланиши ва жамиятга бирлашиши антропосоциогенез жараёнининг натижасидир. Антропогенез жараёнида онгли меҳнат асосий роль ўйнайди. Меҳнат туфайли инсон ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликлар яратади, шу жараёнда ўзини ҳам ўзгартиради. Меҳнат антропогенез (яъни одамнинг физиологик ва интеллектуал шаклланиши) ва социогенез (жамиятнинг келиб чиқиши, одамнинг инсонга айланиши) жараёнининг марказий омилидир.

Антропосоциогенезнинг иккинчи муҳим омили-тил ва нутқ тили.

Антропосоциогенезнинг муҳим омили одамни такрор ишлаб чиқариш, унинг сон жиҳатдан тобора кўпайиб боришидир.

Ижтимоий-ахлоқий меъёрлар ва нормаларнинг вужудга келиши ҳам антропосоциогенезнинг муҳим томони, одамларнинг жамоа ва жамият бўлиб яшашларининг зарур шартларидан биридир.

Одам антропосоциогенез жараёнининг махсули эканлигини ҳозирги замон фани ҳам тасдиқламоқда. Шунинг учун одамдаги табиийлик билан ижтимоийлик орасидаги алоқадорликни билиш муҳим аҳамиятга эга.

Одам учта буюк қудрат: тана – руҳият – маънавият мажмуи. Одамнинг биологик ҳолати деганда унинг жисмида содир бўладиган морфофизиологик, генетик, электрохимик ўзгаришлар, ёши, ирки, жинсини ифодаловчи аломатлар тушунилади.

Одамнинг руҳий (психологик) ҳолати деганда унинг хис-туйғулари, кайфияти, иродаси, темпераменти назарда тутилади.

Одамнинг маънавияти-унинг фазилатлари, хислатлари, қобилиятлари, малакалари йигиндиси, бўлиб айнан маънавият туфайли одам инсонга айланади.

Фалсафа курсининг антропология бўлимида одам-инсон-индивид-шахс тушунчалари устида тўхталиб ўтган эдик. Одам тирик табиатдаги энг

олий тур, табиат эволюциясининг махсули. Одам узок эволюцион тараккиёт жараёнида ва жамиятда инсон сифатида шаклланади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар унинг инсон сифатида шаклланишига имкон яратиши ёки шахс сифатида барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Инсон – жамиятлашган (ижтимоийлашган) индивиддир. Инсон – ижтимоий-тарихий мавжудот. Ана шу хусусияти билан барча бошка тирик мавжудотлардан фарк қилади. Ундаги барча хислатлар, фазилатлар тарихий тараккиёт туфайли вужудга келган. Индивид ўзига хос хислатлари билан бошқалардан фаркланадиган, алоҳида олинган одам. Индивиднинг ўзига хос хислатларига: а) унинг табиати; б) руҳий ҳолати (характери, темпераменти, ҳаёлот, хотираси); в) ўзига хос фикрлаш тарзи киради. Индивиднинг ўзигагина хос хислатлари – индивидуаллик тушунчасида ифодаланади. Индивидуаллик: а) одамнинг бошқалардан фаркли, фақат ўзигагина хос хислатлари, хусусиятлари; б) у инсонга хос қобилиятлар, талантда намоён бўлади. Индивидуаллик ҳар бир инсоннинг ҳаёти, турмуш тарзи, унинг фаолиятининг барча соҳаларига тааллуқли. Индивидуаллик алоҳида олинган инсоннинг аниқ хатти-ҳаракатлари, малакаси, лаёқати, одат ва кўникмалари ифодаланади. Айни вақтда индивидуаллик инсондаги бетақрорликдир. Инсондаги бетақрорлик: а) унинг тараккиётининг индивидуал босқичида; б) шахс бўлиб шаклланишида намоён бўлади.<sup>1</sup> Инсоннинг индивидуал тараккиёти босқичи ибтидоий жамоа даврига тўғри келади. Бу босқичда инсон ўзининг жисмоний мавжудлигини таъминлашни биринчи ўринга қўяди. Индивиднинг барча эҳтиёжлари фақат уруғ жамоасида қондирилади. Уруғ жамоасининг емирилиши, ижтимоий меҳнат тақсмоти, хусусий мулкчилик, оилавий муносабатлар инсоннинг индивиддан шахс босқичига ўтишига имкон яратади. Одамнинг ижтимоийлик хислати шахсдир. Шахс тушунчасида инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари акс этади. Ҳар бир шахс – инсон, лекин ҳар бир инсонни шахс, деб атай олмаймиз. Шахснинг шаклланиши ибтидоий ҳаётнинг емирилиши, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, кишилар орасида янгича ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва тараккиёти билан боғлиқ. Шахс ўзига хос ижтимоий хислатларга эга бўлган, қобилиятли, онглилик, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаоллиги билан жамиятга таъсир кўрсатадиган одам. Шахс яхлитликни ташкил этувчи жамиятнинг алоҳида бўлаги, унда жамиятда мавжуд бўлган барча ижтимоий муносабатлар жамулжам. Шахс бир-биридан ўз ички дунёси ва ижтимоий манфаатларига кўра фаркланадиган одам.

Жамият тараккиёти жараёнида инсон ўз ички дунёси ва манфаатларига кўра бошқалардан фаркланади ва аста-секин жамоа аъзосидан шахс даражасига кўтарилиб боради.

<sup>1</sup> Фалсафа. Э Юсуповнинг умумий таҳрири остида. – Т. «Шарк» нашриёти, 1999 йил, 283-284 бетлар



Инсон одам сифатида дунёга келади, ижтимоий ҳаётдаги фаоллик даражасига қараб шахс бўлиб шаклланади. Инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида унинг дунёқараши, индивидуал хусусиятлари ҳамда ижтимоий муҳит муҳим ўрин тутлади.

Шахс тушунчасида мазкур инсоннинг барча ижтимоий вазифалари, барча муносабатлари ифодаланади. Инсон амалий фаолият жараёнида шахс сифатида шаклланиб боради. Шахс ижтимоий аҳамиятга эга хислат ва фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсон. Шахснинг хислатлари унинг жамият ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги иштирокида намоён бўлади. Шахснинг хислатлари деганда: а) жисмоний; б) маънавий; в) ижтимоий хислатлари назарда тутилади.

Шахснинг жисмоний хислат-фазилатлари деганда унинг жисми, гавда тузилиши, кийиниши, уй-оиласи, у томонидан яратилган жаъми нарсалар, ўзини муҳофаза қила олиши, ўзи ва бошқалар ҳақида қайғуриши назарда тутилади..

Шахсга хос ижтимоий хислатлар бошқа кишилар билан бўладиган ўзаро алоқа ва муносабатларда шаклланади. Шахснинг турли ижтимоий бирликлар-гурuhlардаги роллари турлича бўлади. Масалан «она», «фарзанд», «қўшни», «дўст», «харидор».

Шахснинг маънавияти, унинг ички олами, рухияти, «мен» лиги ифодаси сифатида намоён бўлади. Шахс моҳиятини ифодаловчи бу томонлар яхлитликни ташкил этади ва инсоннинг «мен» ини ифодалайди.

Шахснинг шаклланиши жамиятда тупланган тажрибаларни, кадриятларни ўзлаштириш жараёнидир. Шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган омилларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- а) инсоннинг ўзига хос биологик хусусиятлари
- б) ижтимоий муҳит

Ижтимоий муҳит деганда, инсон ҳаёти кечадиган жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, информацион, маънавий шарт-шароитлар назарда тутилади. Ижтимоий муҳит-бу жамият, оила, меҳнат ва ўқув жамоалари, қўни-қўшни, дўст-биродарлар.

Ижтимоий муҳитнинг муҳим томонини жамиятдаги мавжуд сиёсий тизим ташкил этади. Жамиятнинг сиёсий тизими шахс қобилиятларини рўёбга чиқаришга имконият яратиши мумкин.

Шахс муаммосининг муҳим томонидан бири-шахс типологияси масаласидир.

Бажарадиган вазифаларига кўра шахсларни а)сиёсий, б) эстетик, в) иқтисодий, г) диний; д) ижтимоий типларга;

ижтимоий хусусиятларига кўра: а) санъат намоёндалари; б) юксак тафаккур соҳиблари; в) қучли ҳиссиёт соҳиблари; г) инсонпарварларга, цивилизацион нуқтаи назардан:

а) шарққа хос шахс типи; б) ғарбга хос шахс типини; психоэнергетик хусусиятларига кўра:

- а) юксак психоэнергетик хислатли (агрессив) шахслар;

б) пастэнергетиклик хислатли, ўз дунёсига ғарк бўлган, мулоқотга киришавермайдиган, ўзига ишонмайдиган, хафакон, ғамгин шахслар;

в) шароитга қараб тез ўзгарадиган шахслар типиларини кўрсатиш мумкин.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, одам – табиатдаги олий биологик тур. Бу тур узок тарихий тараққиёт жараёнида инсонга айланади.

Жамиятда муайян ўрин тутган, ижтимоий муносабатларга кириша оладиган, ўзлигини ва жамиятни, ўзининг жамиятдаги ўрнини англаган инсон-шахс ҳисобланади.

### Адабиётлар:

1. И.Каримов. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий кадрият. – Т., «Ўзбекистон» 2005 йил ёки «Халқ сўзи» газетаси, 8 декабрь 2005 йил.

2. И.Каримов Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., «Ўзбекистон» 1997 йил.

3. Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсупов таҳрири остида.-Т., «Шарк», 1999 йил, 272-283 бетлар.

4. Фалсафа асослари. – Т., «Ўзбекистон» НМИУ, 2005 йил, 272-280 бетлар.

5. Анвар Чориев. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. I китоб – Т., «Chinor ENK», 1998 йил.

6. Инсон фалсафаси. II Мустақил шахс. – Т., «Chinor ENK», 2002 йил.

7. О.Г.Данильян, В.М.Тараненко. Философия – Москва, «ЭКМО» 2005 йил, 365-374 бетлар.

### *Таянч тушунчалар:*

Одам, инсон, индивид, шахс, антропогенез, социогенез, антропосоциогенез, экзистенция.

### **Назорат учун саволлар:**

1. «Одам», «инсон» тушунчаларини изоҳланг. Улардаги умумийлик ва фарқлар нималардан иборат.

2. Қадимги Хинд фалсафасида инсон муаммоси.

3. Қадимги Хитой фалсафаси инсон тўғрисида.

4. Уйғониш даври фалсафасининг инсон тўғрисидаги қарашлари.

5. Ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирлари инсон тўғрисида.

6. Немис классик фалсафаси инсон тўғрисида.

7. Инсон муаммоси ҳозрги замон фалсафасида.

8. Шахс тушунчасининг мазмун моҳияти.

<sup>1</sup> О.Г.Данильян, В.М.Тараненко. Философия - Москва, «ЭКМО» 2005 йил, 365-374 бетлар.

9. «Инсон антропосоциогенез махсули» деган фикрни қандай тушунаси? Изоҳлаб беринг.

10. Шахснинг шаклланишида ижтимоий омилларнинг тутган ўрни.

### 13-мавзу. Жамият ва шахс.

1. Жамият ва шахс муносабатлари ҳақидаги фалсафий фикрлар.
2. Жамият ва шахс орасидаги муносабатлар. Шахснинг тарихий тинлари.
3. Шахснинг жамиятга таъсири. Шахс эркинлиги ва маъсулияти.
4. Мустақиллик шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари.

Жамият ва шахс муносабатлари фалсафа тарихида турлича таҳлил қилинган. Аслида жамият ва шахс муносабатлари одам ва олам муносабатларининг бевосита давоми.

Жамият ва шахс орасидаги муносабат мураккаб характерга эга бўлиб, бу жараён жамиятнинг инсонга ва инсоннинг жамиятга таъсири тарзида намоён бўлади.

Жамиятнинг шахсга таъсирига хилма-хил қарашлар мавжуд. Инглиз файласуфи Джон Локк (1632-1704 й.) бола туғилганда, унинг онги оқ қоғоздек тоза бўлади. Ёмон ижтимоий муҳит ёмон нарсаларни ёзади ва ёмон одамнинг шаклланишига олиб келади. Ёмон одам ёмон муҳитни яхшилашга олмайдиган, деб ҳисоблайди. Джон Локк қарашларида инсон шахсга ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳақида фикр юритилган, инсон пассив субъект сифатида талқин қилинган.

Немис мумтоз фалсафасининг вакили Людвиг Фейербах шахс ва жамият муносабатларига доир антропоцентрик концепцияни ишлаб чиқди. Унинг фикрича, жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш инсон фаолияти туфайли содир бўлади. Бунинг учун дастлаб инсон онгида ўзгаришлар содир бўлиши лозим. Фейербах инсоннинг онгидаги ўзгариш жамиятнинг ўзгаришига сабабчи бўлади, деган фикрни илгари сурди.

Маркча фалсафада инсоннинг шаклланишида ижтимоий муҳит хал қилувчи ўрин тутлади, деган қараш ҳукмрон эди; жамият ва инсон орасидаги муносабатлар бир йўналишда, яъни жамиятнинг инсонга таъсири тарзида таҳлил қилинган. Ҳозирги давр нафақат жамиятнинг инсонга, айни вақтда инсоннинг ҳам жамиятга таъсир кўрсата олишини инобатга олишни тақозо қилмоқда. Фан ва техника ютуқлари инсонлар турмуш тарзининг барча жабҳаларига жадаллик билан кириб бораётган ҳозирги замон цивилизацияси шароитида яқка инсон, алоҳида шахс ҳатто инсоният тақдирида буюк бурилиши ясаши ёки ўта хавф солиши мумкинлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Ана шундай шароитда жамият ва шахс орасидаги муносабатлар муаммосининг илмий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятнинг инсонга таъсири, аввало унинг шахс бўлиб шаклланиш жараёнида акс этади.

Жамият шахснинг шаклланиши жараёнига бевосита таъсир кўрсатади. Жамиятнинг шахсга таъсири: а) мегамухит; б) макромухит; в) микромухит даражасида амалга ошади.<sup>1</sup>

Мегамухит инсоният дунёси, давр мухитининг инсонга таъсири.

Макромухит инсон ҳаёт кечираётган жамият, мамлакат.

Микромухит инсонни ўраб олган, унга бевосита таъсир кўрсатадиган мухит (оила, меҳнат жамоаси).

Шахснинг жамиятга таъсири ҳар бир тарихий даврдаги ижтимоий мухитда турлича кечади. Унинг жамиятга бевосита таъсири микромухитда намоён бўлади. Макро ва мегамухитга таъсири у мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ, миллатнинг аниқ бир тарихий даврдаги эгаллаган мавқеига мувофиқ келади. Шахснинг жамиятга таъсири, унинг ҳаётга муносабатдаги фаоллиги даражасига боғлиқ. Шахсларнинг муайян тарихий даврдаги фаолиятлари, жамиятда тутган ўринларига кўра: а) оддий; б) талантли; в) буюк; г) гений турларини кўрсатиш мумкин. Оддий шахснинг жамиятга таъсири асосан тор доирада – микромухитда бевосита сезилади. Буюк шахслар, тарихий зотлар, даҳолар ўз фаолияти билан жамиятга ижобий ёки салбий таъсир этиши, унинг ҳаётида чуқур из қолдириши мумкин.

Генийлик<sup>2</sup> шахс қобилияти ва фаолиятининг бетакрорлигида намоён бўлади. Гений ижоди ва фаолияти ўзига хослиги билан, инсоният жамияти таракқиёти учун алоҳида тарихий аҳамияти билан характерланади.

Ижтимоий фикр соҳасида буюк шахс тушунчаси қўлланади. Шахснинг буюклиги ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ, элат ёки халқнинг фикр-ўйини ифодалаб, уларнинг асосий мақсад-муддаоларини тарихий жараёнларнинг объектив мантикий талабаларига мос амалга оширишда ҳал қилувчи ишларни бажара олишидадир. Бундай шахснинг фаолиятида ўз халқини бахтли-саодатли қилиш, ўзлигини рўёбга чиқариш, миллий ва давлат мустақиллигини химоя қилиш, ҳуллас инсоният ялпи илгарилама ҳаракатига кўмак бериш белгилувчи ўрин эгаллайди. Бундай ҳолатда шахс тарихнинг субъекти даражасига кўтарилди.

Умуман олганда, ижтимоий таракқиётга ёки таназзулга тарихий шахслар сезиларли даражада таъсир кўрсатадилар.

Шуни эсда тутиш лозимки, шахс типи ижтимоий муносабатларининг реал тизимининг инъикосидир. Шахсни ҳеч қачон жамиятдан, жамиятни шахсдан ажратиб бўлмайди. Жамият шахсиз яшай олмагиндек, шахс жамиятдан ташқарида фаолият кўрсата олмайди. Жамиятнинг шахсга таъсири масаласини юқорида кўриб ўтдик. Жамиятдаги ижтимоий муносабатлар шахсни қандай қилиб шакллантирган бўлса, ўз навбатида шахс ҳам жамиятни шундай тарзда барпо этади. Бундан шахсда у яшайётган, фаолият кўрсатаётган жамият, у мансуб бўлган синф, табақа,

<sup>1</sup> С.Э.Крапивенский. Социальная философия – Москва, 1998, стр. 285-286

<sup>2</sup> Гений лотинча genius сўзидан олинган ва даҳо маъносини ифодалайди.

миллат ёки элатнинг ўзига хос хусусиятлари акс этади, деган хулосага келиши мумкин. Ҳар бир жамиятда ўзига хос шахс типи мавжуд бўлади. Турлича жамият, турли ижтимоий муҳитда шаклланган шахс ўзининг ижтимоий ҳислат, фазилатлари билан бошқалардан тубдан фарқ қилади.

Ижтимоий фалсафада шахс ва жамият муносабатларининг тарихий типлари масаласи ишлаб чиқилган. Унга кўра саноатлашган жамиятга қадар, саноатлашган (индустриал) жамият ва постиндустриал жамиятларига хос муносабатларнинг: а) шахсий қарамлик; б) шахс мустақиллиги; в) эркин шахсдан иборат уч типни кўрсатилган.

Эркин, мустақил шахс постиндустриал жамиятга ўтиш жараёнида шакллана бошлади. Бундай жамиятда билим, ахборот, касбий маҳорат устувор ҳисобланади, хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожлана бошлайди. Қудратли моддий-техник база, тараққий этган ишлаб чиқарувчи кучлари бўлган бундай жамиятда шахс тараққиётининг моддий ва маънавий омиллари етилган бўлади. Очик, эркин жамият эркин шахснинг шаклланиши учун зарурий шарт-шароитларни яратади. Шахс фақат очик, эркин жамиятдагина эркин бўла олиши мумкин. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришган, демократик тараққиёт йўлини танлаб олган давлат ва жамиятда инсон энг олий қадриятга айланади.

Шахс ва жамият орасидаги муносабатларни динамик жараён сифатида ўрганиш ва бунда ҳам жамиятдаги, ҳам инсон шахсидаги ўзгаришларни инobatга олиш лозим бўлади.

Жамият узлуксиз ҳаракатда, ўзгаришда бўлгани сингари, шахс ҳам доимо ҳаракатда, ўзгаришда бўлади ва бу ҳолат шахснинг такомиллашуvidан иборат динамик тизимни ифодалайди. Файласуф олим Анвар Чориев шахснинг шаклланиши ва такомиллашуви уч асосий босқични:

- вужудга келиш, шаклланиш;
- улғайиб бориш;
- такомиллашишни ўз ичига қармаб олади, деб ҳисоблайди.

Жамият ва шахс орасидаги алоқадорликка ижтимоий-тарихий нуқтан-назардан ёндашмоқ лозим. Бу нарса, бир томондан, шахснинг жамиятга таъсири турли даврларда ўзига хос намоён бўлишини келтириб чиқаради. Иккинчидан, жамият турли даврларда шахс олдига турли вазифаларни қўяди. Шунга кўра, Шарқ маданиятида донолик, ботирлик, камтарлик одиллик қадрланган; қадимий Юнонистонда ақлий баркамолликка эришиш юксак баҳоланган; саноатлашган жамиятда тadbиркорлик, ташаббускорлик қадрланган.

Жамият ва шахслар орасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар тахлили шундан далолат берадики, жамиятнинг цивилизацияли тараққиёти шахс ролининг тобора ўсиб боруviга олиб келади. Бу ҳол шахс эркинлиги билан маъсулиятини долзарб масалага айлантиради. Шу муносабат билан

<sup>1</sup> Анвар Чориев. Инсон фалсафаси. II. Мустиқил шахс. - Т., 2002 йил, 105-бет.

эркинликнинг ўзи нима? Эркин шахс қандай шахс? каби саволларга жавоб топиш лозим бўлади. Аввало, эркин шахс деганда мустақил шахс назарда тутилади. Мустақил шахс мустақил фикрлаш, ишлаш, яшаш малакасига эга бўлган индивид.<sup>1</sup>

Шахс мустақиллигини таъминловчи энг муҳим қафолатларидан бири – инсондаги эркинлик ва маъсулият туйғуларининг уйғунлашганидир. Эркинлик муаммосига файласуфлар ўз муносабатларини билдирганлар. Рус файласуфи Н.Бердяевнинг фикрича, эркинлик туфайли инсон танлаш, саралаш имкониятига эга бўлади. Лекин фақат танлашнинг ўзигина эркинликни таъминлаб бера олмайди. Хақиқий эркинлик ижодкорликни тақозо этади. Инсон эркинлигини ижодкорликдан, бунёдкорликдан ажратиш мумкин эмас.

Детерминистик концепция тарафдорлари эркинлик инсоннинг объектив заруриятни англаб олиш қобилияти, деб тушунадилар. Эркинлик танлаш учун имконият мавжуд бўлган жойда вужудга келади. Эркинлик инсоннинг ўз мақсадларига эришишининг муҳим омили, унинг учун берилган имкониятдир.

Эркинлик, шахс эркинлиги волонтаризм ва фатализм фалсафий йўналишларининг бош масаласидир. Фатализм латинча *fatalis* – тақдирга оид, деган маънони англатади. Пифагорчилар, Демокрит, Ницше фатализм намўндалари ҳисобланадилар. Фатализм Қалом фалсафасининг энг муҳим акидаларидан биридир. Фатализм ҳар бир ходиса ва инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари тақдир – азалга, қисматга боғлиқ, деб ҳисоблайди. Фатализм инсон ҳеч нарсага ўзгартира олмайди, барча нарса, ходиса, жараёнлар мазмуни, йўналиши, оқибатлари олдиндан белгиланган, деган гояни илгари суради ва бу билан инсонни ҳеч қандай фаолият кўрсатмасликка, пассивликка, қисматга буйсунишга даъват этади.

Волонтаризм латинча *voluntas* – ирода, деган маънони ифодалайди. Бу фалсафий қараш шахс иродасини тирламчи деб эътироф этади ҳамда тарихий жараёнлар алоҳида шахсларнинг субъектив ҳохишларига асосан амалга ошади, деган гояга асосланади. Волонтаризмнинг мазмун-моҳияти XIX аср немис файласуфи А.Шопенгауэрнинг ирода фалсафасида ўз ифодасини топган.

Мустақил шахсга ҳос асосий хусусият эркинликдир. Эркинлик тушунчасининг маъноси кишининг ўз истаги бўйича иш тутишдир. Эркинлик жамият ҳаётининг турли соҳалари билан бевосита боғлиқ. Шунга кўра эркинлик деганда: а) иқтисодий; б) сиёсий; в) маънавий эркинлик назарда тутилади. Иқтисодий эркинлик, бу аввало мажбур қилишдан озодликдир. Айни вақтда иқтисодий эркинлик инсон томонидан ижтимоий меҳнатнинг турини танлаб олишда, мулкка муносабатда ва қаерда фаолият кўрсатишни танлаб олишда намўён бўлади. Бунда шахс ҳам ўз интилишлари, ҳам реал жамиятнинг реал имкониятларидан келиб чиқади.

<sup>1</sup> Ўша асар. 43-бет.

Сиёсий эркинлик ҳаёт кечириш учун зарур ҳуқуқ ва эркинликларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Тараккий этган жамиятда давлат инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлайди. Сайлаш – сайланиш ҳуқуқи, адолатли давлат тизими, халқнинг давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал қилишдаги ҳал қилувчи иштироки, яъни демократик ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш сиёсий эркинлик тушунчасида ифодаланади.

Маънавий эркинлик деганда, аввало, виждон эркинлиги, жамият маънавий ҳаётида иштирок этиш, маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиш, ижоднинг у ёки бу тури билан шуғулланиш, сўз эркинлиги қабилар назарда тутилади.

Эркинлик маъсулият, жавобгарлик билан бевосита боғлиқ. Эркинлик ва маъсулият инсон фаолиятининг ўзаро узвий боғлиқ икки томонини ташкил этади. Маъсулият аввало, жавобгарлик маъносини ифодалайди. Маъсулият – ижтимоий аҳамиятли бурч ва вазифаларнинг бажарилиши, муайян ахлоқий тамойилларга риоя қилиш бўйича шахснинг жамият аъзолари олдидagi жавобгарлиги. Эркинлик каби маъсулият ҳам хилма-хил кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий маъсулият, шахс маъсулияти, жамоа маъсулияти ва х.к. шулар жумласидандир.

Маъсулият жамият, ижтимоий гуруҳ томонидан шахсга қўйиладиган талаблар асосида шаклланади. Бу талабларнинг шахс томонидан ўзлаштирилиши унинг ҳагто-ҳаракатлари, фаолиятида намоён бўлади. Шахснинг шаклланишида маъсулият хиссини тарбиялаш муҳим ўрин тутди. Маъсулият шахснинг жамият манфаатларини қай даражада чуқур англай олишини назарда тутди. Эркин шахс аввало жамият манфаатларини англаган, жамият олдидagi ўз маъсулиятини чуқур хис эта оладиган инсон. Жамият ҳаёти ва таракқиёти инсон фаолиятининг маҳсули ва кўриниши экан, инсон қанчалик маъсулиятни чуқур хис эта олса, шунчалик у онгли фаолият кўрсата олади.

Шахс эркинлиги ижтимоий таракқиёт омили ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., «Ўзбекистон» 2001 йил.
2. Ислон Каримов. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрят. – Т., «Ўзбекистон» 2005 йил. Газеталар: «Халқ сўзи» 2005 йил 8 декабрь.
3. Иброҳим Каримов. Фалсафадан ваъз матнлари. – Т., 2003 йил, 104-111 бетлар.
4. С.Э.Крапивенский. Социальная философия. – Москва, «ВЛАДОС» 1998 г., стр. 284-303.
5. О.Г.Данильян, В.М.Тараненко. Философия – Москва, ЭКСМО, 2005 йил, 375-383 бетлар.
6. Anvar Choriev. Inson falsafasi – Т., 2006 йил.

**Таянч тушунчалар:**

Шахс, муस्ताқил шахс, эркинлик, маъсулият, карамлик, комил инсон.

**Назорат учун саволлар:**

1. Жамият ва шахс орасидаги диалектик алоқадорликни қандай тушунасиш?
2. Одам, инсон, индивид, шахс тушунчаларига таъриф беринг, улар орасидаги муносабатни таҳлил этинг.
3. Жамият билан шахс орасидаги муносабатлар ҳақидаги қандай фалсафий фикрлар илгари сурилган?
4. Фатализм нима?
5. Волонтаризм фалсафий йўналишида жамият билан шахснинг муносабати қандай таҳлил қилинган?
6. Шахснинг тарихий типларга ажралишининг асосий омиллари, деганда нимани назарда тутасиз?
7. «Эркин шахс» тушунчасини таърифланг.
8. Шахс эркинлиги ва маъсулияти ҳақида нималар дея оласиз?

**14-мавзу. Ижтимоий таракқиёт табиий-тарихий жараён сифатида.**

1. Ижтимоий таракқиёт ва таназзул.
2. Ижтимоий таракқиёт ҳақидаги фалсафий қарашлар.
3. Ижтимоий таракқиёт мураккаб диалектик жараён. Таракқиётнинг эволюцион ва инқилобий (сакраш) йўллари.
4. Ўзбекистон: ижтимоий таракқиётнинг «ўзбек модели» - эволюцион йўл.

Ижтимоий таракқиёт муаммоси фалсафа тарихида қадимдан олимларни қизиқтириб келган. Қадимий Юнон фалсафуши Платон жамиятлар таракқиётининг уч босқичи ҳақида фикр юритади. Булар: а) жамиятга қадар бўлган давр ёки табиий таракқиёт тарихи; б) жамиятнинг ижтимоий ҳолати; в) идеал жамият. Идеал жамият деганда, Платон инсоният орзусидаги жамиятни назарда тутди.

XVI аср инглиз тарихчиси Коллингвуд жамиятлар таракқиёти тарихи ҳақида фикр юритиб, бу - а) шарқ жамияти; б) юнон жамияти; в) Рим империяси; г) Герман империясидан иборат эканлигини кўрсатади.

Француз утописти Сен-Симон (1760-1825 йиллар) жамиятлар тарихини даврлаштиришда ундаги мавжуд иқтисодий тизимни асос қилиб олди ва буларни: а) антик давр (қулдорлик билан боғлиқ); б) ўрта аср жамияти - феодализм билан боғлиқ; в) йирик саноатга асосланган жамият деб атади. Саноатлашган жамиятни таракқиётнинг позитив даври, деб кўрсатди.

Немис классик фалсафасининг йирик вакили Людвиг Фейербах жамият таракқиётининг сабабларини диндан қилдириди.



Француз олими Огюст Конт (1798-1857) жамиятнинг ривожланиш сабабларини маънавий тараққиётдан кидирди ва инсоният жамияти тараққиёти 3 босқичда амалга ошади, булар жамият тараққиётининг ҳамма учун умумий бўлган: а) теологик; б) метафизик; в) позитив босқичларидир, деган фикрни илгари сурди.

Ижтимоий тараққиёт, бу жамият тараққиёти. Бу – унинг ўтмишдан хозир орқали келажак сари илгарилаб боришидан иборат бўлган тарихий жараёндир. Инсоният бир неча минг йиллик ижтимоий тараққиёт тарихига эга. Унинг ривожланиш жараёнини тарих фани ўрганади. Тарих юнонча historian сўзидан олинган бўлиб, ўтмиш воқеалар хақида хикоялар, бўлиб ўтган hodisalar, деган маънони англатади.

Инсоният ўтмишининг ўзига хослиги, кўп хиллигини ўрганиш асосида ижтимоий билимлар хосил бўлади. Тарихий жараёнларнинг фалсафий тахлили билан тарих фалсафаси ёки историософия шугулланади.

Қадимдан олимлар тарихни фалсафий жиҳатдан англашга интиланганлар.

Тарихни англаш – инсоният тарихининг моҳиятини, йўналишини тушуниш, демакдир. Бундай англашнинг асосида «Инсоният жамияти тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб борадими? Агар ўзгариб борса, бу ўзгаришлар қандай тарзда кечади?» каби саволларга жавоб излаш ётади.

Жамиятлар тараққиёти «ижтимоий прогресс» тушунчаси орқали ифодаланади. Прогресс лотинча илгарилама ҳаракат, муваффақият деган маъноларни ифодалайди. Ижтимоий прогресс жамият тараққиётини ифодалайдиган тушунча ҳисобланади. Прогресснинг зиди, унинг тескариси таназзули – регресс. Агар ижтимоий прогресс инсоният жамияти тараққиётининг қуйидан юқорига, номукамалликдан мукамаллик сари боришини ифодаласа, таназзул (регресс) турғунлиги, муайян тарихий даврда илгариги ҳолатидан орқада қолишини ифодалайди. Жамиятга олга қараб тараққий этиш – прогресс хос бўлгани сингари, орқага қайтиш, таназзул, издан чиқиш, регресс ҳам хосдир.

Инсоният тараққиётининг асосини нима белгилайди? Ижтимоий тараққиёт мезонлари борми? Бу масала ижтимоий фалсафий фикрлар тарихида турлича ҳал қилинган. Масалан, Фарбий Европа маърифатпарварлари инсон онги, ақлу-заковатини ижтимоий прогресс мезони, деб ҳисоблаганлар. Кейинчалик, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характерига мувофиқ келиши хақидаги марксча қарашлар илгари сурилди. Ҳозирги давр нуктаи-назаридан қараганда, ижтимоий прогресс бир қанча омилларга боғлиқ ҳодисадир.

Ижтимоий тараққиёт нима? У қандай тарзда кечади? Тарихий жараёнларнинг моҳиятини нима ташкил этади? Инсоният тараққиёти тарихи қайси йўналишда амалга ошади? деган саволлар қадимдан қўйиб келинган ҳамда тарихий жараёнлар, унинг максаси, йўналишлари хақида қадимдан бир қатор назариялар яратилган.

Булар:

1. тарихий жараёнлар, ижтимоий тараққиётнинг бир чизиқли назарияси;

2. тарихий айланма назарияси;

3. тарихий тараққиёт хақидаги ҳозирги замон назариялари.

Тарихий тараққиётнинг бир чизиқли назариясида оламнинг яратилишидан бошланган тараққиёт йўли бир йўналишда, текис давом этиши назарда тутилган.

Қўлгина антик давр олимлари тарихий тараққиётни бир чизиқли тараққиёт сифатида изоҳлаганлар. Антик давр олимлари Пифагор (э.р.ав. 480-410 йиллар) ва Демокрит (э.р.ав. 460-370 йиллар) инсоният тарихи доимо илгарилама тараққий этган, бу ёввойиликдан олтин асрга олиб борадиган тараққиёт йўли бўлган, деб ҳисоблаганлар.

Айрим антик давр файласуфлари, масалан Гесиод, Сенека, жамият тараққиётини регресс – таназзул, орқага қайтиш тарзида тушунганлар. Уларнинг фикрича, ижтимоий тараққиёт «олтин аср»дан «темир асри»га қараб боради, яъни орқага қайтади. Бунда жамият емирилади, ахлоқ йўқолади.

Ижтимоий тараққиётнинг доиравийлиги ёки тарихий айланма назарияси қадимий Юнон файласуфлари Платон, Аристотель томонидан илгари сурилган. Улар инсоният тараққий этиб боради, лекин бу тараққиёт доиравий тарзда содир бўлади ва жамият тараққиёт натижасида доимо ўзининг бошланғич ҳолатига қайтади, деб ҳисоблаганлар.

Ўрта аср файласуфлари ижтимоий тараққиётни инкор этмаганлар, уни Худо иродасига боғлаб тушунтирганлар.

Инсоният тарихидаги умумийлик ва хилма-хиллик тўғрисидаги қарашларни италиялик файласуф Джамбаттиста Вико (1668-1744 й.) илгари сурган. У ўзининг «Миллатларнинг умумий табиати тўғрисида янги фаннинг асосланиши» китобида ер юзидаги барча миллатлар тараққиёти уч давр доирасида циклик ривожланиб бориши тўғрисидаги тарихий айланма назариясини ишлаб чиққан. Булар:

1. «худолар асри» - ҳомийларга бўйсуниш даври;

2. «қахрамонлар асри» - аристократик давлат даври;

3. «инсонлар асри» - ваколатли монархия ёки демократик республика даври. Ҳар бир босқич охир-оқибат инкирозга учрайди ва парчаланиб кетади ва ҳар сафар тарихда шу тарздаги айланма ҳаракат такрорланади, деб ҳисоблаган.

Ҳозирги замон фалсафасида тарихий тараққиёт муаммоси бўйича асосан уч хил нуқтаи-назар мавжуд:

а) жамият тараққиётига формацион ёндошув;

б) цивилизацион ёндошув;

в) жамият тараққиётига қонуний жараён сифатида системали ёндошув.

Тарихий жараёнларга формацион ёндошувга кўра, инсоният тарихи яхлит табий-тарихий жараён. Бу жараён ижтимоий-иктисодий формацияларнинг кетма-кетликда ўрин алмашувини англатади. Ижтимоий-иктисодий формациялар тўғрисидаги фалсафий таълимот Карл Маркс (1818-1883 йиллар) томонидан илгари сурилган. Бу таълимотга кўра, ижтимоий тараккиётнинг муайян босқичида турган жамият ижтимоий-иктисодий формациядир. Жамиятлар тараккиёти ижтимоий-иктисодий формацияларнинг ўзаро алмашинуви тарзида кечади. Маркс жахон тарихини бир формациядан иккинчи формацияга ўтишдан иборат чизикли ривожланиш сифатида тахлил этди. Маркснинг ижтимоий тараккиёт тўғрисидаги қарашлари тарихни материалистик тушуниш назарияси, деб юритилади.

Формацияли тараккиёт деганда

- 1) ибтидоий жамоа тизими;
- 2) қулдорлик;
- 3) феодализм;
- 4) капитализм;
- 5) социализм (коммунизм) формациялари назарда тутилади.

Ижтимоий тараккиётга формацион муносабат тарихнинг моҳиятини тушунишга маълум даражада имкон беради, лекин Маркс томонидан илгари сурилган тарихни материалистик тушуниш назариясининг бир ёқламалиги тобора аён бўлиб қолмоқда, зотан тарихий тараккиётнинг ҳамма босқичларида ижтимоий-иктисодий муносабатлар жамият ҳаёти асосини белгилаши шарт эмас. Турли халқлар, мамлакатларнинг тарихини узлуксиз тараккиёт этиб боровчи ижтимоий-иктисодий формация сифатида тушуниш етарли эмас. Ҳозирги даврда жамиятлар тараккиётини 5 формациядан иборат, тараккиётнинг ўзи узлуксиз чизикли ривожланиш тарзида кечади, деган қараш ижтимоий тараккиётнинг бутун мураккабликларини тушунишга етарлича имкон бермайди.

XIX-XX асрларда ижтимоий тараккиётга цивилизацияли ёндошув қарор топа бошлади. Бу нуктаи-назарга кўра, инсоният тарихи кўпдан-кўп турли цивилизациялар тарзида намоён бўлади.

Цивилизацияни ёндошув файласуфлар Николай Данилевский, Освальд Шпенглер, Арнольд Тойнби каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Жамият тараккиётига цивилизацияли ёндошув муайян жамиятнинг ижтимоий-руҳий қиёфаси, халқнинг менталитети ҳақида фикр юритиш, жамият тараккиётини маданиятнинг ўрнини тўғри тушуниш имконини беради. Тарихий тараккиёт, бу – инсоният цивилизациясининг шаклланиши ва тараккиётидир.

Ижтимоий тараккиётга цивилизацияли муносабат маданий тараккиётни инсон ва жамият ривожланишининг асосий омили сифатида олиб қараш имконини беради.

Цивилизацияли ёндошув инсоният тарихига ўзига хос такрорланмас ижтимоий воқеалик, деб қарашга асосланган. Бунда ҳар бир цивилизация

Ўзининг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида муайян асосий босқичларни босиб ўтади. Жамият тарихига цивилизацияли ёндошув формацион ёндошувдан бир катор хусусиятлари билан фаркланади:


1) У барча жамиятларни эмас, балки жамият тараққиётидаги алоҳида босқич, алоҳида цивилизацияларни ўрганишга қаратилган.

2) Формацион қарашда асосий эътибор жамият ҳаётининг иқтисодий омилларига қаратилган бўлса, цивилизацияли ёндошувда маънавий омиллар асос сифатида олинади.

Бу ёндошувга кўра цивилизацияли тараққиёт 2 босқичда намоён бўлади. Бу – а) Цивилизацияга қадар бўлган тараққиёт; б) Цивилизацияли тараққиёт.

Буни куйидаги схема орқали ифодалаш мумкин:

**Схема 1.**



Николай Данилевский (1822-1885 й.) маданий-тарихий тараққиёт (цивилизация)нинг типларини фаолият турлари асосига қурган. Унинг фикрича, цивилизация инсон фаолиятининг энг муҳим тўрт тури: а) диний; б) маданий; в) сиёсий; г) иқтисодий-сиёсий типларда намоён бўлади. Худди тирик организмларда бўлгани сингари жамиятнинг маданий-тарихий типлари ўзаро бир-бири ва ташқи муҳит билан қурашади ва ҳар бир тип тўрт босқични ўз бошидан кечиради: туғилиш, кучга тўлиш, кексайиш ва ҳалокат (деградация). Олим маданий-тарихий тараққиёт қонунлари ҳақида фикр юритади.

Немис олими Освальд Шпенглер (1890-1936 йиллар) умуминсоний маданият йўқ, алоҳида, бошқалардан фарқ қиладиган маданият бор, деб ҳисоблайди. У инсоният тарихида 8 маданият тури: Миср, Ҳинд, Бобил, Ҳитой, Юнон-Рим, Араб, ГАРБИЙ Европа ва Майя маданиятларини кўрсатган. Ҳар бир маданий организм муайян бир давр мобайнида мавжуд бўлади (тахминан 1000-1500 йил), сўнг цивилизацияга айланиб ҳалок

бўлади. Маданиятнинг ҳар бир тури ўзининг чуқур мазмунига эга ва инсоният тарихида муҳим ўрин тутди. Маданиятлар тақдири, тили ва қалбини англай билиш тарихни англашдир, деб ҳисоблайди, у.

Ижтимоий тараққиётга цивилизацияли, ёндошув вакили инглиз олими Арнольд Тойнби (1889-1975 йиллар) бўлиб ҳисобланади. Тарих, деб фикр юритади олим, алоҳида ўзига хос цивилизациялар тарихидан иборат. Тойнби цивилизацияни динамик характерга эга, деб билади. Ҳар бир цивилизация шаклланиш, тараққиёт, таназзул, емирилиш тарихий босқичларини ўз бошидан кечиради ва ўз ўрнини янги цивилизацияга бўшатиб беради. Арнольд Тойнби маънавий юксалишни ижтимоий тараққиётнинг сабабларидан бири деб кўрсатади. Олим цивилизациялар орасида Марказий Осиё цивилизациясига алоҳида ўрин ажратган. У ўзининг «Тарихни билиш» асарида цивилизациянинг 13 типини ажратиб кўрсатган.

Ижтимоий тараққиёт, тарихнинг моҳияти муаммоси XIX аср охири ва XX асрда немис файласуфи Карл Ясперс, америкалик олимлар Олвин Тоффлер ва Франсис Фукуяма қарашларида ўз ифодасини топган. Немис файласуфи Карл Ясперс (1883-1969 йиллар) 1949 йилда нашр этилган «Тарихнинг маъноси ва вазифаси» асарида жамиятнинг объектив қонунлари мавжудлигини инкор этади. У ижтимоий тараққиёт ҳақида «Жаҳоний вақт ўқи» ғоясини илгари суради ва жаҳон тараққиётининг бири-биридан фаркланадиган тўрт даврнинг кўрсатиб ўтади. Дастлабки икки даврда одамлар тилга эга бўлди, меҳнат қуролларини яратди ва оловни қашф этди. Бунинг натижасида милоддан аввалги 5-3 минг йилликларда Хиндистон, Ҳитой, Миср, Месопотамия маданияти шаклланди.

Учинчи давр милоддан аввалги 8-2 асрлар – Юнонистондан Ҳитойга қадар маънавий юксалик қарор топди. Бу давр чексиз имкониятларни вужудга келтирди. Тўртинчи даврни 17-20 асрларда Европада илмий-техник цивилизациясининг қарор топиш даври бўлди, деб таърифлайди.

Франсис Фукуяма ижтимоий тараққиёт ҳақида «тарихнинг интиҳоси» ғоясини илгари сурди. У тарихнинг интиҳосида жамият ва давлат инсон учун мақбул шаклга кела билади, жамиятда либерал ғоялар ғалаба қозонади. Жамиятни ташкил этилишининг энг мақбул йўли – либерализмдир, деб ҳисоблайди, у. Олим инсоният тарихининг моҳиятини жамият аъзоларининг барча манфаатларини қондира оладиган, барча асосий зиддиятлар ечимини таъминлай оладиган жамият қуриш ташкил этади, деган ҳулосага келади.

Ижтимоий тараққиётнинг муҳим муаммоларидан бири унинг қай тарзда кечиши муаммосидир. Ижтимоий тараққиёт диалектик зиддиятли жараён, унинг оқибатида эски, аввалги жамиятнинг ўрнини янги жамият эгаллайди. Демак, жамият тараққиёти унинг бир сифат босқичидан иккинчисига ўтишдир. Бундай ўтиш ўз характериға кўра икки кўринишда намоён бўлади.

1) эволюцион тараккиёт;

2) инкилобий тараккиёт.

Эволюция лотинча *evolutio* сўздан олинган бўлиб, ривожлантириш, авж олдириш маъноларини англатади. Эволюцион ўтиш тадрижий ривожланиш усули ҳисобланади. Бунда ижтимоий тараккиёт аста-секинлик билан содир бўлади.

Жамият тараккиётининг инкилобий йўли унинг бир сифат боскичидан иккинчисига портлаш йўли билан, зўрлик йўли билан ўтишдир. Инкилоб арабча сўз бўлиб, ағдарилмоқ, кўтарилмоқ маъноларини ифодалайди. Инкилоб жамият тараккиётининг боскичма-боскич, тадрижийлик ҳолатидан кескин сифат ўзгаришларига ўтиш жараёнларини англатади. Жамиятнинг бир ҳолатидан иккинчисига портлаш йўли билан ўтиши социал инкилоблар орқали амалга оширилади. Ижтимоий инкилоб жамият ҳаётининг барча соҳалари – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётдаги кескин бурилишларни, сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради. Ижтимоий инкилоб деб сиёсий тизимни зўрлик билан ағдариб ташлаш назарда тутилади.

Ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон ижтимоий тараккиётининг эволюцион йўлини танлаб олди. Бу йўл ижтимоий тараккиётнинг «Ўзбек модели» номи билан машҳур. Бу йўлнинг мохияти Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йўли» асарида назарий жиҳатдан асослаб берилган. Тараккиётнинг «Ўзбек модели» ижтимоий ларзаларсиз, инкилобий сакрашларсиз, ўзимизга хос тадрижий йўлдан бориш, бозор муносабатларига боскичма-боскич ўтишни назарда тутди.

Жамият тараккиётига қонуний тарзда ёндошув тараккиётнинг эволюцион йўли тарихий-тадрижий жараён эканлигини эътироф этади ва айни чоғда унда инсон омили ижобий ёки салбий роль ўйнаши мумкинлигини илмий жиҳатдан асослайди.

Ҳозирги замон фани жамиятда юз бераётган барча ижтимоий сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ҳодиса ва жараёнла муайян қонунлар асосида вужудга келишини, ривожланишини ҳамда қатъий қонуниятларга бўйсунушини кўрсатади. Бу қонунлар жамият қонунлари, деб номланади. «Жамият қонунлари – кишиларнинг ижтимоий эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб, онгли ва маълум мақсадни кўзлаб амалга оширилган фаолиятлари натижасида вужудга келадиган ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги ички, умумий, муҳим, зарурий ва тақрорланувчи боғланишлар, алоқалар, муносабатлар мажмуидир».<sup>1</sup> Жамият қонунлари ижтимоий манфаатлар ифодаси ҳисобланади.

<sup>1</sup> Хайдаров Х.Ф. Жамият қонунлари - ислохотлар жараёнларини билиш ва бошқариш омили. Т., 2002 й., 14-бет.

### **Адабиётлар:**

1. Фалсафа ўқув қўлланма. – Т., «Шарк» 1999 йил, 268-276-бетлар.
2. Фалсафа асослари. – Т., «Ўзбекистон» НМИУ, 2005 йил, 284-288 бетлар.
3. Ж.Туленов. Жамият фалсафаси. Олтинчи бўлим. – Т., 2001 йил, 24-28 бетлар.
4. Falsafa – Т., 2006 йил, 444-464 бетлар.
5. С.Э.Крапивенский. Социальная философия. – Москва, «ВЛАДОС», 1998 г., стр. 53-60, 151-174.
6. О.Г.Данильян, В.М.Тараненко. Философия – Москва, ЭКСМО, 2005 г., стр. 437-446.
7. Хайдаров Х. Жамиятда қонунларнинг амал қилиш шарт-шароитлари. // «Хуқуқ» журнали, 2002 й., 3-сон, 15-17 бетлар.

### **Таянч тушунчалар:**

Ижтимоий тараккиёт, тарих фалсафаси, чизикли тараккиёт, тарихнинг айланма назарияси, прогресс, регресс, эволюцион тараккиёт, инкилобий тараккиёт, жамият қонунлари.

### **Назорат учун саволлар:**

1. «Ривожланиш», «тараккиёт», «ижтимоий тараккиёт» тушунчаларининг моҳиятини тушунтиринг.
2. Ижтимоий прогресс нима?
3. Регресс нима?
4. Ижтимоий тараккиётга чизикли ёндошув асосида нима ётади?
5. Тарихий айланма назариясининг моҳияти нимадан иборат? Бу назарияни ким асослаб берган.
6. Ижтимоий тараккиётга ҳозирги замонда шаклланган ёндошувлар деганда нималар назарда тутилади?
7. Ижтимоий тараккиётга формацияли ёндошувнинг моҳияти ва камчиликлари?
8. Ижтимоий тараккиётга цивилизацияли ёндошувнинг мазмунини изоҳланг
9. Ижтимоий тараккиётга цивилизацияли ёндошувнинг асосида нима ётади?
10. Рус олими Данилевскийнинг ижтимоий тараккиёт тўғрисидаги қарашлари.
11. Қайси олим маданиятни ижтимоий тараккиётга қарама-қарши қўяди?
12. Карл Ясперснинг ижтимоий тараккиёт ҳақидаги қарашлари.

## 15-мавзу. Ижтимоий тараққиётнинг субъектлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари.

1. Ижтимоий тараққиёт табиий тарихий жараён сифатида. Ижтимоий эҳтиёжлар, манфаатлар тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида.

2. Ижтимоий тараққиётнинг субъектлари. Ижтимоий тараққиётнинг субъектлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисидаги қарашлар.

3. Халқ – тарих ижодкори. Синфлар, миллатларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни.

4. Тарихий шахс тушунчаси. Тарихий шахсларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни тўғрисида.

Агар ижтимоий тараққиёт табиий-тарихий жараён бўлса, уни ҳаракатга келтирувчи кучлар қимлар, деган савол келиб чиқади. Жамият тараққиёти қимга ва нимага боғлиқ?

Аслида ижтимоий тараққиётнинг юзага келиши икки хил омилга боғлиқ: а) объектив шарт-шароитларга; б) субъектив омилга. Муайян тарихий жараёнлар объектив шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Маълумки, табиатдаги ҳар қандай ўзгариш ўзидан-ўзи, қонуний тарзда рўй беради. Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар эса кишиларнинг муайян етилган ижтимоий эҳтиёжлари манфаатларини ифодалайдиган онгли фаолиятлари натижасида содир бўлади.

Жамиятдаги ҳар қандай ҳаракат, ўзгариш, тараққиёт асосида кишиларнинг ижтимоий эҳтиёж ва манфаатлари ётади. Жамият тўғрисида берилган таърифни бир бор эсланг. Кишиларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш жараёнида бошқалар билан алоқа-муносабатларга киришишлари оқибатида жамоа, яъни жамият ўзидан-ўзи шаклланди. Эҳтиёж, манфаатлар – жамиятни ҳаракатга келтирадиган қудратли куч. Индивидлар ва гуруҳларнинг фаолиятлари негизда уларнинг ангадиган манфаатлари ётади. Жамиятнинг, алоҳида кишилар, ижтимоий гуруҳларнинг етилган ўз манфаатларини англашлари ва шу асосдаги фаолиятлари оқибатида ижтимоий тараққиёт содир бўлади. Ижтимоий тараққиёт субъектлари – ўз манфаатлари йўлида онгли, муайян мақсадга йўналган фаолият олиб борадиган халқ оммаси, миллат, синф, тарихий шахслар, буюк зотлардир. Ижтимоий тараққиёт субъектларининг онгли фаолияти субъектив омил, деб юритилади. Субъектив омил деганда тарихий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи кишилар фаолияти назарда тутилади. Тарихни халқ яратади, лекин кишиларнинг онгли фаолияти объектив қонунларга мувофиқ келиши ёки қелмаслиги мумкин.

Ижтимоий тараққиётнинг моҳияти, субъектлари, ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақида хилма-хил қарашлар илгари сурилган. Волонтаризм назарияси ижтимоий тараққиёт қонунларини инкор этади ва ижтимоий тараққиётдаги ҳал қилувчи нарса, бу кучли ирода, ирода барча мажбуротнинг асоси, деган қарашни илгари суради. Унга қўра, тарихий



жараён уни амалга оширувчи субъектларнинг хохиш-иродаси туфайли содир бўлади. Бундай нуктаи-назар Германияда – Г.Риккерт, М.Вебер; Англияда Б.Рассель, А.Тойнбилар томонидан илгари сурилган.

Фатализм фалсафий йўналиши хар бир ходиса, инсониятнинг барча хатти-ҳаракатларини тақдирга боғлаб, тушунтиради. Фатализм жамият конунларини инкор этиб, барча жараёнлар аввалдан белгиланган, инсон бу жараёнлар йўналишини ўзгартира олмайди, деган гояга асосланади.

Тақдирни ўзгартириб бўлмаслиги, унга тан бериш тўғрисидаги гоялар фанларда айниқса ўзини яққол намоён этади. Нодон сиёсатчилар, давлат арбоблари (подшолар, хонлар)нинг бундан фойдаланиб, ўз лаёқатсизликларини бундай гоя билан изоҳлаб келганлари тарихдан бизга маълум.

Табиатда объектив конунлар амал қилгани сингари, жамият конунларини ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин, жамият конунлари амал қилиш хусусиятларга кўра табиат конунларидан фаркланади. Жамият табиий-тарихий жараён бўлиб ҳисобланади. Жамият тараққиёти шунинг учун ҳам табиий-тарихий жараёнки, у зарурий тарзда кечади. Табиатда бўлгани сингари жамиятда ҳам узлуксиз равишда ҳаракат, ўзгариш, тараққиёт содир бўлади. Жамият тараққиёти шунинг учун ҳам тарихий жараёнки, бу жараёнда инсон омили мавжуд бўлади. Агар одамлар, уларнинг ижтимоий-сиёсий уюшмалари (давлатлари, партиялари, ижтимоий ҳаракатлар, касбий ва ижодий уюшмалари) тарихан етилган эҳтиёжларни англаб ва ижтимоий конунларга таяниб ҳаракат йўналиши белгиласалар, унда ижтимоий тараққиёт тезлашади. Масалан, бозор иқтисоди муносабатларида ўзаро рақобат конуни амал қилади. Агар жамиятда соғлом рақобатга йўл очиш асосий майл (тенденция) бўлса, унда тараққиёт тезлашади. Мабодо жамиятда носоғлом рақобатдан манфаатдор кучлар учун шарт-шароит яратиш тенденцияси етакчи бўлиб қолса, унда жамият маълум бир даврда турғунликка ва ундан таназзулга учрайди. Демак давлат, унинг маҳкамаларида ишлаётган кадрлар, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатларга бошчилик қилаётган шахсларнинг ижтимоий конунларга амал қилиб, фаолият белгилашлари фавқулодда ахамият касб этади.

Тарихий тараққиётнинг субъектлари деганда: а) халқ; б) синфлар, миллатлар; в) буюк шахслар (сиёсий арбоблар, илғор фикрловчи олимлар) назарда тутилади.

Тарихий жараёнларнинг субъекти халқ ҳисобланади. «Халқ» тушунчаси аввало бирон мамлакат ёки давлатнинг аҳолиси тушунчасини, шунингдек, элат, эл, халойик, бир гуруҳ кишилар маъноларини ифода қилади.

Халқ аввало муайян ижтимоий бирликдир. Айни вақтда халқ этник бирликдан ёки ижтимоий-иқтисодий, синфий бирликдан фарқли ҳисобланади. Этник бирлик деганда этнос, миллат назарда тутилади. Халқ вақилин ҳисобланган индивид муайян этносга мансуб бўлади. Халқ турли

ижтимоий гуруҳлардан ташкил топиши, мураккаб ижтимоий-синфий таркибга эга бўлиши мумкин.

Халқ оммаси ижтимоий бирлик сифатида бошқа бирликлардан ўзига хос томонлари билан фарқланади:

биринчидан, халқ – умумий тақдир асосида бирлашган кишилар. Ягона ҳудудда истикомат қилиш, ўз давлатчилигига эга бўлишдек белги халққа хос белги ҳисобланади. Лекин ҳар доим ҳам бу белги яққол намоён бўлавермайди;

иккинчидан, халқ умумий интилиш, умумий эътиқод ва ғоя йўлидаги бирлашувни ифодалайди. Истибодга қарши тарихан юзага келган бирлашувни бунга мисол бўла олади;

учинчидан, халқ – тарихий хотира ва истиқбол йўлидаги бирлашувдир. Халқ оммаси умумий тақдир, тарихий хотира, умумий эътиқод ва ғоя, тарихий тараққиёт истиқболлари йўлида маълум бир мамлакатда бирлашган ижтимоий яхлитликдир.

Халқ тушунчаси билан бир қаторда оломон тушунчаси ҳам қўлланилади. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида оломон – ўз-ўзидан, стихияли равишда тўпланган одамлар, халойик, деб таърифланган<sup>1</sup>.

Халқнинг шаклланиши мураккаб босқичли жараён ҳисобланади. Бу жараённинг дастлабки, қуйи босқичи, омма, оломон бўлиб ҳисобланади. Оломон хали уйғонмаган, муҳим социал мақсадни англаб етмаган одамлар уюшмасидир.

Кўп йиллар давомида халқни авомга, оломон йўлига қайтаришга уринишлар бўлди. Мажбуран коллективлаштириш, оммавий катағонлар, бюрократик режим юзага келтирган ижтимоий-руҳий вазият, «казармавий социализм» таъсири оқибатида ташаббускорлик бўғилди, иккиюзламачилик, бефарқлик, ҳар қандай шароитга мослашиш, кўрсатма билан яшаш, боқимандалик ҳислатлари шаклланди, руҳий қарамлик авж олди.

Оломоннинг бирлашиши, халққа айланиши тарихий жараёнлар натижаси ҳисобланади. Бунда онглилик, ўзлигини англаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўтмишини англаш, келажак истиқболи йўлида қайгуриш жамият аъзоларини бирлаштиришнинг омили ҳисобланади ва бунда миллий ғоя муҳим ўрин тутати. Миллий ғоя ва мафкура халқни истиқбол йўлида бирлаштиради. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришган Ўзбекистон аҳолисининг орзу-умидлари, интилишлари, мақсад-муддаоларини ўзида акс эттирган миллий истиқлол ғояси ва мафкураси «халқни-халқ, миллатни-миллат» қилишга хизмат қилиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.<sup>2</sup>

Халқ оммаси тарихий тараққиётнинг хал қилувчи кучи ҳисобланади. Халқ оммасининг хал қилувчилик кучи аввало жамият ҳаётининг энг

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 1 том – Москва, 1981 йил, 534-бет.

<sup>2</sup> Ислом Қаримов Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., «Ўзбекистон» нашр., 1998 йил.

асосий соҳаси – иктисодий ҳаётда, моддий неъматларни ишлаб чиқаришда яққол намоён бўлади. Халқ жамиятнинг энг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади.

Меҳнатқаш омма моддий бойликларни ишлаб чиқаради, меҳнат қуролларини ҳаракатга келтиради, уларни такомиллаштиради.

Халқнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни бекиёс. Халқнинг манфаатини ҳисобга олиш давлат сиёсатда ўз ифодасини топади. Халқ эркинликлар, демократик ҳуқуқлар учун кураш олиб боради. Халқнинг ҳал қилувчилик роли айниқса социал инкилоблар даврида яққол намоён бўлади. Халқ бутун инсоният тарихи давомида озодлик учун қарамликка, босқинчиликка, истибодга қарши кураш олиб борган.

Халқнинг маънавий ҳаётдаги ўрни ниҳоятда катта. Маънавиятнинг асосини тил ташкил этади. Халқ тилини яратади, уни авлоддан-авлодга етказилади. Халқ – маънавий кадрлар манбаи. Барча фан, адабиёт, санъат намоёндалари ўз асарларида халқнинг орзу-интилишларини акс эттирганлар, энг буюк олимлар, санъат арбоблари халқ орасидан етишиб чиққан.

Ижтимоий тараққиётнинг субъекти синфлар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ҳисобланади. Халқ турли синфлар, ижтимоий гуруҳлардан иборат бўлиб, улар жамиятда ўз муносиб ўринларига эга бўлиш учун курашадилар. Аммо инсоният тарихи, Маркс айтганидек, мурасасиз синфий курашлар тарихидан иборат эмас. Инсоният тарихи ижтимоий қонунларнинг амал қилиш тарихидан иборат. Она-табиат бағрида барча турлар, жумладан одам ҳам бир тур сифатида, Ер деб аталган табиат тараққиётининг маълум бир босқичидан ўзидан-ўзи вужудга келиб, қарийб 5 миллион йил давомида одамлар гала-гала бўлиб яшаш учун курашганлар. У пайтда на социал гуруҳ ва на синф бўлган. Фақат Кроманьон типидagi одамларнинг физиологик тузилиши, мия морфологиясининг такомиллашуви ва ақлий салоҳияти юқсак даражага кўтарилгач, уларгина жамият сифатида яшаш имкониятига эга бўлганлар.

«Ибтидоий одамлар» тушунчаси билан «ибтидоий жамият» тушунчаси ўртасидаги фарқни билмаслик баъзи «олим»ларда юқоридаги каби ғайририилмий тасаввурлар ҳосил бўлишига сабаб бўлмоқда. Мулкий муносабатлар вужудга келгач, у мулкни муҳофаза қилиш ва бошқариш учун давлатга эҳтиёж пайдо бўлган. Шу эҳтиёжлар туфайли ҳар бир минтақада бир-биридан ажралган, ўзидан-ўзи шаклланган элатлар, халқлар ва ниҳоят, миллатлар пайдо бўлди. Жамиятдаги синфий курашга нисбатан синфий ҳамкорлик тенденцияси (майли) ҳар доим етакчи бўлиб келган. Бинобарин, инсоният тарихини синфий курашлар тарихи этиб кўрсатиш объектив ҳақиқатга ҳилоф бўлиб, бундай ёндошувлар амалда қонли инкилоблар, зўравонликларни оқлайди; жамият ўз ички қонунлари билан соддадан мураккаб алоқаларга киришаётган одамлардан иборат тизим эканлигини инкор қилишга сабаб йўқ.

Тарихий тараккиётнинг субъектлари доирасига миллатни киритиш лозим бўлади. Миллат – тил, маънавият, миллий ўзликини англаш, руҳият, урф-одатлар анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи, ижтимоий алоқалар билан боғланган, мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлиги.<sup>1</sup>

Халқ оммаси, синфлар, миллатларнинг тарихий тараккиётдаги ўрни ва ахамиятини пасайтирмаган ҳолда, тарихда шахсларнинг ўрнига ҳам алоҳида эътибор бермоқ лозим. Тарихда шахсларнинг туғган ўрни ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Одам кичик ва катта ижтимоий муҳитда яшайди, ишлайди ва яшаш учун, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш учун курашади. Бинобарин, ижтимоий муҳит шахслар ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш учун нечоғлиқ шарт-шароит яратса, шахслар ҳам бу муҳитнинг инсоний ёки ғайринсоний бўлишига ҳисса қўшадилар. Шахс ҳар бир даврда ўзи меҳнат қилаётган муҳитда мавжуд бўлган муайян ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатларни англаб, жамоани ўз ортидан эргаштира олади. Унинг тор бир гуруҳ манфаатларини ёки халқ, миллат манфаатларини химоя қилишига қараб муносабат белгиланади. Шахс ўз индивидуал хислатлари билан муайян меҳнат жамоаси ёки бирон ижтимоий ҳаракатга қандай таъсир қўрсатишига қараб кадрланади ёки кадрсизланади.

Муайян тарихий жараёнларда йирик ижтимоий ҳаракатларга бошчилик қилган кишилар ўзларидан тарихда яхши ёки ёмон ном қолдирадилар. Сиёсий ҳаракатларга бошчилик қиладиган тарихий шахсларда жамият тараккиётини тезлатиш ёки секинлатиш, ҳатто орқага қайтариш имконияти катта бўлади. Агар тарихий шахслар етилган эҳтиёжларни теран англаб, ё билиб, ё фаҳмлаб (интуиция орқали) ижтимоий қонунлар доирасида қарорлар қабул қилса, унга ўз ғоялари билан қўпчиликни ишонтира ола, ижтимоий тараккиётни тезлатишга катта ҳисса қўшган бўлади. Тарихий шахслар ижтимоий қонунларни билмаса, ёки билса-ю, унга амал қилмасдан вольонтаристик (ўз иродасига зўрлик билан қўндиришга қаратилган) қарорларни амалга оширишга интилса, унда тараккиёт секинлашади. Бундай шахслар тарихда ўзларидан ёмон ном қолдирадилар.

Тарихий шахсларга умуминсониятга хизмат қиладиган қашфиётлари билан машҳур олимлар, шунингдек жамиятда маънавиятни қарор топтиришга хизмат қиладиган диний арбоблар ҳам қиради.

Шундай қилиб, ижтимоий тараккиёт мураккаб табиий-тарихий жараён бўлиб, у ўзининг ички қонуниятларига эгадир. Одамлар, уларнинг уюшмалари бу қонунларни англаб олиб, шу жараёнда ижтимоий тараккиёт ва инсон камолотига ҳисса қўшишлари мумкин. Бу жараёнда эҳтиёж, манфаатлар жамият ҳаёти ва тараккиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи

<sup>1</sup> Фалсафа. Қомусий лугат. – Т., 2004 йил. 261-бет.

хисобланади. Ижтимоий тараққиёт халқ оmmasи, ижтимоий гуруҳлар, синфлар, миллатлар, тарихий шахслар фаолияти натижасида содир бўлади.

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» - Т., «Ўзбекистон» 1998 йил.
2. Каримов И.А. «Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир» - Президент Ислоҳ Каримовнинг Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимидаги нутқи – «Гулистон» 1997 йил 1-сон.
3. Крапивенский С.Э. Социальная философия. – Москва, «ВЛАДОС» 1998 йил 55-101, 335-354 бетлар.
4. Введение в философию. Част 2-1 – Москва, 1990 г., стр. 466-479.
5. В.С.Барулин. Социальная философия – Москва, 1999 г., стр. 311-328.
6. Ж.Туленов Жамият фалсафаси. Олгинчи бўлим. – Т., 2001 йил.
7. Фалсафа. Ўқув қўлланма. – Т., «Шарқ» нашр., 1999 йил, 299-300 бетлар.

#### ***Таянч тушунчалар:***

Манфаат, эҳтиёж, буюк шахс, халқ, оломон, вольонтаризм, фатализм.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ижтимоий манфаат, деганда нимани тушунасан?
2. Ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи нимадан иборат?
3. Тарихий жараёнларнинг субъекти деганда нималар назарда тутилади.
4. «Халқ» тушунчасининг тавсифланг.
5. «Халқ – тарих ижодкори» деган фикрни асосланг.
6. Волонтаризм фалсафий қарашининг мазмуни?
7. Фатализм қандай оқим?
8. Жамият тараққиётида инсон омилининг туган ўрни.

### **16-мавзу. Цивилизация: унинг Ғарбона ва шарқона талқини.**

1. Цивилизация. Цивилизация ҳақидаги фалсафий қарашлар.
2. Цивилизация ва маданият. Цивилизациянинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Цивилизация: Шарқ ва Ғарб.
4. Ҳозирги замон цивилизацияси.

XVII аср Европа тарихига маърифатчилик асри бўлиб қирди. Маърифатчилик ҳаракати ва ғоялари, дастлаб Францияда шаклланди ва

бутун Европа бўйлаб тарқалди. Бу даврда маърифатпарварлар томонидан илгари сурилган маърифатчилик ғояларида ақл-идроқка қатта эътибор берилди ва жамият таракқиётига фан ва билим орқалигина эришиш мумкинлиги, таракқиётга тўсик бўлган жойхиллик ва хурофатни бартараф этиш учун маърифат зарурилиги кенг тарғиб қилинди. Маърифатчилик ғояларининг кенг тарқалиши кишиларда келажакка ишончни уйғотди. Цивилизация тўғрисидаги фалсафий қарашлар айнан шу даврдан бошлаб юзага келди. Цивилизация тушунчаси француз маърифатпарвари, шотланд тарихчиси ва файласуфи А.Фергюссон (1723-1816) томонидан жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини ифодалаш учун илмий мулоқотга киритилди.

Маърифатпарварлар цивилизация деганда, бир томондан, жамият таракқиётининг маълум бир босқичини назарда тутган бўлсалар, иккинчидан, инсоният ақл-заковати ёрдамида эришилган ютуқларни шу тушунча ёрдамида ифодалагандилар.

Цивилизацияни инсоният жамияти таракқиётининг ёввойилик ва варварликдан кейинги муайян бир босқичи сифатида таҳлил қилишда унга хос қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилди: цивилизация инсоният таракқиётининг энг қадимги, илк босқичларидан суғорма дехқончиликнинг вужудга келиши, давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, шаҳарларнинг юзага келиши, ёзувнинг пайдо бўлиши билан фарқланади. Айни вақтда цивилизация тушунчаси инсон ақл-заковати эришган ютуқларини ифодалайди. Француз маърифатпарварлари цивилизация тушунчасини ақл-идроқ ва адолатга асосланган жамият, яъни идеал жамият маъносида қўлладилар. Цивилизация мураккаб мазмунга эга бўлган фалсафий тушунча ҳисобланади. Шунинг учун ҳам цивилизация ҳақида хилма-хил қарашлар, нуқтаи-назарлар мавжуд. Чунончи инглиз социологи ва тарихчиси Арнольд Тойнби (1889-1975) цивилизация деганда жамият таракқиётини, аввало маданий юксалишни назарда тутди. Дунё тарихини ўрганган Тойнби цивилизацияга маланиятнинг муайян босқичи сифатида қараб, тарих ўзига хос хусусиятларга эга бўлган алоҳида цивилизациялардан иборат, деган фикрни илгари суради. У «тарихни билиш» асарида инсоният тарихида бўлган цивилизациялар сонини 13 та ҳисоблайди. Цивилизацияни ривожлантирувчи куч – ижодий элита ёки озчиликдан иборат, деб билади. Унинг фикрича, цивилизация ўз-ўзидан шаклланмайди. Унинг ривожланиши учун маълум тарихий давр етилган бўлмоғи лозим. Бундай даврни Тойнби «Чакирув ва жавоб» деб белгилайди. Унинг фикрича, тарих чакириғига озчилик жавоб берар экан, ўз кетидан бефарқ қўлчиликни эргаштиради. Чакирув шундай даврки, бунда жамият қандайдир хавф остида бўлади. Чакирув ва жавоб ҳар қандай цивилизациянинг асосини ташкил этади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Ғарб фалсафаси. – Т. «Шарқ» нашр., 2004 йил. 588-589 бетлар.

Поляк файласуфи Конечки цивилизацияни кишилар жамоасини уюштиришнинг алоҳида шакли сифатида таърифлайди.

Немис файласуфи Освальд Шпенглер (1880-1936 йиллар) цивилизация тушунчасини маданиятга қарама-қарши қўяди. Унинг концепциясига мувофиқ, цивилизация ҳар қандай маданиятнинг муайян якуний босқичидир. Унинг асосий белгилари: а) саноат ва техника тараққиёти; б) адабиёт ва санъат деграцияси; в) ҳаддан зиёд одамлар яшайдиган улкан шаҳарларнинг вужудга келиши; г) халқнинг қиёфасиз оломонга айланиши. У бир-биридан ажралган, бири-бирининг таъсирига тушмаган, маълум бир тарихий даврда яшаб, сўнгра йўқ бўлиб кетадиган маданиятлар. Бинобарин, Шпенглер умумбашарий маданиятни инкор этади.

Инсоният, Шпенглер фикрича, зоологик бирликдир. Инсониятнинг ягона тарихи йўқ, фақат алоҳида яширин маданият бор. Ҳар бир маданият ҳаётини тақдир бошқаради. «Ҳар қандай маданият инсондек ҳаёт кечиради. Уларнинг ўз болалиги, ўсмирлиги, ўрта ёши ва қадимги бўлади».<sup>1</sup> Шпенглер 8 та бир-биридан айро ҳолда мавжуд маданиятлар борлиги, улар минг йиллар галаси яшагач, цивилизация сифатида намоён бўлиши ҳақида фикр юритади. Маданиятнинг цивилизацияга ўтиши ижодкорликдан махсулсизликка, шаклланишдан қотиб қолишга, қаҳаромонга ташаббуслардан механик «иш»га ўтишдан иборат. Шпенглер фикрича, цивилизация оқибатида бадний ва адабий ижодга эҳтиёж қолмайди. Шунинг учун ҳам маданий даъволардан воз кечиб, соф техниклизмга эътиқод қилишни тақлиф этади.

Рус олими Николай Данилевский (1822-1885) цивилизацияларнинг маданий-тарихий типлари ҳақидаги концепцияни илгари суради. Бу маданий-тарихий типлар асосида кишилар фаолиятининг тўрт асосий тури ётади; шунга қўра диний, маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий цивилизациялар мавжуд. Данилевский цивилизациялар халқларнинг маданий-тарихий типларининг намоён бўлиши, деб ҳисоблайди ва шу асосда маданий-тарихий тараққиёт типларининг қонуниятли характери ҳақида фикр юритишади: 1) бир ёки бир-бирига яқин тилда сўзлашувчи халқлар бир маданий-тарихий типни ташкил этади; 2) бундай маданий-тарихий типнинг шаклланиши ва ривожланиши муайян сиёсий мустақилликка боғлиқ бўлади; 3) цивилизациянинг муваффақияти маданий-тарихий типларнинг турли томонларига бевосита боғлиқ; 4) цивилизациянинг шаклланиши узок муддатли жараён, унинг гуллаб-яшнаши нисбатан қисқа даврда содир бўлади; 5) фақат индивидуал берк (бикик) ҳолдаги цивилизациялар тарихи бор.<sup>2</sup>

Цивилизацияни туркумлашда хилма-хил ёндошувлар мавжуд. Ижтимоий, сиёсий, этник, диний, даврий тамойиллар асосида туркумлашлар мавжуд. А.Фергюссон цивилизацияни бевосита жамият тараққиёти билан

<sup>1</sup> Ўша асар. 580-бет.

<sup>2</sup> О.Г. Данильян, В.М. Тараненко. Философия. Учебник. – Москва, ЭКСМО, 2005 йил. 440-441 бетлар.

боглаб, уни ёввойилик, вахшийлик ва цивилизация боскичларига бўлади. Цивилизацияни кишилик жамияти ривожланишининг муайян боскичи асосида туркумлаш: неолит цивилизацияси, нокапиталистик цивилизация, хозирги замон цивилизацияси.

Марксизм нуктаи-назаридан, цивилизация маълум бир ижтимоий-иктисодий формация сифатида тушунилган: ибтидоий жамоа, кулдорлик ва х.к.

Цивилизация географик жихатдан фаркланиш асосида туркумланган: Европа цивилизацияси, Шарқ цивилизацияси.

Диний мансублик асос қилиб олинган: христиан цивилизацияси, ислом цивилизацияси ва х.к.

Келиб чиқиш, планетар мансубликка кўра: Ер цивилизацияси, Ердан ташқаридаги цивилизациялар.

Этник асосга кўра фаркланадиган бирликлар назарда тутилган: Қадимги Миср цивилизацияси, Бобил цивилизацияси.

Цивилизация тушунчаси маданият тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Айрим олимлар, масалан, Шпенглер цивилизацияни маданиятнинг антиподи, деб биледи ва «цивилизация маданият таназзули ифодаси» деган хулосага келади.

Цивилизацияни маданиятга қарама-қарши қўйишнинг асослари бор. Цивилизация зиддиятли ижтимоий жараёнлар тарзида кечган ва бу жараёнлар оқибатида тараккиёт билан бир қаторда маданиятларнинг емирилиши, бойлик ва кашшоқлик каби ижтимоий ходисалар юзага келиши кузатилган.

Цивилизация муаммосига турлича қарашларни инкор этмаган ҳолда, унинг маданият билан алоқадорлигини алоҳида таъкидлаш, цивилизация одамзотнинг ёввойилик ва варварликдан кейинги маданий тараккиёт боскичи эканлигини эътиборга олмоқ лозим.

Цивилизация маданиятлар хилма-хиллиги асосида шаклланади. Маданиятларнинг турли-туманлиги улар орасидаги умумийликни инкор этмайди. Маданиятнинг инсонпарварлиги тамойили уларни бир-бирига яқинлаштиради. Айни вақтда маданиятлар ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатади ва бу таъсир маданиятлар тараккиётида ўз ифодасини топади.

Цивилизация – инсоннинг ташқи олами, маданият – унинг ички олами. Маданият инсон ва жамиятнинг бойлиги. Цивилизация инсон ва жамиятнинг тараккиётини ифодалайди ва у инсон ва жамиятнинг ўзгартувчилик фаолияти маҳсулидир. Цивилизация:

1) жамиятни ижтимоий ташкил этиш усули ҳисобланади;

2) у аввал бошданок прогрессив тараккиёт сифатида юзага келган. Бу тараккиёт ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан боғлиқ тарзда кечган. Агар варварлик даврида энг қадимги одамлар уюшувни табиий асосга таянган бўлса, цивилизация одамларнинг ижтимоий жихатдан уюшувини келтириб чиқаради;



3) цивилизация ижтимоий бойликларни ишлаб чиқариш ва тобора кўпайтириб боришдан иборат мураккаб ижтимоий жараён.

Цивилизация ортиқча маҳсулотнинг ижтимоий бойликнинг вужудга келиши билан боғлиқ равишда амалга ошган. Айнан ортиқча маҳсулот, бойликнинг пайдо бўлиши оқибатида меҳнат тақсимооти чуқурлашди, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқди, илмий билимлар шаклланди, фан, фалсафа, санъат вужудга келди. Ижтимоий бойлик деганда моддий неъматлар кўринишидаги бойлик билан бир қаторда, маънавий қадриятларни ҳам ҳисобга олмоқ лозим. Моддий бойликларнинг тобора кўпайиб бориши бўш вақтдан фойдаланиш муаммосини келтириб чиқаради. Бўш вақт жамият ва инсон тараққиётининг муҳим омили бўлиб қолди. Жамият тараққиёти, бойликларнинг тобора кўпайиб бориши маданиятли ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши учун имконият яратди.

4. Жамиятнинг таркибида жиддий ўзгаришлар кузатила бошланди. Унинг ижтимоий таркибида хилма-хил синфлар, ижтимоий гуруҳлар, табақалар шаклланди.

5. Цивилизациянинг энг муҳим белгиси жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ. Бошқарувнинг жамоа усулидан фаркланувчи маҳсус бошқарув – давлат ҳокимияти шаклланди.

6. Оила ва оилавий муносабатлар такомиллашди.

7. Цивилизация маънавий маданият такомилли билан бевосита боғлиқ. Ёзувнинг кашф қилиниши аждодлар билимлари ва тажрибаларини авлодларга мерос сифатида қолдириш имкониятини берди. Ёзув цивилизациянинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Цивилизация маънавий бобида бебаҳо ўрин тутди. Инсониятни ўз тақдирини ўзи белгилаш, ижтимоий танловда адашмаслиги, унинг ҳар томонлама қомил инсон сифатларини намоён эта олишида цивилизациянинг роли бениҳоядир. Инсоннинг ўзини-ўзи англаши, миллий мақсадларни фаҳмлашида цивилизация муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврда билим ва тадбиркорлик ҳар бир одамга нечоғли зарур бўлса, цивилизация туғдирган имкониятлардан фойдаланиб, инсоний фазилатларга эга бўлиш ҳам шу даражада зарур.

Цивилизация умумбашарий аҳамиятга молик мураккаб ижтимоий ҳодиса ва бу ҳодиса жамиятлар тараққиётида намоён бўлади.

Ҳозирги замон цивилизацияси жамиятлар тараққиётида янги сифат босқичи мавжудлиги билан характерланади. Ҳозирги замон цивилизацияси ўзида жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари, янги ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқ.

#### Адабиётлар:

1. Фалсафа. Латин алифбосида. – Т., 2006 йил, 448-464 бетлар.
2. Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсупов таҳрири остида. – Т., «Шарқ» 1999 й., 301-313 бетлар.
3. Фалсафа Қомусий лугат. Т. «Шарқ» 2004 йил.

4. Ғарб фалсафаси. (Олимларнинг цивилизация муаммосига дахлдор қарашлари) – Т., «Шарқ» 2004 йил, 575-590 бетлар.

5. Қ.Хоназаров. Янги тараққиёт палласи. – Тафаккур журн., 2003 йил, 4-сон.

6. Шерали Ашур. Ғарб ва Шарқ: цивилизация ва маънавият – Мулоқот журн., 1994 йил, 1-2 сон.

### **Таянч тушунчалар:**

Ёввойилик, варварлик, цивилизация, маданият, маданий тараққиёт, локал цивилизация, цивилизацияли ёндашув.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Цивилизация тушунчаси қандай маъноларда қўлланилади?
2. Цивилизация тушунчасининг моҳияти.
3. Цивилизация ва маданиятнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ихохланг.
4. Цивилизациялар турлари.
5. Ғарб цивилизациясининг ўзига хос томонлари нима?
6. Шарқ цивилизациясининг хусусияти.
7. Цивилизацияни фарқлари.

## **17-мавзу. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб бориши (интеграцияси).**

1. Интеграция тушунчаси. Жаҳон цивилизациясига интеграция.

2. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва унинг жаҳон мамлакатлари билан яқинлашувида тутган ўрни.

«Интеграция»<sup>1</sup> ижтимоий-сиёсий адабиётларда кўп қўлланади. Интеграция жаҳон миқёсида мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувида, уларнинг корхоналари, тармоқлари ва миллий иқтисодиётнинг ягона жаҳон ҳўжалик организмга бирлашувида намоён бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар ташқи оламдан узилиб қолган эди. Чор ҳукумати даврида Қўқон хонлиги ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги деб аталган мустамлака ҳудуди ташкил этилган ва у Россияга вассал бўлиб қолганди: Бухоро ва Хива хонлиги ташқи дунё билан мустақил алоқалар ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум этилганди.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиши билан халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. У жаҳоннинг 182 мамлақати томонидан тан олинган, 142 мамлакат билан дипломатик

<sup>1</sup> Интеграция лотинча integer – бутун маъносини ифозалайди.

алоқалар ўрнатган. Ўзбекистонда кўпгина халқаро, давлатлараро ва нодавлат ташкилотларининг ваколатхоналари очилган.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида жаҳон ҳамжамиятига қўшилув (интеграциялашув) масалалари сайёрамизнинг турли бурчакларида яшайётган халқлар учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бошқа мамлакатлар катори ўз мустақиллигини кўлга киритган Ўзбекистон ҳам тобора кўпроқ жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб бормоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашиб боруви унинг ташқи сиёсатининг асосий моҳиятини ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» ўз ифодасини топди: Унда кўрсатилганидек Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. давлатларнинг суверен тенглиги;
2. куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;
3. чегаралар дахлсизлиги;
4. низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
5. бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларига риоя қилиш.

Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялаб борувида ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган.

Биринчидан, ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларни йўлга қўйишда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устуңлиги;

Иккинчидан, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

Учинчидан, мафқуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний кадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама қилишувлар асосида ривожлантириш.<sup>1</sup>

Ташқи алоқаларнинг интеграциялашувга қандай алоқаси бор?, деган саволни қўйиш ўринли. Ташқи сиёсат, алоқаларни ўрнатиш мамлакатимизнинг ички ҳаёти учун осойишта шарт-шароитларни таъминлашга, туб ислохотларни амалга оширишга хизмат қилади. Биз ўз олдимизга ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат стратегик вазифани қўйганмиз. Замонавий ҳуқуқий демократик давлат леганда, жаҳон ҳамжамияти билан интеграцияга

<sup>1</sup> Ислам Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасига: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Т., «Ўзбекистон» 1997 йил. 296-297 бетлар.

кириша оладиган давлат назарда тутилади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг асосий йўналишлари унинг ташқи сиёсатида ўз ифодасини топади.

1. Давлатлараро, шунингдек нодавлат халқаро ташкилотлар ишидаги иштироки. Ўзбекистон БМТга 1992 йилдан бери аъзо;

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо ва х.к.

2. Битим ва келишувлар асосида иккиёклама ва кўпёклама давлатлараро муносабатлар; Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги фаолияти.

3. Марказий Осиё суверен давлатлари билан ҳамкорлик. Бундан кўзга тутилган мақсад Марказий Осиёда ягона иқтисодий, маънавий ва сиёсий муҳитни барпо этиш.

Маълумки Ўзбекистон ўзининг географик ва сиёсий ўрнига кўра Шарқ ва Ғарб цивилизацияси ўртасидаги боғловчилик вазифасини бажаради. Марказий Осиёда 50 млндан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Ўзбекистон аҳолиси Марказий Осиё аҳолисининг 50 дан ортиқ фойизини ташкил этади.

4. Чегарадош ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан шўролар даврида узилиб қолган алоқаларни қайта тиклаш ва мустахкамлаш;

5. Бошқа Осиё мамлакатлари, хусусан Хитой, Хиндистон билан кенг алоқаларни йўлга қўйиш. Бу борада 2000 йилдан бошлаб ташкил топган Шанхай ташкилоти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига 2002 йилдан бери аъзо. Бу ташкилотнинг асосий мақсади инсоният аҳолисининг 4/1 қисми яшаётган ҳудудда ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлаш, истиқболда минтақада яшовчи халқларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва муносиб келажакларини таъминлаш.

6. Ўзбекистонда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан тенгхуқуқли, ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйилиши унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида муҳим ўрин тутали. Ҳозирда, Ўзбекистоннинг АҚШ, Германия, Япония, Франция, Италия ва бошқалар билан алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бундай алоқалар замонавий технологияларни, чет эл инвестицияларини жалб этиш, замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш борасида кенг имкониятларни очиб бермоқда.

7. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб боришида маданий алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз дунёвий цивилизациянинг қадимги ўчоқларидан бири, у умуминсоний аҳамиятга эга бўлган маънавий бойликлар, қадриятлари билан машҳур.

8. Республиканинг жаҳон иқтисодий ҳаётига интеграциялашуви ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Республика ўзининг ташқи иқтисодий сиёсатини кўшига нуфузли халқаро ва минтақавий иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг аъзоси сифатида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон 1994 йилда ташкил топган Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти (МОИХ) аъзоси бўлган. Ҳозирда бу Марказий Осиё

хамкорлик ташкилоти – МОХТ деб юритилади. Бу ташкилотнинг фаолияти 4 йўналишда олиб борилмоқда:

- иқтисодий хамкорлик;
- минтакавий хавфсизликни таъминлаш;
- Афғонистонни қайта тиклаш;
- гуманитар хамкорлик.

Ўзбекистон жаҳоннинг нуфузли иқтисодий, молиявий ташкилотлари билан хамкорликда мамлакатда қудратли иқтисодийetni барпо этиш йўлида ҳаракат қилмоқда. Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, БМТ тараққиёт дастури шундай ташкилотлар жумласидандир.

8. Ўзбекистоннинг минтакавий интеграция доирасидаги фаолияти ҳам унинг жаҳон хамжамиятига қўшилиб боришида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан тузган шартномалари бундан далолат беради.

#### Адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Т., «Ўзбекистон» 1997 йил, 296-323 бетлар.

2. Ислом Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан хамкорлик йўли. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясидаги маърузаси. – Т., «Ўзбекистон овози», 26 апрель 2003 йил.

3. Falsafa. M. Ахмедова таҳрири остида. – Т., 2006 йил, 470-479 бетлар.

4. Муножатхон Нурматова. Ўзбекистон ва жаҳон хамжамияти. – «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журн., 2004 йил, 4-сон.

5. Дилшод Комилов, Норбой Каримов. Халқаро молиявий ташкилотлар. – «Хамкор» газетаси, 2002 йил, 6 июнь.

6. Қобилбек Каримбоев. Хавфсизлик ва ижодий тараққиёт йўлидаги хамкорлик – XXI аср заҳетаси, 2004 йил, 10 июнь.

7. З.Музаффаров. Минтакавий интеграция росмана иқтисодий сўй-ҳаракатларни таказо этади. – «Халқ сўзи». 2003 йил 27 сентябрь.

#### *Таянч тушунчалар:*

Давлат мустақиллиги, интеграция, иқтисодий интеграция, сиёсат, ташки сиёсат.

#### **Назораг учун саволлар:**

1. «Интеграция», «интеграциялашув» тушунчаларининг маъносини изоҳланг.

2. Глобаллашув жараёнлари ва интеграция орасидаги муносабат деганда, нимани тушунаси?

3. Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув нималарда ўз ифодасини топади?
4. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
5. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг асосий йўналишлари қайсилар

### **18-мавзу. Жамиятни илмий билиш ва бошқариш.**

1. Жамиятни илмий билиш муаммоси.
2. Ижтимоий билиш илмий билишнинг ўзига хос кўриниши. Ижтимоий билишнинг таркиби ва ўзига хос жиҳатлари.
3. Ижтимоий билиш даражалари. Эмпирик ва назарий билиш.
4. Ижтимоий башорат ижтимоий билим шакли сифатида.

Фалсафа олам – одам тараккиётининг энг умумий қонунилари, одамнинг оламдаги ўрни тўғрисида баҳс юритадиган фан. Фалсафий билимлар мазмунида қадимий даврдан то ҳозирги қадар қўйилган ва қўйилиб келинаётган уч саволга берилган жавоблар ўз ифодасини топган. Булар:

- олам нима?
- олам қандай?
- оламни билиш мумкинми?

Бу саволлар жамиятга нисбатан ҳам қўйилган ва унга берилган жавоблар оқибатида фалсафий билимлар ижтимоий ҳаётнинг муҳим томонларини акс эттиришга хизмат қилган. Натижада фалсафанинг ўзига хос соҳаси – ижтимоий фалсафий билимлар шаклланган ва ривожланган. Ижтимоий фалсафа жамият, инсон, ижтимоий тараккиёт ва ижтимоий билишнинг моҳияти, қонуниятлари тўғрисида баҳс юритишини аввал таъкидлаб ўтган эдик.

Оламни билиш мумкинми, деган саволга жавоб фалсафанинг билиш назариясида – гносеологияда ўз ифодасини топгани сингари жамиятни билиш муаммолари ижтимоий фалсафанинг асосини ташкил этади. Ижтимоий фалсафа оламнинг таркибий қисми жамият, уни билиш муаммолари билан шуғулланади.

Таъкидлаш жоизки, энг қадимий даврлардан бошлаб жамият, унинг моҳияти, жамиятни билиш муаммолари олимларни қизиқтириб келган. Жамиятни билишнинг тарихий илдизларини «Авесто»да, «Таврот»да, Геродот асарларида учратиш мумкин. Инсоният жамиятига тарихий-фалсафий ёндашув тамойиллари Абу Райҳон Беруний, ибн Халдунолар меросида ўз ифодасини топган. Жамиятга илмий ёндашув намуналарини Абу Наср Форобий асарларида кўриш мумкин. Мутафаккир инсон қамолоти ва жамият тараккиётини илм билан бевосита боғлайди. У ўзининг «Бахт-саодатга эришув ҳақида»ги рисолисида инсон қамолоти

учун қандай илмлар зарурлигини уқтириб ўтади ва бундай билимлар ичида одамнинг инсон бўлишидан қутилган мақсад ва муддаони ўрганиш, шунингдек, маданиятга оид билимларни эгаллашнинг муҳимлигига эътибор қаратади.<sup>1</sup>

Жамиятни илмий англаш масаласи фалсафада XVIII асрдан бошлаб алоҳида ижтимоий билимлар тизими сифатида шакллана бошлади. Бунда Неаполик олим ВИКО ЖАН БАТТИСТА (1668-1744 й.), немис олими, маърифатпарвар ИОГАНН ГОТФРИД ГЕРДЕР (1744-1803 й.), француз файласуфи, утопик социал лойиха мушарифи Сен-Симон Клод Анри (1760-1825 й.)ларнинг хизматлари катта бўлади.

Вико Жан Баттиста тарихий жараёнларнинг объективлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. У «Миллатларнинг умумий табиати тўғрисидаги янги фаннинг асосланиши» китобида ер юзидаги барча миллатлар таракқиётининг тарихий айланма назариясини ишлаб чиқди, ва бунда ижтимоий ҳаёт шаклларини ўзаро алоқадорликда олиб ўрганди ва ижтимоий ҳаётга бутунлик сифатида ёндошди.<sup>2</sup>

Гердер Иоганн Готфрид «Инсоният тарихи фалсафасига доир ғоялар» асарида Германия ижтимоий тафаккурида XVIII аср охиригача ҳукм сурган теологик қарашларни бартараф этишга ҳаракат қилди, социал тарихийлик ғояларини ривожлантирди ва биринчи бўлиб ижтимоий таракқиёт ғоясини илгари сурди.<sup>3</sup>

Франция революция орқали ўз мақсадига эриша олмаганини кўрган Сен-Симон қашшоқлик туфайли келиб чиққан ва ижтимоий мулкни мулксизлар ўртасида тақсимлашга интилган революциялар жамиятни парокандаликка, бошбошдоқликка олиб келади; бунга йўл қўймаллик учун жамиятни ўрганиш, илмга асосланган ижтимоий тизимни яратиш зарур, деб ҳисоблайди.<sup>4</sup> Сен-Симон жамиятни қонуний ривожланувчи бир бутун организм, деб билади. У жамият тарихини тадқиқ қилиш инсониятни цивилизацияли таракқиётда турли сиёсий иллюзиялардан асрайди, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, жамиятнинг асосий жиҳатларини ўрганмоқ учун кишиларнинг реал фаолиятлари тадқиқ қилиш лозим. Сен-Симон инсон ҳақидаги фан (ижтимоий физиология)ни ишлаб чиқади.

Немис мумтоз фалсафасининг йирик вакили Георг Вильгелм Фридрих Гегель (1770-1831 й.) ижтимоий билиш соҳасида ўзига хос ижтимоий-тарихий концепцияни илгари суради. Унинг қарашларида табиий, тарихий ва маънавий дунё ягона жараён сифатида талқин қилинган, бу жараённинг ҳар бир қисми бошқаси билан ички алоқадорликда экани ифодаланган. Гегель жаҳон тарихини ягона, объектив қонуниятли жараён сифатида ўрганди. Гегелнинг катта ютуғи шунда

<sup>1</sup> Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I-қисм. – Т., Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашр., 2004 йил, 115-116 бетлар

<sup>2</sup> Фалсафа. Қомусий лугат. – Т., «Шарқ» нашр., 2004 й., 74-бет.

<sup>3</sup> Ўша ерда. 88-бет.

<sup>4</sup> Ўша ерда. 363-бет.

эдики, у бутун моддий ва маънавий борликни, шу жумладан жамиятни доимо ривожланиш жараёнида олиб қаради, жамият таракқиёти масаласига диалектик ёндошди. Лекин Гегельнинг тарих концепцияси муайян даражада чекланган эди, чунки у тарихий таракқиёт сабабларини «мутлок гоё», «рух иродаси»дан иборат, деб билди ва ижтимоий таракқиётни Прусс монархияси билан чеклаб қўйди. Жамиятни таҳлил этишнинг диалектик методини асослаб берганлиги Гегель фалсафий қарашларининг энг катта ютуғи эди.

Ижтимоий билиш ҳозирги давр фалсафасининг ҳам муҳим муаммоси бўлиб ҳисобланади. Инсон ўз онги, тафаккури билан жамиятни била оладими? Унинг ижтимоий билимлари қай даражада ҳақиқат бўла олади? деган саволларига жавоб ҳозирги давр фалсафасида ижтимоий билишга доир 2 хил муносабатни келтириб чиқарди. Бу натурализм ва гуманитаризм фалсафий йўналишларининг шаклланишига тўртки бўлди.

1 – кўргазмали чизма:

### **ИЖТИМОЙ БИЛИШНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОНГА ХОС ТАЛҚИНИ** (фалсафий йўналишлар)

**НАТУРАЛИЗМ**

**ГУМАНИТАРИЗМ**

Табиий ва табиий-техник билимларнинг ахамиятини бўрттириш асосида гуманитар соҳа, яъни ижтимоий билимларнинг кераги йўқлигини «асослайди».

Ижтимоий билимлардан бошқа билим соҳаларини эътиборга олмайди; гуманитар онг ва ижтимоий билимларни мутлақлаштириш гоёсини илғари суради.

Натурализм йўналиши тарафдорлари табиий ва ижтимоий билиш орасида ҳеч қандай фарк йўқ, деб ҳисоблайдилар. Поляк олими Е.Топольский тарихий билишни инкор қилади. Унинг фикрича, тарихни билишга доир муаммолар бир вақтнинг ўзида билишнинг бошқа шаклларида ҳам мавжуд. Бундан табиий фанлар соҳасидаги билимларгина ҳақиқий илмий бўлиши мумкин, деган хулоса чиқарилади.<sup>1</sup> Гарчи бу қараш ҳозирги давр фалсафасига хос ҳисобланса-да, аслида бундай қарашларнинг илдизи Европага, XVII-XVIII асрларга бориб тақалади. Маълумки, XVII-XVIII асрларда табиатшунослик ривожланиш босқичига кирган, механика энг ривожланган фан эди. Механика қонунларини жамиятни тушунишга татбиқ этиш мумкин, деган қараш юзага келди.

<sup>1</sup> Билиш фалсафаси. – Т., «Университет» нашр., 2005 йил. 191-бет.



Шундай нуктаи-назар немис олими Генрих Риккерт (1863-1936 й.) карашларига хос. У фанларни тарихий фанлар ва конун яратувчи фанларга бўлади ва уларни ўзаро бир-бирларини инкор этувчи соҳалар, деб билади. Унинг фикрича, табиий илмий билиш умумий конуниятларни билишга қаратилгандир; тарих бўлса, ягона, бетакрор ходисаларни ўрганadi. Риккерт ўз карашларида тарихий конуниятларни инкор этади.<sup>1</sup>

Иккинчи нуктаи-назар – гуманигаризм: Мазкур нуктаи-назар янги тарих фалсафаси намоёндалари немис олими Освальд Шпенглер (1880-1936 й.), инглиз олими Арнольд Тойнби (1889-1975 й.) асарларида акс этган.

Ижтимоий билиш илмий билишнинг ўзига хос кўриниши хисобланади. Илмий билиш оламни чуқур, атрофлича ўрганишни талаб қилади. Илмий билиш натижалари илмий билимларда, фан мазмунида ўз ифодасини топади. Ижтимоий билиш жамият, инсонни чуқур ўрганишни талаб қилади.

Ижтимоий билиш – жамиятни, унда кечаётган ижтимоий ходиса, жараёнларнинг моҳиятини, уларнинг келиб чиқиши, яшаши ва ривожланиши конуниятларини билишдир. Ижтимоий билишдан кўзда тутилган мақсад жамият, инсон, ижтимоий тараққиёт хақидаги объектив мазмунга эга билимни – ижтимоий хақиқатларни хосил қилишдир.

Ижтимоий хақиқат деганда ижтимоий билимларнинг ижтимоий борлиққа, жамиятга мос келиши (адекватлиги) назарда тутилади.

Ижтимоий билиш ўзининг бирқатор жиҳатлари билан табиатни билишдан фарқланади.

- Жамият – моддий оламнинг энг мураккаб кўриниш. Жамиятни билиш деганда, унда кечган ва кечаётган воқеа-ходисаларни, ижтимоий жараёнларни англаш назарда тутилади.

- Жамият уни ташкил этувчи кишилар, турли ижтимоий гуруҳлар, тарихий-этник бирликлар фаолиятларининг барча кўринишларини ҳамда уларнинг махсул-натижаларини ўз ичига қамраб олади. Жамият ўз-ўзидан шаклланувчи, ўз-ўзидан ривожланиб борувчи ижтимоий тизим. Бу тизимнинг барча хусусиятлари кишилар фаолиятлари орқали намоён бўлади. Демакки, жамиятни билиш деганда аввало кишилар фаолиятларини ва шу фаолиятнинг асосий мотивлари (кишиларнинг мақсад-манфаатлари)ни таҳлил этиш назарда тутилади. Кишилар фаолиятлари моҳиятини англаш жамият хақида чин билимлар хосил қилиш имконини беради.

- Одамлар фаолиятлари жараёнида ўзаро бир-бирлари билан алоқамуносабатга киришадилар. Шу маънода жамият кишилараро объектив тарзда содир бўладиган ижтимоий алоқа ва муносабатларнинг махсули ва кўринишидир. Бу алоқа ва муносабатлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини, моддий ва маънавий ҳаётни қамраб олади. Шундай экан,

<sup>1</sup> Фарб фалсафаси. - Г., «Шарқ» нашр., 2004 йил 601-бет.

жамиятни билиш учун ундаги мавжуд турли ижтимоий алоқа ва муносабатларни ўрганиш талаб қилинади.

- Ижтимоий билиш ижтимоий эҳтиёж ва манфаатларни ўрганишга қаратилган бўлади. Ижтимоий манфаатларда эса тарихий зарурият ўз ифодасини топади. Тарихий заруриятни англаш жамиятдаги ўзгаришларнинг моҳиятини англаш асосида юзага келади.

- Фалсафий тафаккур оламга, шу жумладан жамиятга диалектик муносабатда бўлишни тақозо этади. Жамият ўзида узлуксиз ҳаракат, ўзариш, таракқиёт жараёнларини кечирадиган ижтимоий тизимдир. Бу узлуксиз қайта шаклланиб, ривожланиб борадиган ижтимоий билимларда ўз ифодасини топади.

- Ижтимоий билиш ўзининг мазмуни, қандай мақсадга йўналтирилганлиги, таркиби, унда қўлланиладиган ўзига хос усул ва воситаларига кўра билимнинг бошқа кўринишларидан фарқланади.

Ижтимоий билимнинг мазмунида жамият ҳаёти тўлалигича, барча алоқа ва муносабатлари билан бирга яхлитлик, бир бутунлик сифатида акс этади. Бу ҳол жамиятни тўғри англаш, таракқиёт тенденцияларини аниқлаш имконини беради.

- Ижтимоий билиш жамият ҳаётини тўғри англаш ва шу асосда онгли фаолият кўрсатиш имконини беради. Жамиятни билиш уни оқилона бошқариш ва келажак таракқиёти истикболларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

- Ижтимоий билиш таркиби деганда:

а) ижтимоий билиш субъекти;

б) ижтимоий билиш объекти;

в) ижтимоий билимнинг ўзи назарда тутилади.

Ижтимоий билиш субъекти – инсон (тадқиқотчи), объекти – жамият ҳаёти.

Ижтимоий билиш мураккаб диалектик характерга эга жараён бўлиб ҳисобланади. Умуман илмий билиш, шу жумладан ижтимоий билиш узвий равишда ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган икки даражада намоён бўлади:

1. ижтимоий билишнинг эмпирик даражаси;

2. назарий даража.

Ижтимоий билишнинг бу икки даражаси ўз мазмунига кўра, кўзда тутилган мақсади ҳамда билимни ҳосил қилишда қўлланиладиган усулларга кўра ўзаро бир-биридан фарқ қилади.

## ИЖТИМОЙ БИЛИШ

Мақсад: чин билим хосил қилиш (ижтимоий ҳақиқат). Ижтимоий билимларнинг ижтимоий борлиққа мос келиши (адекватлиги) – ижтимоий ҳақиқат.

### ИЖТИМОЙ БИЛИШ ДАРАЖАЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ

#### ЭМПИРИК БИЛИШ

Кузатиш  
Статистик усул  
Ижтимоий эксперимент  
Хужжатлар, манбалар  
билан ишлаш

#### НАЗАРИЙ БИЛИШ

Тарихийлик ва мантиқийлик  
Моделлаштириш  
Тарихий аналогия  
Ижтимоий башорат

Эмпирик билиш жараёнида ўрганилаётган ижтимоий объект ҳақида дастлабки билимлар хосил бўлади.

Бу билимларнинг қайта ишаниши, махсус методлар қўлланиши натижасида ижтимоий объект ҳақида чин билимлар хосил бўлади.

Эмпирик билишда дастлаб қўлланиладиган махсус усул кузатиш, деб юритилади. Кузатиш методи энг қадимги даврлардан бошлаб қўлланилган. Кузатиш методидан фойдаланишда унинг ўзига хослигини ҳисобга олиш муҳимдир. Кузатув орқали муайян ижтимоий жараёнлар, кишилар, ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолияти ўрганилади. Кузатув ҳар хил методларда олиб борилиши мумкин. Буларга: а) мунтазам кузатув, маълум бир вақт мобайнида давомли кузатув; б) эпизодлик кузатув; в) дала шароитида кузатув, г) махсус лаборатория шароитидаги кузатувларни мисол қилиб олиш мумкин.

Кузатув методидан тўғри фойдалана билиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда кузатувнинг мақсадини аниқ белгилаш, объектнинг ҳолат, хусусиятларига эътибор бериш; кузатув натижаларини қайд қилиб бориш; тўпланган натижаларни математик статистика методлари ёрдамида ҳисоблаб чиқиш талаб этилади. Ижтимоий жараёнларни кузатиш табиий жараёнларни кузатишдан жиддий фарқланади. Табиий жараёнлар кузатилганда инсоннинг объектга таъсири унда муайян бир ўзгаришни хосил қилиш шарт эмас. Табиий жараёнлар қандай бўлса, шундайлигича, ёки махсус лаборатория ишлари жараёнида ўрганилиши мумкин. Ижтимоий жараёнларни кузатиш деганда жамият аъзолари: алоҳида кишилар, ижтимоий гуруҳлар фаолияти, хатти-ҳаракатлари, муносабатларини ўрганиш назарда тутилади. Бунда кузатувчи кузатиладиган объектга бефарқ бўла олмайди. Ишонарли натижани қўлга киритмоқ учун кўпроқ нчдан кузатиш усулидан фойдаланилади. Кузатувни

Ўрганилаётган объект (инсон, муайян ижтимоий гуруҳ)ни шу жамоага аъзо бўлган бошқа одамларга қиёслаш орқали амалга ошириш мумкин бўлади. Кузатиш ижтимоий объектларда хронокарталар юритиш шаклида олиб борилиши мумкин.

Статистика маълумотларидан фойдаланиш билвосита амалга ошириладиган кузатув ҳисобланади. Бунда тадқиқотчи ижтимоий ҳаётни ўрганиш учун статистик маълумотларни тўплайди, таҳлил қилади, ўзаро бир-бирлари билан солиштириш орқали муайян хулосалар чиқариш имкониятига эга бўлади. Жамият ҳаётининг талай томонларини ўрганишда статистик усулдан, махсус ишлаб чиқилган бошқа ёрдамчи усуллардан фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий билишда эксперимент усулидан кенг фойдаланилади.

Ижтимоий эксперимент методини қўллашда унинг ўзига хослигини инобатга олиш лозим бўлади. Ҳақ шундаки, табиий фанлар доирасида қўлланиладиган эксперимент турли фактларда такрорланса ҳам, айнан бир хил маълумот олиш имконини беради. Ижтимоий эксперимент бундан фарқли ўлароқ конкрет тарихий вазиятни ҳисобга олишни такозо этади. Турли даврларда ва турлича шароитда ўтказиладиган ижтимоий эксперимент хулосалари бир хил чикмайди, албатта.

Ижтимоий экспериментда ўрганилаётган объектни бошқа ижтимоий объектлардан ажратиб олиш қийин. Шунинг учун ҳам социал эксперимент натижалари деярлик яхши натижа беравермайди. Ижтимоий шарт-шароит, муҳит экспериментнинг ижобий натижаларини таъминлаб бермаслиги мумкин. Ижтимоий эксперимент натижалари жамият амалий фаолиятида қўллашга йўналтирилган бўлади.

Ижтимоий тадқиқотларда ҳужжатлар, манбалар таҳлили муҳим ўрин тутди.

Ижтимоий билишнинг эмпирик босқичи ижтимоий объект ҳақида дастлабки билимларни ҳосил қилиш имконини беради, лекин бу ҳали ижтимоий ҳаёт муаммоларини чуқур ўрганиш учун етарли эмас.

Шунинг учун ҳам ижтимоий билишнинг нисбатан юқори даражаси талаб этилади.


Бунда кузатиш, эксперимент натижасида ҳосил қилинган дастлабки билимлар махсус методлардан фойдаланган ҳолда қайта ишланади, ўрганилади. Назарий билишда ижтимоий жараёнларни чуқур ўрганиш ва унда махсус методлардан фойдалана билиш талаб этилади. Назарий билиш методларига тарихийлик ва мантикийлик, моделлаштириш, тарихий аналогия, ижтимоий башорат қабилар қиради.

Тарихийлик ва мантикийлик методи: биз ўрганилаётган объектни чуқур англамоғимиз учун унинг келиб чиқиши, асоси нималардан иборат эканини аниқлаймиз. Тарихийлик объектнинг реал тарихини ўрганишни, унда мавжуд бўлган ходисаларни аниқлашни талаб этади. Тарихий далилларни мантикий асослар билан бериш объектни тўғри англаш имконини тугдиради.

Моделлаштириш усулида ижтимоий жараёнлар мохиятини англаш учун объект асос бўла олмаган шароитда унинг ўхшашини яратиш ва шу асосда ўрганиш назарда тутилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий билиш жамият, ундаги ижтимоий жараёнларни тўғри англаш ва баҳолаш, жамиятни илмий асосда бошқариш имкониятларини яратади, шунингдек жамият таракқиёти истикболларини олдиндан кўра билиш мумкинлигини далиллайди. Буни куйидаги кўргазмали чизмада акс эттириш мумкин:

3 – кўргазмали чизма:



Инсон ўз келажагини тахмин ва гумонларга асосланиб эмас, балки фан амалиётининг чуқур илмий хулосаларига асосланиб билиб олади. Бундан жамиятни илмий билиш унинг келажагини прогноз қилишга ёрдам беради, деган хулосани чиқариш мумкин. Инсон ва инсоният билимлари бугунги ҳаёт нотекисликларини тушунтирибгина қолмай, келажакни олдиндан кўра билишга имкон яратади.

Башорат (прогноз) бирон-бир ходисанинг келажакдаги ҳолати ҳақидаги илмий тадқиқотларга асосланган эҳтимолий характердаги мулоҳаза. Башорат а) табиий-илмий; б) ижтимоий кўринишларда намоён бўлади. Ижтимоий башоратдан жамият ҳаётида кенг фойдаланилади; улар ёрдамида фан ва техника таракқиёти прогнозлари, иктисодий прогнозлар, сиёсий прогнозлар илгари сурилиши мумкин. Фан ва амалиёт жамиятни олдиндан билишнинг энг ишончли қуролидир.

Жамият ҳаётини чуқур ўрганишда юқорида баён этилган методлар билан бир қаторда эксперт баҳолаш, экстраполяция, тарихий аналогия, компьютер орқали намуналлаштириш методлари ҳам қўлланади.

Экстраполяция бирон-бир ходисанинг муайян бир қисмини кузатиш натижасида олинган хулосани бошқа қисмга, бошқа ҳудудга, ёки келгусига татбиқ этишни назарда тутди.

Эксперт баҳолаш – тарихий жараён ҳақидаги чуқур ва аниқ илмий тасаввурларга, илмий тадқиқот натижаларига таянган ҳолда баҳс юритиш. Тарихий аналогия бирон-бир жараён, ҳодиса ҳақида ўтмиш ходисаларига қараб хулоса чиқаришни назарда тутадиган метод ҳисобланади.

Ижтимоий билиш аввало жамият тараққиёти қонунларини очишга ва шу асосда онгли фаолият кўрсатишга ёрдам беради. Жамият тараққиёти қонуний жараён, унда амал қиладиган қонунлар умуминсоний характерга эга. Айни вақтда бу қонунлар алоҳида олинган мамлакатда ўзига хос тарзда амал қилади.

Маълумки, жаҳон миқёсида мустамлакачиликнинг тугатилиши янги босқични, мамлакатларнинг демократик тараққиёт босқичини бошлаб берди. Бу ҳолни Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Ўзбекистон ижтимоий тараққиётининг ўзига хос «ўзбек модели» мамлакатимизнинг ижтимоий билиш соҳасидаги қўлга киритган катта ютуғи ҳисобланади ва мамлакатимизнинг тараққиёт истикболларини ўзида акс эттиради.

Бу модель Республика Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интиломда», «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» каби асарларида ўз ифодасини топган. Унда тўғри кўрсатилганидек, бизнинг бош стратегик мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш орқали ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат. Айни вақтда тараққиётнинг ҳар бир босқичи – янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқишдан иборат. Бунга жамиятни илмий билиш асосида эришилади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб берилаётган ислохотлар, ички ва ташқи сиёсатимизнинг мазмуни айнан ижтимоий билиш натижаларига таянади. Белгиланган стратегик мақсад – келажаги буюк давлат, тараққий этган мамлакатни барпо этишдан иборат.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т., «Ўзбекистон», 1997 йил, 211-227-бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Т., «Ўзбекистон» 1999 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Т., «Ўзбекистон» 1992 йил.
4. Фалсафа асослари. – Т., «Ўзбекистон», 2005 йил, 365-370, 372-376 бетлар.
5. С.Э.Крапивенский. Социальная философия. – Москва, «ВЛАДОС», 1998 йил, 380-404 бетлар.
6. Фалсафа. Ўқув қўлланма. – Т., «Шарк», 1999 йил, 433-445 бетлар.
7. Билиш фалсафаси. – Т., «Университет» нашр., 2005 йил, 197-212 бетлар.

8. О.Г.Данильян, В.М.Тараненко. Философия – Москва, изд. ЭКСМО, 2005 г., стр. 449-458.

9. Карима Туленова. Предвидение и реальность. – Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» илмий нашр., 1998 йил.

10. Ғарб фалсафаси. – Т., «Шарк», 2004 йил.

11. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I қисм – Т., Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004 йил.

#### ***Таянч тушунчалар:***

Билиш, илмий билиш, ижтимоий билиш, ижтимоий ҳақиқат, ижтимоий билишнинг эмпирик босқичи, ижтимоий билишнинг назарий босқичи, ижтимоий билиш методлари: кузатиш, статистика, ижтимоий эксперимент, ҳужжатлар билан ишлаш, тарихийлик ва мантиқийлик, моделлаштириш, тарихий аналогия.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ижтимоий билиш деганда нимани тушунаси?
2. Ижтимоий билишдан қандай мақсадлар кўзда тутилади?
3. Ижтимоий билиш табиатни билишдан қандай хусусиятлари билан фарқланади?
4. Ижтимоий билишнинг босқичлари деганда нима назарда тутилади?
5. Ижтимоий билишнинг таркибига нималар киради?
6. Ижтимоий билишнинг эмпирик босқичида қандай методлардан фойдаланилади?
7. Ижтимоий билиш назарий босқичида қўллаңиладиган усуллари сананг ва изоҳланг.
8. Ижтимоий башорат нима?

Босишга рухсат этилди 10.03.2008 й. Бичими 60/84. 1/16  
хисоб-нашриёт табағи 7,0 шартли бома табағи 7,50  
Times New Roman гарнитураси. Адади 200 нусха. Буюртма № 43

“STAR-POLIGRAF” ХФ босмахонасида босилди.  
Тошкент, Беруний кўчаси, 1-298.